

**А.Гулбоев
В.Атахаджаев
И.Мамажонов**

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

**ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ
ПЕДАГОГИК ТАШХИСЛАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**А.Гулбоев, В.Атаҳаджаев,
И.Мамажонов**

**ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ
(ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ
ПЕДАГОГИК ТАШХИСЛАШ)**

ўқув қўлланма

**Бухоро
“Дурдона” нашриёти
2019**

74p
Г 95

Гулбоев, А. Т.

Ўқитувчилар фаолиятини педагогик ташхислаш [Матн] : ўқув-методик қўлланма / А. Т. Гулбоев. - Бухоро : "Sadriiddin Salim Buxoriy" Durdona nashriyoti, 2019. - 172 б.

КБК 74ря73

Ўқув қўлланма 5110900-Педагогика ва психалогия таълим йўналишида тахсил олувчи мутахассисларга мўлжалланган бўлиб унда педагогик ташхиснинг мазмуни, унинг йўллари кўрсатилган. Сифат ва самарадорлигини белгиловчи меъёрларни аниқлаш шунингдек ўқитувчилар фаолиятини педагогик ташхис қилишнинг қулай ва таъсирчан шакллари тадқиқ қилиш асосида технологиялаштиришнинг илмий-методик жиҳатлари ва шакллари тасниф қилиниб, муаммони комплекс режалаштиришни ўргатишнинг мазмуни ёритилган.

Ушбу ўқув қўлланма узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагоглар психологлар методистлар ҳамда шу соҳада тадқиқот олиб боровчилар халқ таълим тизимида узлуксиз методик хизмат кўрсатувчи мутахассисларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Педагогика фанлари доктори, профессор
Ш.Ш.Олимов

Такризчилар: Педагогика фанлари доктори, профессор
Б.Р.Адизов
Педагогика фанлари номзоди, профессор
М.М.Ахмеджанов

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 февралдаги 133-сонли буйруғига асосан нашр этишга рухсат берилган.

ISBN 978-9943-5389-3-1

Учебное пособие предназначено для обучающихся по специальности 5110900 – “Педагогика и психология”, раскрывается содержание педагогической диагностики, показывает пути повышения мер по определению качества и эффективности диагностики. А также на основе исследования её удобных и содействующих форм, освещается комплексное планирование по диагностике деятельности учителей.

Данное учебное пособие предназначено для педагогов, психологов, методистам, работающих в системе непрерывного образования, а также ведущих исследования в этой области, для специалистов оказывающих методическую помощь работникам народного образования.

The manual is intended for students on specialty 5110900 - "Pedagogy and psychology", the content of pedagogical diagnostics is disclosed, shows ways of increasing measures to determine the quality and effectiveness of diagnostics. And also on the basis of the study of its convenient and promotional forms, comprehensive planning for the diagnosis of teachers' activities is covered.

This training manual is intended for teachers, psychologists, methodologists working in the system of continuing education, as well as conducting research in this field, for specialists providing methodological assistance to public education workers.

МУҚАДДИМА

Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни янги назарий асосларда ташкил қилинмоқда айниқса мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳоти «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўзининг илмий-назарий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-юридик ифодасини топган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади-таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратишдир» (10,39)¹. Бу эса таълим жараёни, унинг мазмуни, шакл ва методларини тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Айниқса, ислоҳот ёшларни келажак ҳаётга ва турмушга тайёрлашга, ҳаётда ўз ўринларини топишга кўмаклашувчи янги тизим – ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ўз долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради. Жамият ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник тараққиётига янгича қарайдиган, мустақил фикрловчи, ишбилармон, буюк келажак пойдеворини қурувчи ишчи мутахассис кадрларни тайёрлаш республикамиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифадир. Таълим ислоҳоти жараёнида бу улкан вазифани тўла амалга ошира оладиган, замонавий ва жаҳоннинг энг илғор таълим технологияларидан моҳирона фойдалана оладиган педагог кадрларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ортди.

¹ Изох: китоб охирида фойдаланган адабиётлар рўйхати берилган. Матнда биринчи рақам унинг тартиб рақамини, 2-си бетини билдиради.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек “таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги замонавий усукларини жумладан ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга” [2,44]. Юртимизда талим соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-мафкуравий ўзгаришлар ҳамда таълим ислоҳоти талаблари нуқтаи назардан педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимига ёндашадиган бўлсак, янгиланиш жараёнларига жавоб бермаётганининг гувоҳи бўламиз. Биринчи президентимиз И.А.Каримов: «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумоти, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз.

Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураб-бийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак», - деб таъкидлади (4,7).

Бундан келиб чиқиб, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да тарихда биринчи бўлиб, узлуксиз таълим тизимида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мустақил таълим тури сифатида қайд қилинди. Бу эса малака оширувчи субъектларнинг шахсий-касбий, илмий методологик, педагогик-психологик, дидактик ҳамда психофизиологик, ташкилий-иқтисодий, хусусиятларини тадқиқ қилишни тақозо қилади. Шу билан бирга уни педагогик тизим сифатида таркибини мазмун ва мақсад ҳамда бошқариш

жиҳатдан ислоҳ қилиш вазифаси ҳам кўндаланг бўлиб турганилигини унутмаслик лозим. Мазкур тизимни ислоҳ қилишда «замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келишига» (6,16) эришиш муҳим вазифа ҳисобланади. Мамлакатимизда янгиланган, жаҳон андозаларига ҳамоҳанг таълим мазмунини жорий қилиш ўз-ўзидан эмас, балки кўп мингли педагоглар билими, тажрибаси ва олимларнинг ижодий фаолияти орқали амалга ошади.

Таълим ислоҳоти янгича фикрловчи, асримизнинг шиддатли ахборот оқимида тўғри йўл топа оладиган, ахборотлардан унумли, ёш авлод таълим-тарбияси, касб-хунар ўрганишида фойдалана оладиган, изланувчан, ижодкор педагогни шакллантириш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди. Бу ишнинг муҳимлиги шундаки, педагогик тажриба таълим мазмунига қанчалик янгилик киритилмасин, қанчалик мукаммал дастурлар, дарсликлар ва таълим стандартлари яратилмасин, уларни ўқув-тарбия жараёнига жорий қилиш ўқитувчи шахси ва педагогик маҳоратига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Модомики шундай экан, малака ошириш жараёнида нималарга асосий эътиборни қаратиш ёки унинг мақсади нималарда ўз ифодасини топади? Фикримизча бунда:

- ҳар бир педагогнинг шахсий сифатлари ва касбий маҳоратини ошириш билан бирга ўз мутахассислиги бўйича ҳам энг сўнгги янгиликлар билан таништириб бориш;

- касбий – педагогик фаолиятнинг юқори даражада бўлиши учун янгиликларни амалиётга қўллаш кўникмаларини ривожлантириш;

- педагогларда янгиликларга ташналик ва доимо мустақил ўқиш ҳиссини тарбиялаш;

- ўқув жараёни ва малака оширишни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш;

- педагогик кадрлар малака оширишини такомиллаштириш мазкур соҳада банд бўлган ходимларнинг ўзларини касбий маҳоратини ошириш;

-уларни катталар таълими хусусиятларини, қонуниятларини тушуниш борасидаги тайёргарликларини такомиллаштириш ҳам муҳим ҳисобланади. Малака ошириш натижаларини доимий таҳлил қилиш асосида жараёнга ўзгартиришлар киритиш.

Профессор Ж.Ғ.Йўлдошев педагог кадрлар малака ошириш жараёнларини ислоҳ қилиш учун қуйидагиларга эътибор беришни таъкидлайди:

1. Малака ошириш ислоҳотини «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ишлаб чиқилган Давлат талабларига мувофиқ ташкил этиш.

2. Малака оширишни педагогларнинг фаол иштироки, яъни педагогик технология ва инновацион тажрибалар асосида ташкил этиш.

3. Малака оширишни жаҳон тажрибалари асосида ташкил этишнинг иқтисодий механизмини яратиш.

4. Малака ошириш муассасаларида юқори малакали олимлар, методистлар, муаллифлар, ижодкорлар, ўқитувчилар ишлашига эришиш.

5. Малака ошириш муассасаларини ихтисослаштириш.

6. Ўқитувчининг касбий тайёргарлик диагностикасини ўтказиш ва малака оширишнинг янги шаклларидан фойдаланиш.

7. Малака ошириш ва қайта тайёрлашда ўқитувчининг ўз малакасини ўзи мустақил оширишига муҳим деб қараш (57,6-7).

Бунда бутун малака ошириш жараёнининг асосий йўналиши педагог кадрларнинг шахсий, иродавий-ахлоқий сифатлари ва касбий фаолиятини такомиллаштиришга қаратилмоғи лозим. Чунки уларнинг шахсий, иродавий-ахлоқий сифатлари касбий фаолиятларини кучайтиришга хизмат қилади. Ўз навбатида фаолият педагогнинг ҳам касбий, ҳам шахсини такомиллашувининг ҳаракатлантирувчи кучидир. Чунки шахс фаолиятда ўзини намоён қилади ва фаолиятда камол топади.

Шундай қилиб, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими уларнинг ижодий имкониятларини, шахсий сифатларини ва касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириб, ўқувчилар таълим-тарбиясининг сифатини кўтаришга эришишдир.

Таълим ислоҳоти талаблари асосида педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш анча мураккаб муаммо ҳисобланади. Уни узлуксизлик принципи асосида қайта қуриш мумкин. Унда:

-инсон омили асосида уни демократик ва гуманистик асосда қуришни;

-педагогларни асосий (база) маълумоти билан малака ошириши ўртасидаги боғлиқни ва фарқни ҳисобга олиш;

-давлат томонидан ташкил қилинадиган малака ошириш курслари билан мустақил ўз устида ишлашнинг ўзаро узвийлигини таъминлаш;

-педагогларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ва уларни субъектив имкониятларини ижтимоий талаблар билан мувофиқлаштириш;

-малака оширишнинг турли босқичлари (даврийлиги)да билим, маҳорати даражасига қараб табақалаштириш ва индивидуаллаштириш асосида мазмуни ва шакл, методларини, муддатини белгилаш;

-аттестацияни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан ўзаро узвий боғлиқ тизимини ишлаб чиқиш;

-малака оширишнинг давлат ва нодавлат, ижтимоий, мустақил ташкил қилинадиган шаклларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

-малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими учун катталар педагогикаси хусусиятларини, педагогларнинг ёши, фаолият мотивлари, шахсий сифатларини ҳисобга олиш асосида ташкил қилиш;

-малака ошириш ва қайта тайёрлашда давлат ва нодавлат муассасалари рақобати ҳамда экстернатни жорий қилиш;

-малака ошириш асосида педагоглар касбий фаолияти ва шахсий сифатларида бўладиган ўзгаришларни аниқлаш меъёрларини ишлаб чиқиш зарур.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мустақиллик шароитида янгиланган таълим мазмуни ўқитувчилар малакасини оширишни аниқ ташхис ва шахсга йўналган ҳолда тадқиқ қилиш муҳим ва долзарб масалага айлантирди. Бу борада умумий ҳолда бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

Уларда ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг шахси, маданияти, педагогик муаммолари Н.В.Кузьмина, А.И.Шербаков, И.Обидов, О.Хаджабоев, У.Нишоналиев, М.Очилов, Н.Н.Азизхўжаева, Б.Р.Жўраевалар ишларида ўз аксини топган.

Бевосита педагог ходимлар малакасини оширишнинг назарий методологик, ташкилий педагогик асослари, бу

жараённи ташхис асосида ташкил этишнинг умумий жиҳатлари ҳамда янги таълимий қадриятлар билан боғлиқлиги педагогика фанлари докторлари, профессорлар К.З.Зарипов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Ш.Қ.Мардонов, Б.Р.Адизовлар ишларида тадқиқ қилинган.

Таълим ислоҳоти шароитида касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари малакасини ошириш шакллари ва таъсирчан методлари Б.С.Нуриддинов, С.Ф.Ражабова, М.Деҳқоновалар, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари малакасини оширишнинг илмий амалий, уларнинг шахсини ривожлантириш ва малака даражалари муамолари Т.Умматқулов, М.Яҳёев, А.Аминов, Ш.Мажидовалар ишларида амалга оширилган.

Мазкур тадқиқотларнинг ҳар қайсиси ўз олдида қўйган мақсадидан келиб чиқиб, ўқитувчилар малака ошириш тизими (ЎМОТ)ни айрим масалаларини ўрганган.

Қаламга олинган муаммо ўта муҳим ва ҳар бир киши ҳамда мамлакат тараққиёти учун долзарб маънавий-моддий аҳамиятта молик. Буни муҳимлигини чуқур англаб, Биринчи президентимиз И.Каримов ўз чиқишлари ва асарларида қайта-қайта такрорлаши бежиз эмас. Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизими ислоҳотини илмий-назарий асосларини белгилаб берган “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” маърузасида педагог кадрлар малакасини ошириш “пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масала” (4,7) деб таърифлаган бўлса, “Ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир” маърузасида “лавозим учун эмас, балки малака учун ҳақ тўлаш” тизимини яратиш, кадрларнинг профессионал ўсишини ҳар томонлама рағбатлантириш, ходимларнинг

тоифа ва малака мезонларини белгилаш зарурлигини таъкидлайди (7).

Тезкор ахборот ва техникавий тараққиёт шиддат билан ривожланаётган ҳамда мунтазам янгилаётган замонавий технологиялар, ахборот оқимида, ўта илғор технологиялар ҳам 5-7 йилда эскириб, улар ўрнига янада такомиллашган технологиялар эгаллаши давримизнинг характерли хусусиятига айланди. Бундай шароитда “тараққиёти-мизнинг ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили бўлмиш кадрларнинг умумий малакасини ошириш” (17) мамлакат тараққиёти ва кўп мингли педагогларнинг ҳар бири учун тақдирламон муаммо ҳисобланади.

Юқоридаги пурмаъно фикрлардан келиб чиқиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг мантиқий давоми бўлган «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»нинг асосий йўналишларидан бири «Мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, уларнинг таркиби, сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни» (16) кучайтириш долзарб муаммо сифатида қўйилган.

Қўйилган мазкур масалани илмий-назарий ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2006 йил 16 февралда қабул қилган қарори (16) тарихий аҳамият касб этади. Мазкур қарор расмий равишда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга дахлдор вазирлик ва идораларнинг, Давлат тест маркази, Таълимни бошқариш ҳудудий органлари, қайта

тайёрлаш ва малака ошириш институт, факультет, марказларнинг бу борадаги вазифаларини аниқ белгилаб берди. Шу билан бирга педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатига доир давлат талабларини тавсифлади. Шу билан бирга қайта тайёрлаш турлари (педагогик қайта тайёрлаш ва касбий қайта тайёрлаш)ни ҳамда малака ошириш тавсифи, турларига аниқлик киритди.

Шунингдек, қарорда кўрсатилган вазифаларни ҳаётга татбиқ қилишда “илмий-тадқиқот ва методик марказларнинг” ҳиссаси алоҳида эканлиги таъкидланди. Мазкур муассасалар мамлакат ва педагогик жараён эҳтиёжларидан келиб чиқиб, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг долзарб масалаларини тадқиқ қилишлари ҳамда бу борада илғор педагогик технологияларни қўллашнинг ихчам, илмий-амалий асосланган шаклларини қўллаш муаммоларини ишлаб чиқишлари лозимлиги таъкидланди.

Шундан келиб чиқиб, мазкур тадқиқотда бу борадаги тадқиқотлар ва тўпланган тажрибани умулаштириб, ўқитувчилар малака ошириши ва қайта тайёрлаш жараёнини яхлит бир фан сифатида баён қилишга ҳаракат қиламиз.

Унда дастлаб педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикасининг мақсад ва вазифалари, илмий тадқиқот методлари, педагогик фанлар тизимида тугган ўрни, унинг назарий-методологик муаммолари баён қилинади. Шу билан бирга унинг педагогик-психологик асослари ва дидактик масалалари, мазкур жараённи узлуксиз такомиллаштириш ҳамда технологиялаштириш, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштиришнинг тасирчан

ва қулай шакллари ва тизим сифатида таснифи ҳамда комплекс режалаштириш масалалари ўз талқинини топди.

Мазкур ишда уқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташхис асосида ташкил этиш муаммолари билан бирга педагог фаолиятининг самарадорлиги уқитувчилар фаолиятини педагогик ташхис қилишнинг назарий асослари хақида баҳоли кудрат тадқиқ қилинган.

Ўқитувчилар малакасини ошириш тизимига доир кўплаб қонун ва қарорлар давлатимиз томонидан қабул қилинган, жумладан:

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 39-модда; 2011 й., 25-сон, 260-модда; 2012 й., 33-34-сон, 390-модда)

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш даражаси ва сифатини янада ошириш, унинг ўқув-методик ва ахборот таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ республика таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари 1-иловага мувофиқ;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ҳақидаги диплом ва уларнинг малакасини ошириш ҳақидаги сертификатнинг давлат намуналари 2-3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда амалдаги норматив ҳужжатлар ва ўқув-методик ҳужжатларни тасдиқланган Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига мувофиқлаштирсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда таълимнинг ушбу турига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларининг намунавий ташкилий тузилмасини ва намунавий штатларини, шунингдек, маблағларни режалаштириш ва сарфлаш тартибини қайта кўриб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари ўқув-методик жараёни сифати ва улар педагоглари касб малакаси даражасининг мазкур қарор билан тасдиқланган Давлат талабларига мувофиқлигининг тезкор диагностикасини амалга оширсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда 2006—2009 йилларда таълимнинг мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар турлари учун педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини ошириш таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.
МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 16 февраль,
25-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

26.09.2017 й.

№ ПҚ-3290

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА КИРИШ УЧУН
НОМЗОДЛАРНИ МАҚСАДЛИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев

1. РАҲБАРИЯТ ХУЖЖАТЛАРИ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 4947 Фармони. // Халқ сўзи. – 2017. – 8 февраль. – Б.1.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ – 2829-сон Қарори. // Маърифат. – 2017. – 18 март. – Б.1-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ – 2829-сон Қарорига шарх // Маърифат. – 2017. – 18 март. – Б.3.

БИРИНЧИ БОБ. ЎҚИТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ПЕДАГОГИК ТАШХИСЛАШ ТИЗИМИ

1.1. Ўқитувчилар фаолиятини педагогик ташхис қилишнинг мақсади ҳамда вазифалари

Таянч иборлар: ўқитувчи, фаолият, ташхис, яхлитлик, тизим, табақалашув, малака ошириш.

XXI аср инсоният тарихига ахборот асри сифатида кириб келди. Ахборот оқимининг кескин кўпайиши кишиларнинг ўзларини ўраб олган олам сирларини ва ўзларини, яъни инсоннинг маънавий олами, онги-шуури, тафаккури ташқи оламни билиш билан бирга ўзини билишга йўналганлиги билан ҳам ҳарактерланади. Бу ўз навбатида воқеа ва ҳодисаларнинг, инсоннинг ўз моҳиятини чуқурак билиши, кўринувчан ҳодисавий томонидан чуқурроқ моҳиятли боғланишларини билишга интилишининг кучайишида намоён бўлади. Ахборот воситалари эса инсоннинг бу борадаги фаолиятини осонлаштиради.

Ахборот воситалари ёрдамида дунёни билишнинг тезлашуви мавжуд фанлар тизимида оралиқ фанларни, уларнинг ўзаро таъсирида фанларни мужассамлашуви (интеграция) ва табақалашуви (дифференциация) содир бўлиб, янги фанлар пайдо бўлади. Янги бир фаннинг пайдо бўлиши тарихий жараён ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, фанлар интеграцияси ва табақалашуви маълум вақт (давр)да содир бўлиб, оқибатда янги фаннинг куртаклари аста-секин вужудга келади.

Бу жараён умумий қонуният сифатида амал қилади. Фанлар пойдеворида янги бир фан шаклланиб, ўз ўрганиш соҳаси, мақсад ва вазифалари, қонуният ва принциплари

ҳамда илмий тадқиқот методлари шаклланади. Жамият тараққиётининг тезлашуви оқибатида шахснинг ахлоқи ва касбига, ижтимоий-сиёсий, маънавий қиёфасига бўлган талабнинг ошиши, унинг умрининг ҳар бир даврида шаклланиш қонуниятларини ўзига хос намоён бўлишини билишни тақозо қилди.

Оқибатда инсоннинг ёш давлари ва фаолияти (касби) хусусиятларини ўзида акс эттирувчи педагогик фанлар тизими шаклланди. Шахс шаклланишида ёш давлари ва фаолият тури муҳим бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун инсон шаклланиши ва касб эгаллашнинг ҳар бир даврида унга педагогик ёндошиш ижтимоий зарурат бўлиб қолади.

Ҳадисда бешиқдан қабргача илм изла дейилади. Педагогика фани аниқладикки, инсонни бешиқгача, яъни она қорнида тарбияси ҳақида ўйлаш лозим. Мустақиллик тақозаси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳоти давлат сиёсатининг устивор йўналиши сифатида шахсни она қорнидан сўнгги нафасгача ўқитиш ва тарбиялашни долзарб муаммо сифатида қўймоқда.

Шахс шаклланиши ва касб эгаллаши ҳамда унинг шахс ва касб соҳиби сифатида ҳаётининг турли давларида самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш малака ошириш педагогикасини ҳам мустақил фан сифатида «фуқаролик» ҳуқуқини олишига ижтимоий-педагогик асос бўлди, десак хато бўлмайди.

Ҳар бир фан мустақил, алоҳида бўлиши учун: у ўзининг ўрганиш субъекти ва объектига, предметига (мавзуга), қонуният ва принципларига ҳамда илмий тадқиқот методларига эга бўлиши шарт. Шу билан бирга ўз соҳасини ўрганиш учун маълум қонун, қонуниятлар ва

улар ўртасидаги моҳиятли боғланишлар, омиллар жараёнларининг узвийлигини таъминлаши;

- аниқланган қонун ва қонуниятлар, ўрганилиши лозим жараёнлар тараққиётини аниқлаш ва истиқболини кўра билиш имкониятларининг мавжудлиги ҳам муҳимдир.

ПҚТ ва МОП ижтимоий фан сифатида жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ. Шунинг учун унинг мақсад ва вазифалари мамлакатимизнинг мустақиллик йўлидан ривожланиш эҳтиёжи билан белгиланади. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай ижтимоий фанлар каби ПҚТ ва МОП ҳам жамият ижтимоий буюртмасини бажаради. Шундан келиб чиқиб, ПҚТ ва МОПнинг ҳозирги пайтдаги бош мақсади Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги (16) қарорида белгиланган давлат талабаларини бажаришдир. Мазкур қарорда “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабалари” мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан, таълим муассасаларининг эҳтиёжларидан, янги педагогик технологияларни ва ўқитишнинг ноанъанавий шакллари ривожлантиришдан, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги жаҳон ютуқлари ва анъаналаридан келиб чиқиб, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш” (16,5) асосий мақсад қилиб қўйилган.

- Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш алоҳида ўқитувчи ёки ўқув юртининг иши эмас. Бу аҳоли ва жамият фаровонлигини таъминловчи омилга (И.Каримов) бутун жамият иштирок этади. Мазкур жараён ташкилотчи – субъектлари сифатида

Давлат (вазирликлар), Давлат тест маркази, таълим муассасалари, таълимни бошқариш ҳудудий органлари (туман, шаҳар, вилоят ҳокимликлари), илмий-методик муассасалар келтирилган ҳукумат қарорида белгиланган ваколат ва вазифалари доирасида иштирок этадилар. Юқоридаги субъектлар ташкилотчи-меъмор бўлсалар асосий истеъмолчи ўқув юрти раҳбарлари, ўқитувчилари ва тарбиячилар ҳисобланадилар.

Шунинг учун ижтимоий буюртма ҳисобланган бош мақсад ҳар бир фан ўқитувчиси ва тарбиячи, раҳбарларни малакасини оширишида, янги бир фанни ўқитишга ихтисослашадиган қайта тайёрлашдан ўтадиган шахсни талаб даражасида тайёрлашда конкретлашади. Шундан келиб чиқиб, Республика Халқ таълим вазирлиги ҳар бир фан ўқитувчиси, тарбиячилар, раҳбарларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ҳукумат қароридаги умумий талабларни конкретлаштириб, Давлат талабларини янада такомиллаштирди (17,18,19,20,21).

Таъкидлаш лозимки, такомиллаштирилган Давлат талаблари ўз-ўзидан эмас, балки қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларидаги кадрлар салоҳияти ҳамда педагогик жараёни ташкил қилиш даражасига боғлиқ ҳолда амалга ошириладики, бу қайта тайёрлаш ва малака ошириш педагогикасининг ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

Шундан келиб чиқиб, мақсад шу соҳада фаолият кўрсатаётган малака ошириш муассасалари ходимларини ҳамда узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизими мутасаддиларини ва ўқув юрти раҳбарларини малака оширишнинг назарий асослари, шакл ва методлари ҳамда уларни амалга ошириш йўллари, воситалари, қонуниятлари билан қуроллантиришдир.

Вазифаси-мустақиллик мафкураси асосида малака ошириш жараёнини миллий хусусиятларга мос равишда инсонпарварлаштириш, табақалашти-риш, сифат-самарадорлигини, меъёрларини илмий-амалий асослаш.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш туб моҳияти билан ижтимоий жараён бўлиб, унда малакасини оширувчи – дарс берувчи шахс, услубшунос, гуруҳдаги ҳамкасблари билан кўп томонлама муносабатларга киради. Бу муносабатлар таъсирида маълум билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши билан бирга ўзининг қатор шахсий сифатларини, чунончи, мулоқоти, бошқаларга муносабати, уларни тушуниш жиҳатидан ўзини таққослайди.

Кўп йиллардан бери ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш кўрсатадики, таҳлилий фаолият ўқитувчида асосан ўқувчилар фаолиятини ўрганишга йўналтирилган. Бунда кўпроқ ўқитувчи ўз фаолиятини эмас, ўқувчиларни ўрганишга эътибор беради. Ҳолбуки бу вазифанинг самараси ўз фаолиятини ҳам мунтазам таҳлилга боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, биз ўқитувчи педагогик маҳоратини узвий ошириб боришида таҳлилий фаолият белгиловчи бўлганлиги учун уни малака ошириш предмети сифатида ҳам қараш ўринли бўлади деб ҳисоблаймиз. Ўқитувчининг ўз таҳлилий фаолиятини таълим ислоҳоти талаблари асосида илмий-назарий таҳлил қилиб, педагогика фани ютуқлари даражасида улар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаши ўта муҳим ҳисобланади. Ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятини таҳлил асосида таълим-тарбияни ислоҳот талабларига номувофиқлигини олдини олишда курсдаги машғулотлар ва курсдан кейинги мутасил равишда фан-техника ютуқлари, педагогик тадқиқотлар натижаларини ўрганиши ва ўз фаолиятига қўллаши зарур. Шу билан

бирга иш жойидаги методик ишлар тизими ҳамда мустақил билим олишни самарали ташкил қилиши ҳам белгилондир.

Демак, бундан кўринадики, ўқитувчининг курсдаги фаолияти курс машғулотлари мазмунини белгилаш билан бирга курсдан кейинги фаолияти ягона ғоя-таълим-тарбия ва ўз шахсини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, улар ўртасидаги боғланиш асосини ташкил этади.

Ўз навбатида бу учала компонентнинг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлиги малака ошириш мазмунини ташкил этади.

Методик ишлар малака оширишнинг назарий ва илмий йўналиши уларни ҳал қилиш шароитини тақозо қилади. Шундай қилиб, ўқитувчи амалий фаолияти унда муаммоларни пайдо бўлиш манбаи бўлса, педагогик назариялар уларни амалий ҳал қилиш (қўллаш) шароитини яратади. Ҳар бир ўқитувчи ўзи учун зарур таълим-тарбия муаммоларини (фаолияти эҳтиёжидан келиб чиқиб) ҳал қилишида амалиёт билан назария уйғунлиги келиб чиқиб, улар ўқитувчи педагогик фаолиятини фаоллаштириш манбаи ҳисобланади.

ПҚТ ва МОП қонуниятини эса, жамият тараққиётининг ҳар бир даври учун ўқитувчилар касбий маҳорати даражасини ёш авлод таълим-тарбиясига мос келишидаги номутаносиблик ва зиддиятларни аниқлаш ва бартараф қилиш йўлларини белгилашдир.

ПҚТ ва МОП таълим-тарбиянинг назарий-методологик масалаларини, уларнинг жамиятдаги ўрнини, ўқитувчи касбининг ижтимоий моҳиятини, таълим жараёни субъектларининг ўзаро муносабатларининг моҳиятини англашда фалсафа ва социология, ижтимоий психология фанлари билан узвий алоқадорликда бўлади. Ўз навбатида

булар таълим-тарбия, малака оширишни ҳал қилишда методологик асос ролини бажаради. Шу билан бирга ПҚТ ва МОП ўз муаммоларини ечишда педагогик фанлар тизимига таянади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида қуйидаги педагогик фанлар тизими мавжуд:

1. Оила педагогикаси – болаларни оилада тарбиялаш ва оилавий муносабатларни ўрганади.

2. Халқ педагогикаси – халқимизнинг жўп асрлик тарихий тараққиёти давомида шакланган таълим-тарбия масалаларини ўрганади.

3. Мактабгача таълим педагогикаси – болаларни боғчаларда руҳий, жисмоний, ақлий ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

4. Умумий ёки мактаб педагогикаси – умумий ўрта таълим мактабида таълим-тарбияни амалга ошириш қонуниятларини ўрганади.

5. Махсус педагогика ёки дефектология педагогика – кар, соқов (сурдопедагогика), кўзи ожиз, яхши кўрмайдиган (тифлопедагогика), ақлий заиф, нутқий камчиликли болаларни ўқитиш, тарбиялаш (олигофрено, логопед) педагогикаси.

6. Касб-ҳунар ўргатиш педагогикаси – ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежларида умумий маълумот билан бирга ёшларга касб-ҳунар ўргатиш билан шуғулланади.

7. Олий мактаб педагогикаси – ОЎЮДа юқори малакали кадрларни касб соҳиби ва шахс сифатида шаклланишини ўрганади.

8. Ҳарбий педагогика – мустақил Ватанимизни қўриқловчи аскарларни тарбиялаш ва уларнинг командрларини педагогик тайёрлайди.

9. Ахлоқ тузатиш – жиноят қилган кишиларни қайта тарбиялаш билан шуғулланади.

10. Қиёсий педагогика – турли мамлакатларда таълим-тарбия, касб ўрганиш масалаларини қиёсий ўрганади ва ижобий жиҳатларни амалиётга қўллайди.

11. Коррекцион педагогика – тарбияси қийин ўқувчиларни ўқитиш-тарбиялаш ҳақидаги фан.

12. Ижтимоий педагогика – таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни ва оиладаги тарбия жараёни иштирокчилари ўзаро муносабатларини ўрганади.

13. Педагогика тарихи – таълим-тарбиянинг турли даврлардаги тараққиёти тарихини ўрганади.

14. Фанларни ўқитиш методикаси ёки махсус фанлар дидактикси.

15. Бошқариш педагогикаси – таълим тизимини бошқариш қонуниятларни ўргатади.

16. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш педагогикаси (ПКҚТ ва МОП).

ПКҚТ ва МОП педагогик тизимга кирувчи фанларнинг ташкилотчи – субъектларини илмий-методик маҳоратини такомиллаштириш асосида улар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Чунки уларни ўқитувчи амалга оширади, унинг малакаси паст бўлса, фаолиятининг натижаси самарасиз бўлади. Самара эса педагогик маҳоратга боғлиқ. Демак, мазкур фанлар учун ПКҚТ ва МОП тўлдирувчи ва ривожлантирувчи вазифасини ўтайди.

Мустақиллик шароитида озод, эркин инсонни тарбиялашда тобора маънавий-маърифий, ахлоқий, ғоявий-сиёсий тарбиянинг роли ошиб бормоқда. Бу эса яқин вақтларда педагогиканинг янги тармоғи «Маънавий-

маърифий тарбия педагогикаси»нинг шаклланишига олиб келиши аён бўлмоқда.

Фанларнинг жадал ривожланиши жамият эҳтиёжи ва инсон фаолиятининг маҳсули сифатида янги жараёнларни келтириб чиқаради. Бунда илмий фаолиятни методологик жиҳатдан ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Фалсафий таълимотнинг объектларнинг ўз-ўзидан ривожланиш назарияси заминида инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида ўзини ўзи ташкил қилиш, такомиллаштириш зарурий моҳият касб этади. Буларнинг таъсирида педагогикада ўзини ўзи такомиллаштириш ижтимоий моҳият касб этиб, синергетик (синергетика – ўзини ўзи ташкил этиш орқали янги объектларнинг вужудга келиши ва ўз-ўзидан ривожланиши ҳақидаги назария) педагогиканинг янги бир тармоғини фан сифатида шаклланишига замин ҳозирлайди.

Таъкидлаш лозимки, мавжуд педагогик фанлар ва тараққиёт маҳсули сифатида шаклланадиган унинг тармоқлари ҳар бири ўзи ўрганадиган соҳани алоҳида-алоҳида эмас, балки ўзаро боғлиқ алоқадорликда амалга оширадилар.

Шу билан бирга улар умумий ва ёш педагогик психологиясиз иш кўра олмайди. Чунки психология инсон шахси турли даврларда унинг психикасининг ривож ва ўзгаришини, шу асосда унда руҳий, жисмоний, ақлий, ахлоқий ўзгаришлар асосида ўзига ва бошқаларга, таълим тарбияга, жамиятга муносабатининг ўзгариши содир бўлишини илмий асослайди.

Педагогик фанлар ўз соҳасининг ўрганишда биология, одам анатомияси ва физиологияси, генетика, ген инженерияси, ижтимоий психология билан, ҳамда ижтимоий педагогика билан ҳамкорликда иш кўради.

Ижтимоий педагогика таълим-тарбия масалалари, мазкур жараён иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари, яъни уларнинг ҳиссиёти, руҳий оламининг ўзига хослиги, характер хислатлари билан алоқадорликда ўрганади. Шу билан бирга педагогик фанлар инсон табиатини жисмоний ривожланиш давлари ва қонуниятларини ўрганувчи умумий ва ёш физиологиясига таяниб, шахс шаклланишининг табиий-илмий асосларини тадқиқ қилади.

Педагогик фанлар алоқадорлигида тор мактаб-шунослик доирасидан чиқиб, бошқариш педагогикасига айланган – бошқариш фани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фан ютуқлари асосида педагогик фанлар таълим-тарбия жараёни иштирокчилари ўзаро муносабатларини тартибга солиш, ҳар бир соҳани жорий ва истиқбол ривожланишини кўра олиш ва режалаштириш асосларини ўз соҳаларига қўллайдилар.

Жумладан, ПҚТ ва МОП биология, генетика, физиология, анатомия, умумий психология билан бирга катталарни ўрганувчи фанлар геранталогия, андрагогика фанларига таянади. Чунки ёш ўзгариши билан инсон организми ва муносабатларида кескин ўзгаришлар юз беради.

Ҳар бир фаннинг мустақиллиги унинг бошқа фанларнинг ютуқларидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслиги билан эмас, балки ўз вазифасини ҳал қилиш учун оралиқ фанларнинг материал ва маълумотларидан қатъий танлаб, улардан ўринли ва чегараларини аниқ белгилаб олган тарзда фойдалангандагина самара беради.

1.2. Педагоглар фаолиятини ташхис қилишнинг илмий тадқиқот методлари

Ҳар қандай фан сингари малака ошириш педагогикаси ҳам интуитив тажриба, кўрган ва бошидан кечирганларга асосланиб иш кўрса, ўз вазифаси ва мақсадини бажара олмайди. Эртами кечми у ўз воқелигини мантиқий назария асосига қуриши ижтимоий зарурат ҳисобланади. Мустақиллик эҳтиёжи асосида амалга оширилаётган таълим ислоҳоти шундай заруратни ҳамда мазкур фанни шаклланишига ижтимоий педагогик ва илмий шароит яратиб, унинг илмий тадқиқот методларини асослашни тақозо қилади.

Илмий тадқиқот методлари тадқиқот мақсади ва уни методологик асосидан келиб чиқади. ПҚТ ва МОПнинг методологик асоси миллий истиқлол ғояси ва Президентимизнинг таълим-тарбияга, маънавиятга доир асарлари, нутқлари, фармонлари ҳисобланади. Шу билан бирга шахс шаклланишининг босқичма-босқич назарияси, методологик принцип ҳисобланган тизимли ёндашувнинг шахс ва фаолият таълимотига асосланади.

Табиат, жамият ва инсон тафаккурининг тараққиётини умумий қонуниятларини ўргатувчи фалсафа, уларни билишнинг тўғри йўлини кўрсатиш билан бирга, нарса ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини, уларнинг ўзига хос хусусияти, ривожланиш мантиқини ҳам билиб олишга ёрдам беради. Жумладан ҳар бир фан ички изчиллик ва мантиқ билан боғлиқ бўлган нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш мантиқини акс эттирадиган тушунчалар тизимидан иборат бўлишини ҳам уқтиради. Айнан шу ички боғлиқлик диалектикаси ва нарса, ҳодиса ўртасидаги мантиқий боғланиш фаннинг методини келтириб

чиқаради. Таъкидлаш жоизки, фан методи билан илмий тадқиқот методлари ўртасида гарчи фарқ бўлсада, улар ўртасида умумийлик кўпроқ кўзга ташланади.

Илмий тадқиқот методи – бу илмий назарияларнинг қонуниятли алоқалари, муносабатлари, боғлиқлари ва тузилишини аниқлаш мақсадида илмий ахборот олиш усуллари дир. Улар ўрганиладиган соҳа мазмуни ва мақсад, вазифаларидан келиб чиқади.

Билиш, жумладан, педагогик ҳодисаларни билишнинг ҳар қандай жараёни тадқиқотнинг иккита босқичини – эмпирик ва назарий босқичларини ўз ичига олади. Педагогикада илмий тадқиқот методларини танлаш шу босқичларга мувофиқ бўлиши лозим.

Педагогик ҳодисалар ва жараёнларни билишнинг эмпирик босқичида –фактларни тўплаш, танлаш, таққослаш, мантиқий таҳлил қилиш, синтезлаш, педагогик уларни миқдор ва сифат жиҳатдан қайта ишлаш амалга оширилади. Бу асосан кузатиш (ўзини ўзи – ауто –кузатиш ва бевосита – бировни кузатиш);

- сўров – ёзма (анкета), оғзаки – интервью, суҳбат;

- ўқув – тарбия жараёнини ва унга дахлдор мавжуд архив ҳужжатларни ўрганиш;

- педагогик жамоалар, алоҳида педагоглар фаолиятини ўрганиш;

Шу билан бирга таъхистик методлар:

- рейтинг, тестдан фойдаланиш мумкин.

ПҚТ ва МОПнинг илмий-тадқиқот методлари тўғрисида фикр юритар эканмиз, тажрибага алоҳида эътиборни қаратишни истар эдик. Ўзбекистон ҳукуматининг эслатилган 25-сон 16 февраль 2006 йил қарорида малака ошириш шакллари тасниф қилиб, (улар жами 10 та) шундан (3 таси) тажриба орттириш.

Булар ишлаб чиқаришда (мактаб ўқитувчилари илғор таянч мактабларда, касб-ҳунар ўқитувчи-муҳандислари ишлаб чиқариш корхона, фермер хўжаликларида), илмий-тадқиқот муассасаларида, хорижда тажриба орттириш. Булар гарчи малака ошириш шакллари тарзида тавсиф қилинган бўлсада, ўз навбатида илмий-тадқиқот методлари бўлиб ҳам хизмат қилади.

Назарий тадқиқод методлари эмпирик материалларга таяниб, педагогик ходисалар қонунияти ва моҳиятини очиб бериши лозим.

Булар: педагогик эксперимент;

 моделлаштириш;

 мантиқий таҳлил;

 ахборотларга математик – статистик ишлов бериш усуллари.

Педагогик эксперимент эмпирик тўпланган материаллар асосида мазкур жараённи такомиллаштириш, ўзгартириш ғоясини таққосий, яъни назорат гуруҳи (ўзгаришсиз, аввалги ҳолатда) ва экспериментал гуруҳида ғоя асосида ўзгартиш киритиб синаш демакдир. Мантиқий таҳлил назарий ҳарактерга эга бўлиб, жараённи тарихийлик, мантиқийлик, қисмларга бўлиш ва бутунлигича ўрганишга асосланади.

Моделлаштириш – бу мавжуд тизимни такомиллаштириш учун унга ўхшаш андоза (модель)ни яратиб, янги тизимни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш принципларини моддий ёки хаёлий (фикрий) тарзда синаб кўришдир.

ПҚТ ва МОПнинг илмий тадқиқот методи сифатида моделлаштириш бошқа фанларда бажарадиган функциясидан анча фарқ қилади. Бунда моделлаштириш педагогик воқеа ва ходисаларни мантиқий ёки лисоний (сўз

билан) тингловчи (ўқитувчи) кўз ўнгида гавдалантириш ёки уларни тасвирларини, вазиятларни техника воситалари, видеолар ёрдамида таҳлил қилиш асосида ютуқ ва камчиликларни аниқлашга хизмат қилади. Худди шундай ҳар бир ўқитувчи мустақил ёки биров ёрдамида ўз дарсини, тарбиявий ишларни, мулоқотини видео материаллар ёрдамида таҳлил қилиши ҳам мумкин. Шу асосда педагогик жараённинг хилма-хил ходисаларини моделлаштириб, ўз фаолияти учун ижобий жиҳатларини қабул қилиб олиши муҳим. ПҚТ ва МОП илмий тадқиқот методлари ҳақида фикр юритар эканмиз, юқорида таъкидланганидек, таҳлилий фаолиятнинг муҳимлигини эътибордан соқит қилмаслик керак. Таҳлилий фаолият энг аввало ўз фаолиятини ва ўзгалар педагогик тажрибасини, ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилиб, ундаги илғор, таъсирчан, самарадор усулларни аниқлаб, ўз тажрибасида қўллашда намоён бўлади.

Ҳар қандай педагогик ҳаракат маълум педагогик, психологик, дидактик қонуниятларга асосланади. Шунинг учун ўқитувчи ўзи ва бошқалар тажрибасини ўрганиши, умумлаштира олиши шу қонуниятлар асосида бўлиши лозим. Илғор тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлаб, янги назария учун пойдевор қўяди. Бу эса педагогик маҳоратни оширишда энг кучли ва қулай ҳамда тежамкор йўл ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчининг ўз фаолиятини ва бошқалар тажрибасини ўрганиш малака ошириш педагогикасининг самарали илмий тадқиқот методларидан бири, десак хато бўлмайди.

Кейинги вақтда педагогик жараёнларни ўрганишда аниқ миқдорий, яъни математик тадқиқот усулларига асосланган математик-статистик таҳлил кенг қўлланмоқда.

Такидлаш ўринлики, малака ошириш жараёнларини тадқиқ қилиш айнан бир ёки икки метод асосида эмас, улар комплексини уйғунликда қўллаганда самара беради.

Педагогик жараённи фаолият нуқтаи назаридан ўрганганда уни ташкил этувчи қисмларини мантиқий яхлитликда, яъни мақсад, мотив, ҳаракат ва натижа тариқасида қараб, самарадорлигига эришиш учун ўзгартириш коррекция, назоратни мужассам олиб боришни талаб қилади.

Малака ошириш жараёни инсон шахси ва касбини такомиллаштириш экан, унда шахсий сифатларни инобатга олиш муҳимдир. Шахсий сифатларни инобатга олишнинг методологияси инсоннинг жамиятдаги, жамоадаги ўрни ва уларнинг ўзаро муносабати, бир сўз билан айтганда жамият тараққиётининг ҳамма жабҳаларида инсон омилининг ошиши билан боғлиқ.

Малака ошириш жараёнларини унинг таркибий қисмлари, шакл ва методларининг ўзаро муносабатларини ўрганишда тизимли структуравий метод қулай ҳисобланади. Унинг ёрдамида тизимга кирган элементларнинг умумийлиги ва ўзига хос функционал вазифаси ҳамда ички яхлитлигини тушуниш ва тизим таркибий қисмларини ягона мақсадга бўйсундириш мумкин бўлади.

Бу айниқса кўп компонентли ПҚТ ва МОП учун ўта муҳим ҳисобланади.

ПҚТ ва МОПни яхлит бир таълимот сифатида асослашга зўр беришимизнинг боиси унинг объекти ҳисобланган ўқитувчи шахси ва касбига ҳамда у билан боғлиқ ёш авлод таълим-тарбияси ва касб ўрганиши давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралишидир. Юртбошимиз ва Республикамиз ҳукуматининг масалани

айнан шундай қўйиши фикримча икки асосга эга. Биринчи асос миллий мерос ва қадриятларда инсон ахлоқига, тарбияланганлигига кучли эътибор берилганлигидир.

Иккинчи асос миллий мустақиллик шароитида жамият тараққиётини тезлаштириш инсон ақл-заковати ва касбий баркамоллигига боғлиқлигидир. Чунки таълим-тарбиянинг ижтимоий моҳияти дунёдаги барча бойликлардан қимматли ва мураккаб ҳисобланган инсон яратилиши билан боғлиқлигидир.

Биринчи президентимиз И.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «Маънавиятни шаклланишида бевосида таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил–бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Шунини унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги кунини қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ»,–деб таъкидлади (5,60).

Бу вазифаларни амалга оширувчи меъмор ўқитувчидир. Унинг касби ва шахси ҳақида бир эмас, бир неча фан хизмат қилса арзийди.

Назорат учун саволлар

1. Ўқитувчилар фаолиятини педагогик ташхис қилишнинг қандай мақсади ҳамда вазифалари мавжуд?
2. Педагоглар фаолиятини ташхис қилишнинг қандай илмий тадқиқот методларини биласиз?
3. Моделлаштириш нима?
4. Педагогик фанлар тизимига кирувчи фанларни номланг ва уларнинг вазифалари ҳақида гапириб беринг.
5. Педагогик жараён деганда нимани тушунасиз?

ИККИНЧИ БОБ. ПЕДАГОГЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШХИС ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

2.1. Ўқув-тарбия жараёни илмий тадқиқот объекти сифатида

Таянч иборалар: таълим, тарбия, жараён, тадқиқот, маҳорат, тизим, мақсад, малака ошириш.

Умуман фанда, жумладан педагогикада мавжуд педагогик тизим фаолиятининг натижаси ва унга қўйилган ижтимоий талаблар, жамият талаблари «мақсад» билин натижа ўртасида зиддият вужудга келган ёки фан олдида янги ташкил этилган тизим фаолиятини амалий ва назарий жиҳатдан ҳал қилиш талаб қилинганда, муаммо пайдо бўлади. Мустақилликгача мавжуд бўлган мамлакатимиздаги таълим тизими жамиятнинг ижтимоий талабини ва зарурий мақсадини қондира олмади. Шунинг учун юртбошимиз таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали жамиятнинг бутун ҳаётини қайта қуриш вазифасини қўйди. Бунинг оқибатида таълимнинг мақсад ва вазифалари, шакллари, таълим муассасалари, турлари ўзгарди.

Таълим ислоҳоти асосида мамлакатимиз таълим тизими босқичлари, тузилиши, мақсад ва вазифалари, фаолият кўрсатиш принциплари, ғоявий-сиёсий, мафкуравий асоси тубдан ўзгарди. Бунинг оқибатида умумий ўрта таълим икки босқич (1-4 синфлар-бошланғич, 5-9 умумий ўрта) ҳамда янги бўғин-ўрта махсус (академик лицей), касб-ҳунар коллежлари пайдо бўлди. Янги пайдо бўлган педагогик тизимларни илмий-амалий, ташкилий-педагогик муаммоларини ечиш ҳам фан олдида кўндаланг

бўлиб қолди. Шулардан бири-ўқитувчининг малака оширишини такомиллаштириш бўлиб, унинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш муаммосидир. Ўқитувчининг педагогик фаолиятини касбий, яъни уни малакасини ошириш мунтазам шу фаолиятига тайёрланиш, десак педагогик жараённи тадқиқ қилиш тизим сифатида намоён бўлади. Ҳозир фанда қабул қилинган тизимни ўрганиш методикаси ва методологиясига кўра педагогик жараёнларни тизимли ёндашув ва таркибий-таҳлил асосида амалга оширилади (Т.И.Ильина, Ф.Ф.Королев, Н.В.Кузьмина, К.З.Зарипов, Ж..Ғ.Йўлдошев ва бошқалар). Шу методологик асосда ўқитувчи малакасини оширишини илмий-тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қиламиз.

Республикамизда амалга оширилаётган таълим ислоҳоти ўқув-тарбия жараёнига юқори талаблар қўйиб, унинг самарадорлигини оширишни тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг мақсади, ташкилий шакл ва мазмунини илмий тўғри асослаш билан боғлиқдир. Буларнинг ечими эса бир қанча оралиқ муаммоларни, чунончи, малака ошириш жараёнида муҳим ҳисобланган таълимни ташкил этишнинг хусусияти ва моҳиятини таҳлил қилиш асосида касбий такомиллашувнинг асосий метод ва принципларини аниқлаб, ўқитувчи малака оширишини узлуксизлигини таъминлаш муаммоси ҳисобланади. Энг аввало, «малака ошириш» атамасини унинг назарияси ва амалиёти билан шуғулланувчи олимлар томонидан талқин қилишни қараб чиқайлик. Бу атама айрим ҳоларда ўз-ўзидан аниқ, аввалдан маълумдек талқин қилинади. Аммо бу борадаги адабиётлар билан чуқурроқ танишиш уни уч хил тарзда, яъни:

- маълум мураккабликдаги аниқ бир ишни ходимнинг бажариш қобилияти; - маълум маънодаги конкрет ишлаб чиқаришнинг бажариш қобилияти; - касбий маҳоратини бажариш даражасини такомиллаштириш каби талқин қилинишини кўрамиз (С.Г.Вершловский, В.Г.Онушкин, Ж.Ғ.Йўлдошев).

Педагогик тадқиқотларда «малака ошириш» таълим жараёнини ва тингловчилар ахборот имкониятини тартибга солиш сифатида ҳам қаралади. Шу муносабат билан малака ошириш тушунчасининг мазмунини мақсадга қаратилган жараён сифатида оптимал муддатда тингловчиларда илмий билимлар, кўникмалар ва малакалар тизимини шакллантириб, уларни фан янгиликлари билан таништириб, илғор тажриба ва назарияни амалиётга қўллаш ҳамда уларда мустақил ишлаш эҳтиёжини ўстириш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш дейиш мумкин. Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълимни узлуксиз амалга оширишга қаратилган бўлиб, малака ошириш эса унинг таркибий қисми сифатида қаралади. Ҳар қандай тизим мавжудлигининг ва ривожланишининг асоси унинг аниқ мақсади бўлиб, педагогик жараённи такомиллаштириш негизидир. Аммо «малака ошириш» тушунчаси асосини белгилашда ҳозиргача аниқликка эришилган эмас. Бу эса малака ошириш мақсадини белгилашда турлича ёндашиш ва бунинг оқибатида ноаниқликларга сабаб бўлмоқда.

Масалан, малака оширишнинг турли бўғинларда мақсад турлича таърифланади:

- билим савиясини ошириш;

- педагогик маҳоратини ошириш;
- ҳозирги замон фан ва техникасини масалаларини ўрганиш.

Булардан ўзгачароқ малака ошириш мақсадини белгилашга ҳам уринишлар мавжуд. Мақсадни белгилашдаги бундай ноаниқлик ва ҳар хиллик малака ошириш тизими фаолиятига ҳамда тингловчиларнинг бундан кейинги иш тартибига ҳам салбий таъсир қилади. Шубҳасиз, мақсадни белгилашдаги зарурият, унинг аниқлаштиришни қийинлаштираётган яна бир омил мавжуд. Бу масалани тадқиқ қилиш билан шуғулланувчи олимлар (К.З.Зарипов, Ж.Ғ.Йўлдошев) фикрига кўра касбий маҳоратини такомиллаштиришда мутахасис профессиограммаси, яъни касбий эталонининг йўқлиги ёки умуман ишланмаганлигидир. Педагог ходимлар малакасини ошириш муаммоларига доир эълон қилинган ишларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, уларда фаолиятни такомиллаштириш мақсадини белгилашда ноаниқлик, турли-туманлик билан бирга миқдорий мезонларининг ҳалигача аниқланмаганлиги ҳам масалани илмий ҳал қилишда тўсқинлик қилади.

Агар биз малака ошириш жараёни субъектлари ҳисобланган ўқитувчилар тўғрисида гапирсак, уларнинг фаолияти таълим-тарбияга йўналган, «малака» сўзи билан бирга малака оширишнинг мақсади самарали педагогик фаолиятга тайёрлигини такомиллаштиришни назарда тутмоғимиз керак. Аммо бунда биз фақат малака ошириш муассасалари (курс) да бир марта ўқишни назарда тутсак ва бу босқичда тингловчиларга курсдан кейинги фаолиятида доимий мустақил ўқиш орқали ўз фаолиятини такомиллаштиришга эҳтиёж ҳамда мунтазам билим ва кўникма, малака эгаллаш хохиши бўлмаса, малака

ошириш мақсади амалга ошиши ҳақида гапириш ортиқчадир. Тажриба кўрсатадики, шахснинг назарий ва амалий фаолияти характери мутасил ўзгариб, эгаллаган билимлари ва эгаллаши лозим бўлган билимларига муносабати ҳам ўзгаради. Фақат шундай ҳолатда малака ошириш тизимининг мақсади, яъни таълим олувчиларнинг фаолиятини ўзгартириш ва қайта қуриш ҳамда кейинги босқичда ўқишини оптималлаштиришга эришиш мумкин. Шу асосда таълим олувчини узлуксиз ўқишга психологик тайёрлаш ҳамда малака оширишни мунтазам давом эттириш ва ўқитувчида билиш фаолиятига доимий интилиш истагини сингдириш ҳамда ўзида шакланган «мен ҳамма нарсани биламан» стереотипини қайта қуриш мумкин бўлади. Педагог кадрлар малакасини ошириш мақсадини белгилашда турли ёндашишлар унинг мураккаблиги ҳамда ижтимоий аҳамиятининг муҳимлигини ифодалайди. Маълумки, ўқув юртидаги ўқув-тарбиявий жараёни мураккаб интеллектуал жараён сифатида жуда муҳим ижтимоий талабларга жавоб бериши керак. Агар биз ўқитувчилар малака ошириш тизими (ЎМОТ)га, яъни тадқиқот объектимизга тизимли ёндашув асосида қарасак, у мураккаб педагогик тизим сифатида бир-бирига боғлиқ муассасалар мажмуидан иборат бўлиб, педагоглар узлуксиз малака оширишининг умумий мақсадини амалга оширишга қаратилгандир.

Демак, мураккаб педагогик тизимларга тизимли ёндашув уларни яхлит-бутунлигича ва маълум қисмларга бўлиб ҳамда бошқа тизимлар билан алоқадорликда тадқиқ қилиш имкониятини беради. ПҚТ ва МОПни яхлит тизим тарзида тасаввур қилиш ва уни бошқа педагогик тизимлардан фарқини аниқлаш учун, энг аввало, унинг компонентлари (тузилишини) аниқлаш лозим .

ПКТ ва МОП педагогик тизим сифатида очиқлиги билан ҳам характерланади. У ижтимоий тизим бўлганлиги учун унинг энг муҳим хусусияти кишилар, яъни субъектлардир. Шунга асосан мазкур тизим билан ташқи муҳит ўртасида ўзаро таъсир ва ахборот алмаштириш юзага келади. Биз тадқиқ қилаётган тизимда тингловчилар таркиби доимий ўзгаради ва бошқалари ҳисобидан тўлдирилади. Бунинг оқибатида уларни малакасига бўлган талаб ҳам ўзгаради. Таълим ислоҳотининг энг муҳим талаби – ўқувчиларга чуқур билим бериш ва касб-ҳунар ўргатиш орқали ҳаётда ўз ўринларини топишларига психологик, илмий-педагогик шароит яратишдир. Шу билан бирга улар умумий ўрта таълим билан олий ўқув юрти ҳамда ишлаб чиқариш ўртасида узвийлик, ворислик ришталарини ўрнатиш зарур. Ўқувчиларга чуқур билим бериш ҳамда уларга касб-ҳунар ўргатиш даражаси ҳам доимий қотиб қолмайди, балки жамият ривожини билан уларга талаб ошади.

Педагогик кадрлар малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини ошириш ва уни илмий асосда қайта қуришдан мақсад ўқитувчинини ижтимоий имкониятини, унинг шахсий сифатлари ва касбий билими, кўникмасини такомиллаштириш, мақсади эса ўқувчилар таълим-тарбиясининг сифатини оширишдир. Педагогик кадрлар малакасини ошириш тизими доимий равишда ғоявий-сиёсий, умуммаданий, касбий, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий билимларни тўлдириш, янгилаш ва қўллаш асосида педагогик маҳоратни шакллантиришдир.

«Ўқитувчининг қобилиятини, назарий-методик тайёргарлигини, малакасини, мунгазам ва мукаммал ошириб боришини таъминлайдиган изчил тизимни барпо этиш зарур бўлиб қолди» (57,15). Шундан келиб чиқиб,

Ж..Ғ.Йўлдошев узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми сифатида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мақсадини аниқлайдики, унинг позицияси В.Г.Онушкин, С.Г.Вершловский, Ю.Н.Кулюткинлар ишлаб чиққан узлуксиз таълим тизимида педагогик кадрлар малакасини ошириш концепциясига яқиндир. Унинг фикрича, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан мақсад ўқитувчининг ижтимоий имкониятларини ривожлантириш, унинг шахсий сифатларини, касбий билимлари ва умумий савиясини такомиллаштириш, пировард мақсад эса, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини кескин оширишдан иборатдир (57,62).

Юқоридаги фикрларни инкор қилмасдан биз педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими мақсадини белгилашда ўз муносабатимизни баён қиламиз. Ёшларда дунё андозалари асосида чуқур билим бериш, уларга бозор муносабатлари талаблари асосида касб-хунар ўргатиш ўқитувчи касбий тайёргарлик ва педагогик маҳоратига юксак ижтимоий талаб қўймоқда. Бунинг оқибатида ўқитувчининг таълим муассасасида ва бутун жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллиги ҳар қачонгидан кўра ошди. Ўқитувчи сифатли дарс бериш билан бирга мустақиллик ғоясини ёшларга сингдириши, уларни оташин халқпарвар, ватанпарвар қилиб тарбиялаши ҳам зарур. Бундай шароитда ПҚТ ва МОПнинг бош мақсади – фақат ўқитувчилар фаолиятини такомиллаштириш эмас, балки уларнинг ҳар қайсининг шахсини ҳамда шу асосда уларда таълим-тарбия вазифаларини ечишда шахсий тайёргарлиги билан ўқитувчи шахси ва билим савиясига доимий равишда ўсиб боровчи ижтимоий талаб ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш кўникмасини

шакллантириш муҳимдир (47,15). Бу мақсад ўқитувчи фаолияти орқали воқеаликка айланади. Шунинг учун ПҚТ ва МОПда, яъни тингловчилар ва малака ошириш ташкилотчилари фаолиятида ўқитувчини билимга ташналик, янгиликка интилиш, «мен ҳамма нарсани биламан», каби ўзига ортиқча баҳо бериш одатини синдириб, доимий ўқиш, ўрганиш, малака оширишнинг фойдалигига ишончини мустаҳкамлаш зарур. Билишга қизиқиш, бу борадаги фаолиятни ташкил қила олиш кўникмаларини ўқитувчиларда шакллантириш малака ошириш жараёни учун белгиловчи ҳисобланади. Шу асосда ўқитувчида педагогик такомиллашувни ички эҳтиёжга айлантириш ва уни узлуксиз давом эттиришга психологик ва шахсий тайёрлаш жуда муҳимдир. Ўқитувчида педагогик такомиллашувга ҳозирлик (установкани) шакллантириш лозимки, унда фақат эҳтиёжнинг ўзи етарли эмас, балки эҳтиёжни амалга ошириш учун етарли шарт-шароит яратиш ҳам зарур.

Инсоннинг фаолияти ҳар қандай характер ва шаклда бўлмасин, маълум ички интилиш, истак, майл, яъни мотив асосида, у ёки бу мақсадни амалга ошириш оқибатида рўёбга чиқади. Демак, ўқитувчининг мунгазам ўз фаолияти ва шахсини такомиллаштиришнинг ижтимоий зарурлигини онгли англаши ва унга интилиши узлуксиз малака оширишида белгиловчи ҳисобланади. Бундан ташқари олимларнинг ҳақли эътироф этишларича, ПҚТ ва МОП учун махсус катталар таълимининг амалга оширувчи ўқитувчи кадрларнинг тайёрланмаслиги ҳам унинг самарали фаолият кўрсатишига салбий таъсир қилмоқда. Шуларга асосланиб ПҚТ ва МО ўз олдига қўйилган мақсадга тўла эриша олмайди, деган хулоса чиқарилади. Аммо шунга қарамасдан педагогик маҳоратни

такомиллаштириш педагогик кадрлар малакасини ошириш тизимининг асосий мақсади ҳисобланади. Бунда такомиллаштириш ўз моҳияти билан аввалдан шакланган салбий одатларни ўзгартириш, доимий билим, кўникма ва малака эгаллашга ҳозирликка тайёрлаш - ПҚТ ва МОНинг асосий вазифаси ва мақсадидир, десак тўғри бўлади.

Шундай қилиб, педагогик кадрлар касбий маҳоратини ошириш тизимининг бош мақсади бўлиб, фақат ўқитувчи фаолияти ва шахсини такомиллаштириш эмас, балки унда жамиятнинг таълим-тарбияга ошиб бораётган талабларини амалга ошириш билан шахсий тайёргарлиги ўртасида ўзаро мутаносибликни шакллантириш муҳим ҳисобланади.

2.2. Узлуксиз таълим тизимида олий таълимнинг ўрни

Биз ишимизга асос қилиб тизим ва тизимли ёндашувни олдик. Тизимли ёндашув ўз навбатида педагогик жараёнларни ҳар томонлама яхлит таҳлил қилиш асосида улар фаолиятида изчиллик ва узвийликни таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун тизимли ёндашув таълим жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда ҳам муҳим ҳисобланади.

Биринчи президентимиз И.Каримов «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» маърузасида таъкидлаб айтдики: «халқ таълимининг асосий бўғинини узлуксиз таълим ташкил этади. Шу сабабли, бу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратиш даркор. Узлуксиз таълимни давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда, аввало, уларнинг жаҳон

талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият заминида қурилишга асосий эътибор бериш керак» (4, 15). Мамлакатимизда узлуксиз таълимга ўтишнинг зарурияти қатор ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, ташкилий-педагогик омиллар билан бирга инсон шахсининг комиллигини таъминлаш билан ҳам белгиланади.

Узлуксиз таълимнинг асосий ғояси таълимни максимал равишда шахс ва жамият манфаатларига мослаштириш, унинг ҳамма бўғинларини шахс камолотидаги имкониятларидан тўла фойдаланишдир. Демак, узлуксиз таълим инсонни фақат таълим муассасасида ўқиш даврида эмас, ундан кейин бутун амалий меҳнат фаолияти давомида ҳам ўз қобилиятини намоён қилиш, касбининг ва маънавий эҳтиёж, қизиқишларини қондириш учун ижтимоий, педагогик шароит яратиш демакдир. Узлуксиз таълим педагогик тизим сифатида турли-туман йўл, восита ва шакллар орқали билим олиш, уни чуқурлаштириш, касбий маҳоратини такомиллаштириш, фуқаро сифатида ўзлигини намоён қилиш, маънавий қизиқишларини қондиришдир. Бундан ташқари таълимнинг ҳамма турлари ўртасида алоқадорлик, узвийликни таъминлаш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инсон таълимнинг бир босқичидан иккинчисига ўтишда руҳий, иқтисодий, ташкилий қийинчиликларга дучор бўлишини олдини олиш, босқичлар ва турлар ўртасидаги ворисликни мустаҳкамлаб, улар ўртасида тарихий эволюцион ривожланишни таъминлаш орқали инсонга қулайлик яратишда ҳам узлуксиз таълим муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг доимий равишда касбий ва маънавий қизиқишларини қондириш учун узлуксиз таълимнинг кенг тармоқлари мавжуд. Инсон ўз

шахсининг имконият ва хусусиятларидан келиб чиқиб, таълимнинг босқич ва кўламини танлаши, унинг таркибий қисмларига таяниб, ўз мақсадларини қондириши мумкин. Бунинг учун таълим турли босқич ва турлари ўртасидаги узвий боғланишни шакллантириш муҳимдир. Бунда асосий (база) таълим (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим) асос (вертикал бўйича) ҳамда қўшимча таълимнинг (турли қизиқишларни қондириш-хобби, техник, табиатшунослик, бадиий, музыка, мактаб-интернатлар, компьютер ахборот воситалари, INTERNET орқали таълим, масофавий таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг) ўзаро мувофиқлаштириш – (горизонтал-энига) улар интеграцияси ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Тажриба кўрсатадики, таълим узлуксизлигини таъминлашда вертикал ва горизонтал йўналишларни, яъни таълимнинг бир тури ва босқичлари ўртасидаги тадрижий узвийликни таъминлаш энг мураккаб илмий-назарий, ташкилий-педагогик масаладир. Шу масала илмий ҳал қилинса узлуксизлик кўп жиҳатдан таъминланади. Узлуксиз таълим тушунчаси кўп қиррали бўлиб, унинг асосида шахс ҳаётининг ҳамма босқичларида комил инсон сифатида ривожланиши ётади. Ўзининг мақсадига кўра узлуксиз таълим шахсинг баркамоллиги шароити, унинг ижтимоий имкониятларини ривожланиши, қобилият ва куч – қудратини намоён қилиш, умумий ҳамда касбий камолотини ўсиши, аввалги олган тайёргарлигини такомиллаштириш жараёнидир. Шунинг учун узлуксиз таълим инсон бутун ҳаётининг умумлашган хусусияти сифатида ундан ажралмасдир. Ҳадиси шарифда айтилгандек, бешиқдан қабргача илм эгалла, деган фикр узлуксиз таълим ғоясига ҳамоҳангдир. Бундан ташқари

узлуксиз таълим ижтимоий-педагогик принцип сифатида ижтимоий тараққиёт ҳарактеридан келиб чиқиб, таълимни яхлит тизим сифатида фаолият кўрсатиши шахсинг ижтимоий тараққиётнинг фаол субъекти тарзида ривожланишига қаратилгандир.

Таълим тизимига бундай ёндашиш янги методологик принцип сифатида мустақиллик мафкураси ва юртбошимиз сиёсатининг моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидагиларни тақозо қилади:

1) бунда мустақиллик сиёсатининг моҳияти таълимни энг аввало ёшларни чуқур билимли, моҳир касб-ҳунар эгаси бўлиши, шу асосда бутун аҳолини ижодий имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилдириш;

2) таълим таркибий қисмларини умумий узлуксиз таълим тизимида мақсад ва вазифасини тўғри белгилаш;

3) узлуксиз таълим жамиятимизнинг умумий ижтимоий ҳаёт жараёнида ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маданий тараққиётини тезлаштиришга йўналтириш. Шу нуқтаи назардан ёндошган узлуксиз таълим давлат ва нодавлат, ижтимоий ташкилотларнинг яхлит бирлиги базасида мавжуд бўлиб, инсоннинг умумий ва касбий тайёргарлигининг шахсий ҳамда ижтимоий эҳтиёж талабларини қондиришга қаратилган. Булар ичида касбий фаолият эҳтиёжини қондириш белгиловчи ҳисобланади. Касбий маҳоратни ошириш инсон узлуксиз таълимнинг таркибий қисми сифатида педагогнинг мунтазам шахс ва касб эгаси сифатида камол топиши ва шу асосда касбий фаолият такомиллашувининг кафолатидир.

Педагогнинг бундай камолотини белгиловчи омил амалий ва назарий фаолияти ҳисобланади. Чунки педагогика ва психология фанлари исботладики, инсон

фаолиятдан ташқарида ривожланмайди ва ўзини намоён қила олмайди. Аммо ўқитувчи фаолияти ва унинг шахсининг ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бу боғланишнинг таъсирчанлиги бир қатор шарт-шароитларга боғлиқдир. Чунинчи, педагогнинг касбий такомиллашуви амалга ошиши мумкин, агар:

а) фаолиятда фаолиқ позициясини эгалласагина, унинг ижодий куч ва қобилияти реал юзага чиқиши мумкин;

б) педагогик жамоада шахслараро муносабатлар «ўқитувчи-ўқувчи», «ўқитувчи-жамоатчилик» тизимида тенг ва масъулият билан кириша олса;

в) ўзининг шахсий тажрибасини жамоа тажрибаси, назария ва амалиёт нуқтаи назаридан таҳлил қилиб баҳолай олса; г) доимий равишда унинг меҳнати ижтимоий адолат нуқтаи назаридан моддий ва маънавий рағбатлантирилса ва эътиборда бўлса (53,4).

Шунинг учун педагоглар малака ошириш жараёни узлуксизлиги энг аввало уни демократиялаштириш ва инсонпарварлаштиришни тақозо қилади. Узлуксизлик принципи аввалги ўқув юртида олган билимлари билан малака ошириш ва қайта тайёрлашни ўзаро боғлиқлигини таъминлашни ҳам талаб қилади. Бундан ташқари малака ошириш курсларида олган тайёргарлиги билан ўз устида мустақил ишлаш жараёнларини узвий боғлиқлигини ҳам тақозо қилади. Шу билан бирга педагогларнинг реал эҳтиёжларини, ижтимоий заруриятини, унинг субъектив имкониятларига мос келишини таъминлаши зарур. Педагоглар малака оширишини улар аттестацияси билан узвий боғлиқлигини, маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг оптимал меъёрларни белгилаш асосида ташкил этиш узлуксизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари малака оширишнинг давлат

ва нодавлат, курслар ва ижтимоий шакллари ўзаро уйғунлигини таъминлаш ҳам узвийлиги, изчиллигининг муҳим воситаси бўлади.

Профессор Ж.Ғ.Йўлдошев педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнида ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар кескин таъсир этишини таъкидлайди. Ўқитувчи таълим олишда ўзини бутунлай таълим ва тарбияга бағишловчи, касбий виждон ва маҳоратининг юқори чўққиларини эгаллаган шахс бўлиб шаклланади. Узлуксиз таълим тизимида ПҚТ ва МОни тўлдириш, мослаштириш ва ривожлантириш вазифаларини бажаради. Тўлдириш функцияси – ёши катталарнинг турли сабабларга кўра болалиқда ололмайд қолган таълимни олиш, ёхуд етказиб олиш имкониятини беради. Мослаштириш функцияси – шахснинг доимий ўзгарувчи оламга мослашиб боришини таъминлайди. Ривожлантириш функцияси – шахснинг ижодий имкониятини узлуксиз бойитиб боришидир. «Узлуксиз таълимнинг бўғини ҳисобланмиш малакани оширишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган функциялари шахсни такомиллаштиришга йўналтирилган, технологик ва иқтисодий томонларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши ва шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак. Узлуксиз таълимнинг энг муҳим вазифаси шахсни ҳар томонлама камол топтириш, маданиятини оширишдан иборатдир» (92,26). Узлуксиз таълим инсон ва унинг яшаши, меҳнат қилиш шарт-шароитларини яхшилаш, маънавий ва касбий даражасини такомиллаштиришга қаратилган экан, унинг босқич ва шакллари белгилашда кишининг ҳаёт йўли, ёш даврлари белгиловчи бўлиши керак. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 3.3.3. бандида ҳам таълим ҳар бир бўғинининг узлуксиз таълим тизимидаги мақсади ва

вазифалари кўрсатилиб, «Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида турли даражадаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади», - дейилган (10, 45).

Узлуксиз таълим тизимида педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими тўғрисида фикр юритар эканмиз, педагогларнинг асосий таълим (база) тайёргарлигини ҳам жиддий такомиллаштириш зарур. Чунки педагогнинг база таълимида йўл қўйилган ҳамма камчиликларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳар қанча мукамал бўлмасин тўла баргараф қила олмайди.

Республикамиз мустақил бўлгандан сўнг таълимни ривожлантиришга жиддий эътибор берилиб, жуда кўп янги таълим муассасалари ташкил қилинди. Республикамиз вилоятларидаги педагогика институтлари университетларга айлантирилди. Олий ўқув юртирига талабалар қабул қилиш тест асосида амалга ошириладиган бўлди. Булар ҳамма жиҳатдан олдинга ташланган қадам, буни ҳеч ким инкор қилмайди. Аммо масалага бошқача томондан қарайлик. Таълимга миллий даромаднинг жуда катта қисми сарфланмоқда.

Шунинг учун университетларда халқ хўжалиги учун мутахасислар тайёрлашни алоҳида факультет ва бўлимларда, келажакда таълим муассасасида фаолият кўрсатадиганларни педагогик йўналишдаги факультет ва бўлимларда тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Педагогик йўналишдаги талабаларни олий ўқув юртига қабул қилишдан аввал педагогик қобилиятини, болалар билан ишлай олишни аниқловчи синовдан ўтказиб, сўнг билим савиясини аниқловчи тестларга киритиш керак. Педагогик йўналишдаги факультетларда педагогика,

психология, методика фанлари ва педагогик саноатини кескин ошириш керак.

Узлуксиз таълим билан ПКТ ва МОНинг ўзаро боғлиқлиги шундаки, ўқитувчи шахс ва касб соҳибсифатида қаралиб, унинг мунтазам камолоти жараён тарзида амалий ҳаётининг бутун давомида амалга оширилиши ижтимоий зарурият сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари ўзаро боғлиқликнинг бир жиҳати ўқитувчи фаолиятида ижтимоий фаолликнинг таъсири кучайиб бориб, малака оширишда ўқитувчи шахси ва касбий шаклланиши тезлашади. Бунинг оқибатида ўқитувчи доимий ўзининг касбий маҳоратини такомиллаштириб, шахс сифатида ўзини маънавий бойитади. Чунки шахснинг мунтазам ижодий имкониятини ўсиши,- деб кўрсатади В.Г.Онушкин, - узлуксиз таълимнинг бош ғояси ҳисобланади (79, 8).

Тизимли ёндашув талабига кўра улар ўзаро таъсирда бўлади. Катта тизимдаги ўзгаришлар кичик тизимга таъсир қилади. Бундан ташқари педагог кадрлар малака ошириши ва қайта тайёрлаш тизими узлуксиз таълимни ҳамма бўғинлари учун тўлдирувчилик ва мослашувчанлик вазифасини бажаради. Малака ошириш тизимида янги шакллар ва воситалар пайдо бўлиб, унинг таркибий қисмларининг интеграциялашуви кучаяди. Тизимнинг имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш мақсадида унинг илмий-амалий масалаларини тадқиқ қилишга эътибор ошиб боради. Малака ошириш ва қайта тайёрлашда янги имкониятлар ва манбалар, воситалар пайдо бўлади. Масалан: ижтимоий тараққиётнинг ҳамма соҳалари ривожига компьютерга асосланган ахборот ва информацион технологияларнинг кенг кириб келиши оқибатида касб-ҳунар ўргатиш, малака ошириш

имкониятлари кенгайиб боради. Малака ошириш ва қайта тайёрлашда INTERNET, масофадан туриб таълим олиш ва малака ошириш, маънавий ва касбий қизиқишларини қондириш имконияти ошиб боради. Булар воситасида нафақат фан-техника, касбга доир янгиликларни билиб олиш, балки қайта тайёрлаш ва малака ошириш муддатлари, уларга сарфланадиган куч ва маблағ тежалиши мумкин.

Ижтимоий тараққиётнинг бозор муносабатларга хос ривожланиши малака ошириш муддатларини унинг даврийлигига кескин таъсир ўтказиб, қисқаришига олиб келиб, ишлаб чиқариш талаблари, рақобатга бардош беролмайдиган соҳалар ва касблар ўрнига ишлаб чиқариш ва касбларга эҳтиёж ошиб боради. Бозор талабларига мос янги ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланади. Бу муносабатлар инсонни ўз гирдобига олиб, рақобат ва бозор талабига мослашолмайдиганларни худди марказдан қочирма куч каби улоқтиради. Янги шароитга мослашадиган, янги касб-ихтисос эгаллаганлар марказга интилма кучдек моддий ва маънавий манфаатдорлиги ошиб боради.

Шундай қилиб, мавжуд узлуксиз таълим тизимида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш шахсинг моддий ва маънавий, касбий ва шахсий эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида интеграциялашувга, яъни узлуксизликни таъминлаш воситаси сифатида намоён бўлади.

2.3. Бакалаврлар тайёрлашда таълимнинг гносеологик таҳлили

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида ўқитувчиларни ўзига хос психологик, физиологик хусусиятларини, ўқитишнинг принциплари, шакл ва методларини тўғри белгилаш бу жараён моҳиятини гносеологик таҳлил қилишни тақозо қилади. Шунинг учун бу жараённи билиш назарияси нуқтаи назаридан қараб чиқиш лозим.

Ҳар қандай таълим жараёнининг методологик асосини билиш назарияси ташкил этади. Бунда билиш назарияси инсоннинг олами ўз онги билан билишига асосланади. Киши борлиқни онг орқали англайдики, борлиқ эса кишиларнинг мавжуд ҳаёт жараёнидир. Шунинг учун моддий борлиқни инсон онгида акс этиши объектив бўлиб, у ҳақдаги инсон билимлари ҳам объектив мазмунга эга бўлиб инсон онгида акс этиш жараёнидир. Бу умумий қонуният бўлиб ўқитувчиларнинг малака ошириш тизимига, ўқитиш жараёнига ҳам дахлдор ҳисобланади. Инсоннинг дунёни билишининг чуқурлашиб бориши ва жамият тараққиётининг тезлашуви ҳар қандай таълимнинг мазмуни, мақсади, ташкилий шакли, методларини ўзгаришига сабаб бўлади. Бундан ПКТ ва МО ҳам мустасно бўла олмайди. Ўз вақтида рус олими М.А.Данилов айнан шу ҳақда ёзган эди. «Ҳақиқатда билим билан ўқитиш орасида боғланишлар мавжуд. Билиш ва ўқитиш муаммосини ўзаро қиёслаш шунга иқрор қиладики, ўқитишда ҳамма вақт билиш содир бўлади. Шунинг учун билиш назарияси ўқитишнинг моҳиятини ва ғоявий йўналишини белгилайди» (40, 83).

Билиш ва ўқитишни таққослашнинг кўрсатишича, ўқитиш мазмуни билишнинг натижаси ҳисобланади. Билим жамият томонидан фойдаланиши, ёки амалиётда қўлланиши, жамият аъзолари томонидан ўзлаштирилиши лозим. Билиш ўқитишдан аввал содир бўлади. У жамият эҳтиёжига боғлиқ бўлиб асосини ижтимоий тажриба ташкил этади (40, 87).

Аммо педагогикада қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнидаги таълим гносеологик нуқтаи назардан ёки катталар, касб соҳиблари таълими жиҳатидан таҳлил қилинмаган. Фикримизча бунинг биринчи боиси ПҚТ ва МО ҳали тўла тизимли тадқиқ қилинмаганлиги, иккинчидан, катталар (касб соҳиблари)ни ўқитиш, малака ошириш педагогикаси бундай методологик таҳлил учун ҳали етарли тайёр эмаслиги. Ахборот технологиялари асрида жамиятнинг ҳамма соҳаларида инсон фаолиятини қайта қуриш, жумладан, ПҚТ ва МОда ҳам таълимнинг ҳамма томонларини чуқур гносеологик таҳлил қилмасдан, унинг имкониятларидан ўқитувчилар маҳоратини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин эмас.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини методологик таҳлил қилиш, унинг имкониятларини тўла очишда ва ўқитувчилар касбий маҳоратини оширишда фойдаланиш билан бирга, уни такомиллаштиришнинг ижтимоий-психологик, психофизиологик, дидактик жиҳатларини очиш учун асос бўлади.

Билиш назариясини таълим жараёнида қўллаш ПҚТ ва МОдаги ўқув жараёни моҳиятини ва унинг ривожланиш қонуниятларини чуқур тушуниш имкониятини беради.

Таълим жараёнида билиш, кузатиш, маълумотларни таҳлил ва синтез (қисмларга ажратиш) қилиш, назарий умумлаштириш, мантиқий фикрлаш ва билимларни

амалда қўллаш тарзида амалга ошади. Шу билан бирга таълим жараёнидаги билиш сезиш, идрок, тасаввур, тушунча ва ҳукм тарзида бўлиб, ўқитувчининг дидактик йўналтириши асосида амалга ошади. Маълумки, таълим жараёни бу иккиёқлама жараён бўлиб, икки фаолият уйғунлигида: ўқитувчининг (маърузачи) фаолияти ўқитиш билан ва тингловчининг тушуниши, билимларни ўзлаштириш бирлигида кечади. Бу ҳар иккала фаолият ўзаро боғлиқликда бўлиб, улар учун умумий билиш жараёнидир.

Ўқиш, ўргатиш билиш жараёни билан ўзаро боғлиқликда бўлиб, улар учун умумий билиш жараёнидир.

Шунинг учун илмий тадқиқот бирламчи, малака оширишда ўрганиладиган билим иккиламчи, илмий тадқиқот натижаси бўлиб, аммо тараққиёт жараёнида ҳар иккаласи ҳам муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга ҳар иккала фаолият_ илмий тадқиқот ва таълим жараёни – билим эгаллаш – ташқи оламни билишга йўналтирилган. Биринчиси иккинчисига йўл очади.

Таълим ҳамма босқичларда ўзига мақсад қилиб билишни қўяди. Аммо бу билиш восита бўлиб, бевосита билинган, очилган билимларни эгаллаб, жамият ривожини чуқурлаштиришга хизмат қилади. Олим дунёни бевосита ўзи билади. Аммо таълим жараёнидаги билиш бошқа бир киши ўқитувчи раҳнамолиги, раҳбарлигида амалга ошади.

Тингловчи фаолиятинининг билиш объектига йўналтириш ўқитувчи (маърузачи) фаолияти орқали амалга ошади. Бу ҳар иккала фаолият (ўргатиш ва ўрганиш) мувафақиятли бўлиши учун ўқитувчи нафақат чуқур билимга эга бўлиши, балки уни бошқаларга ўргатиш усуллари ва воситаларини ҳам чуқур билиши зарур. Бунда

ўқитиш воситалари ва шакллари ўқитувчининг ўз фаолиятини ва таҳсил олувчилар фаолиятини самарали ташкил қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Тингловчи (ўқувчи, талаба) билиши (ўрганиши) энг аввало ўқиш-ўрганиш фаолиятидир. Билиш жараёни инъикос этиш бўлиб, билиш фаолияти ҳисобланади. Таълим жараёнида билиш фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб, бир вақтнинг ўзида амалий фаолият тарзида намоён бўлади. Бунинг оқибатида тингловчи ташқи оламнинг ҳодиса, воқеа, нарсаларнинг моҳияти, тараққиёт қонуниятларини билим сифатида ўзлаштиради.

Кўраяпмизки, моддий олам ва таълим жараёни ҳам борлиқнинг инсон онгида акс этиш жараёни сифатида гносеологик йўналишга эга. Аммо таълим жараёнида бу гносеологик жараён яна бир қўшимча асосга эга бўлади. Таълим жараёни педагогик жараён сифатида дидактик жиҳатдан йўналтирилиб, билимларни ўзлаштиришни осонлаштиради. Демак, таълим жараёни оламни билишдан дидактик ташкил қилиниши билан ажралиб туради.

Дунёни билиш ва таълим жараёнларини гносеологик таққослаш шуни кўрсатадики, дунёни билиш кўпроқ жамият эҳтиёжига ва билиш воситаларига (асбоб-ускуна, техник ва ахборот воситаларига) боғлиқ, таълим жараёни эса таҳсил олувчилар ёши, касби, тажрибаси ва фаолиятини ташкил қила олиш, ўрганиши лозим бўлган нарсга моҳиятини англаши билан белгиланади. Яъни таҳсил олувчиларнинг таълимнинг ҳар бир босқичида (мактабгача, мактаб, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув юрти талабаси, малака ошириш тингловчиси) турлича қизиқиш, фаолият мақсадини англаш, билимни ўзлаштиришга муносабати турлича бўлади. Шундан келиб чиқиб, таълимнинг ҳар бир

босқичида уни дидактик жиҳатдан ташкил қилиш турлича усул, восита ва шакллар ёки педагогик ахборот технологияларидан фойдаланиш турли даражада – таҳсил олувчилар ёши, касби, тажрибаси ва фаолиятининг ривожланганлик даражасига мос бўлиши шарт. Бу дидактик қонуният сифатида таълим жараёнининг ҳар бир босқичида инобатга олиниши лозим. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, таълимни ташкил қилиш шакли, методлари, воситалари таҳсил олувчилар ёши, ўзига хос психологик, физиологик хусусиятлари ва шахсий, касбий эҳтиёжларига мос бўлиши мутлақо зарур.

Малака ошириш жараёни билиш фаолияти сифатида фан билан боғлиқ. Шунинг учун бу жараён қонуниятларини аниқлаш илмий билиш ва педагогика фанининг ривож даражасига боғлиқдир. Малака ошириш жараёни билиш фаолияти тарзида касбий маҳоратни эгаллашнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўз ичига олади. Бундан кўринадики малака оширишни ташкил қилганда таҳсил олувчилар эҳтиёжи ва фаолиятининг хусусиятига мос келувчи билиш методларини танлаш зарур. Бу жараённи гносеологик таҳлил қилишимизнинг моҳияти ҳам шунда. Дидактик жиҳатдан қараганда, малака ошириш жараёнида қўлланиладиган таълим шакл, метод ва воситалари ундаги ўқув - тарбия жараёни мақсад мазмунига ҳамда ўқитувчининг касбий маҳорат даражасига мос келиши зарур. Малака ошириш жараёнида мунтазам равишда касбий маҳорат таркибида миқдор ва сифат ўзгаришларининг содир бўлиши янги педагогик тажриба ҳосил бўлишига замин ҳозирлайди. Қайд қилинганидек, малака ошириш жараёни назарий ва амалий тайёргарликнинг диалектик бирлигидан иборат. 1. Улар

ўртасидаги бирлик ҳар иккаласи ҳам ўқитувчининг мавжуд билим, кўникмасидан иборат. 2. Малакаларини такомиллаштиришга қаратилган. Улар ўртасидаги бундай яхлитлик, фарқ борлигини инкор қилмайди. Фарқ эса билимларни ўрганиш ва амалий фаолиятга қўллаш шаклида намоён бўлади (59, 109).

Ўқитувчининг малака ошириш жараёнидаги назарий тайёргарлиги педагогик жараёнларнинг моҳияти ва қонуниятларини билиши педагогик фаолиятини амалга ошириш усуллари тингловчиларда педагогик билимларга маълум муносабатни шакллантирилиши лозим. Бундай билиш жараёнида билимларнинг чуқурлашуви абстрактликдан конкретликка, назариядан амалиётга, уни педагогик вазиятга қараб қўллашга қаратилган бўлади. Бундай билиш натижасида ўқитувчи педагогик ҳодисаларни назарий тушуниш тажрибасини эгаллайди ҳамда уни илмий асослай олади.

Амалий тайёргарлик эса билиш, педагогик фаолиятини амалга ошириш усуллари, ўрганган билимларни қўллаш кўникмаси ҳамда янги касбий билимларни эгаллашга асос бўлиб, ақлий ва интеллектуал қобилиятларни ривожлантиради.

Яхлит икки хил билиш даражаларини эмпирик ва назарий жиҳатларга бўлиш, билиш фаолиятлари ўртасидаги фарқ ва ўзаро боғлиқни тушуниш билан бирга, улар ўртасидаги илмий назариянинг яратилиши, аниқлигини текшириш ва амалиётда қўллашнинг моҳиятини англаш имкониятини беради. Шу билан бирга бу «бизга билиш фаолиятининг икки жиҳатини англаш имконини беради: 1) ақлий билиш билан боғлиқ ҳаракатлар (таҳлил, синтез, умумлаштириш) фаолиятини ва уларнинг билимларни эгаллашга йўналганлиги билан

боғлиқ фаолиятини; 2) билимларни таълим жараёнига амалий қўллаш билан боғлиқ фаолиятни» (59, 108).

Бундан шундай муҳим вазифа келиб чиқади: малака ошириш курсларида ва улардан ташқарида таълим мазмунини шундай ташкил қилиш керакки, у тингловчи билиш фаолиятига мос келиши билан бирга уни амалий фаолиятида қўллашга ўргатсин. Таъкидлаш лозимки, айнан шу икки фаолиятнинг узвий бирлиги педагогларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини таъминлайди. Чунончи, шунга мос равишда таълим мазмуни, шакли ва методлари ҳамда уни баён қилиш мантиқи ўзаро бир-бирига мос бўлиши мутлақо зарур. Ҳозирги пайтда курс машғулотларини кузатиш кўрсатадики, маъруза ва амалий машғулотлар мактабдаги таълимга ўхшаб кетиб, кўрсатма (инструктаж) бериш тарзида олиб борилади. Таълимни ташкил қилишнинг бундай шакли ўқитувчини ижодий ривожланишига ёрдам бера олмайди(47,19).

Ҳар қандай фаолият асосида билим ётади. Таълим ва тарбия ҳам ўқитувчининг касбий фаолияти сифатида назарий ва амалий билимларга асосланади.

Мустақиллик йилларида юқори маълумотли ва тарбияланган кишиларга бўлган эҳтиёж ҳам ҳар қачонгидан ошди. Бу эса ўқитувчи фаолиятида педагогик билимларга бўлган эҳтиёжни ошишига олиб келди. Бунинг моҳиятини англаш билишнинг алоҳида тури, педагогик фаолиятнинг пайдо бўлишига асос бўлиб, амалий иш жараёнида намоён бўлади. Шунинг асосида аста-секин ўз тузилиши ва компонентларига эга мураккаб ижтимоий тизим шаклланади. У қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: 1. Кишиларнинг билиш фаолиятлари, 2. Билиш воситалари, 3. Билиш объекти (нарсалар,

ходисалар), 4. Билиш фаолияти натижалари: билим, усул, фикрлаш ва ҳаракат. Булар оқибатида янги юқори натижа ва янги ечимлар топилади (30, 89).

Таълим-тарбия ташкилотчилари бўлган ўқитувчилар фаолиятини ўрганишнинг кўрсатишича, улар махсус билимларни (кўпинча ўзлари дарс берадиган фанни) яхши билдилар, аммо уларнинг назарий асослари, ҳамда уларни амалиётда қўллаш ва ўқувчиларга етказиш, тушунтиришда қийналадилар.

Педагогика ва психологиянинг назарий асосларини билиш ўз-ўзича ўқитиш методикаси бўйича ўқитувчининг маҳоратини белгиланмайди. Ўқитувчи педагогик маҳоратининг шаклланиши ёки мавжуд билимларни таълим-тарбия санъатига айланиши фаолият конкрет технологиясининг намоён бўлиши каби кўп омилларга боғлиқ. Энг аввало бунга асос, олий ўқув юртида ўқитувчини тайёрлашда, сўнгра мактабда амалга оширилиши лозим. Бу бўғинда малака ошириш ўқитувчининг назарий ва амалий тайёргарлигини таъминловчиси сифатида муҳим роль ўйнаши лозим.

Педагогик вазифаларни аниқлаш фикрий ташхис асосида амалий фаолиятда ҳал қилиши лозим бўлган педагогик воситалар моделини белгилаш йўли билан амалга оширилади. Бу масалани махсус ўрганиш кўрсатадики, ўқитувчини тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган педагогик вазифа (топшириқ) педагогик назария ва амалиётнинг бевосита мактаб иш жараёни ўртасидаги боғловчи кўприк вазифасини ўтайди. Бунда талабаларни олий ўқув юртида маъруза ва семинарларда ўрганадиган билимларини амалда қўллашга ўргатиш муҳим ҳисобланади. Аммо назарий билимларни амалиётга тадбиқ қилиш бевосита ва тўппа тўғри

кўчмайди, балки ўзида бир неча оралиқ бўгин ва босқичларни ҳам олади (69, 15).

Алоҳида қайд қилиш лозимки, ҳар бир фанни ўрганиш, (ўқитиш) ҳамма вақт унинг ички мантиқидан келиб чиқиб, уни ўзлаштиришга асосий эътибор қаратилиши ва қўллаш эса асосий мақсад қилиб қўйилиши лозим. Аммо малака ошириш жараёнида бунга унча аҳамият берилмайди. Бунда фанларни ўқитишга таълим – тарбия жараёнлари нуқтаи назаридан ёндошмоқ ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Бу ҳам бўлса ўргатиладиган фан мантиқини чуқур билишга йўналтириш билан бирга ўқитувчининг ўқувчиларга уни ўргатиш (тушунтира олишга) ўргатишдир. Яъни ўргатиладиган фанни таълим-тарбия мантиқи нуқтаи назаридан ўқитувчига ўргатиш зарур.

Аммо таъкидлаш лозимки педагогика фанининг ҳозирги тараққиёт босқичида биз ўргатиш ва ўқитишнинг (таълимнинг) бундай яхлитлигига эришмаган эканмиз, буни малака ошириш жараёнида асосий муаммо сифатида қараб, ўқитувчини ўзлаштирган билимларини ўз амалиётида қўллаш усул ва воситалари билан қуроолантириш шарт. Бунда билимларни амалиётда қўллаш маълум касбий ҳолатлар, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, амалий топшириқларни ечиш, роли ўйинлар орқали амалга оширилиши мумкин.

В.В.Краевский педагогик назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлик жараёнини тадқиқ қилиб, педагогиканинг амалиётга нисбатан икки функциясини аниқлади. Биринчиси илмий – назарий бўлиб педагогик тажрибани тўплаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштиришдир. Бу юқори назарий ва экспериментал тадқиқотларда умумий педагогик қонуниятлар вазифасини ўтайди. Педагогиканинг иккинчи

функцияси техник лойиҳалаш бўлиб, педагогик қонуниятларни педагогик талаблар тарзида билимларга айлантиради. Улар эса педагогик қоидалар, тавсиялар, методик тизим, энг муҳими аниқ «педагогик лойиҳалар» тарзида бевосита амалиётга дахлдор бўлади.

Агар биз назарий ва амалий билимларнинг ўзаро аниқлашга келсак, назарий умумлашмалар амалиётнинг узок таҳлили ва умулаштирилиши ҳосиласидир. Шу асосда назария ва амалиёт ўзаро алоқадорлигида билимлар ривожланиб, абстрактлашиб, яна амалиётда текширилиб ўқитувчилар фаолиятини такомиллаштириш воситасига айланади. Бу жараён яхлитликда ўқув – тарбия жараёнини ривожлантиради.

Педагог амалий фаолиятнинг эҳтиёжи унинг билимлар тизимини тартибга солиб, олган билимлари яхлитлигини таъминлайди ва ўзгарувчанлигига сабаб бўлади.

Мазкур жараённинг гносеологик таҳлили ташхистик функцияни бажариб, қатор муаммоларни аниқлаш ва моҳиятини тушуниш омили сифатида хизмат қилади. Чунончи,

1) тингловчилар таркибини билиш, малака даражасига қараб қараб шакллантириш, табақалаштириш;

2) таълим мазмуни, мақсади, шакли, методи ва воситаларини тингловчилар эҳтиёжи асосида танлаш;

3) билимни ўрганиш ва уни амалиётда қўллаш – ўрганиш ва ўргатиш яхлитлигини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим.

Бу яхлитлик шунда намоён бўладикки, таълим мазмуни ўқитувчининг касбий эҳтиёжига қараб белгиланади. Касбий билимларни эгаллаш ўқитувчи педагогик фаолиятидан келиб чиқади. Агар биз малака ошириш

тизимини шу талаблар нуқтаи назаридан қараб чиқсак, у анча абстракт, ўқитувчилар эҳтиёжига тўла жавоб бермайдиган, яъни ўқитувчи эҳтиёжига тўла хизмат қилмаслиги билан ажралиб туришини кўрамиз. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий-сиёсий, махсус фанларнинг ўқитиш аксарият ҳолларда нуқул ахборот бериш тарзида бўлиб, конкрет педагогик вазифаларни ечиш ёки таълим-тарбия билан боғлиқ жиҳатларини эътиборга олмайди.

Ўқитишнинг бундай мавҳум характери тингловчиларнинг касби, шахси, таълим-тарбия билан боғланмаган. Шунинг учун тингловчида уларни чуқур билиш шарт эмас, деган тасаввур ҳосил бўлади. Бу эса ўқитувчи қизиқишининг пасайишига, ижодий ишлашига салбий таъсир қилади. Таълим жараёнини ташкил қилиш шакли ва даражаси ўқитувчини ижодий ишлашга ундаши ва унга йўл-йўриқ воситаларини очиб бериши лозим.

Малака ошириш жараёнида «субъект-объект» муносабатларининг ўзига хос жиҳати доимий равишда фаолият хусусиятини ҳисобга олиш ҳамда ижод қилиш, аниқроғи ижодий билишнинг асосидир (82, 90).

Энг аввало ўқитувчининг ўзи ёки фанда ҳал қилинган, ишланган йўлдан бориши, унинг илмий тайёргарлиги ва эрудициясига боғлиқ бўлади. Ўқитувчининг илмий ва педагогик таёргарлиги ва эрудициясининг жиддий юксалишига олиб келади. Бу эса ўқитувчининг ижодга ва фан, ўқитиш санъатига, методологик муаммоларга қизиқишини оширади. Илмий потенциал ўқитувчининг педагогик маҳорат асосларини эгаллашига замин бўлади. Шунинг учун малака ошириш жараёнида ҳар бир фаннинг ўқитилиши, семинар, амалий машғулотларни ташкил

қилинишини ўқитувчи эҳтиёжига мувофиқ бўлиши лозим.

Фаолиятнинг мақсадга қаратилганлиги ўқитувчи касбий йўналиши билан боғлиқ бўлиб, унинг педагогик, махсус, ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини таъминлайди. Педагогик мақсадга қаратилганлик ўқитувчининг педагогик фаолият мақсадини англаш ифодасидир.

Ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнидаги таълимнинг психологик таҳлили яна бир муҳим нарсани аниқлаш имконини беради. Бу ҳам бўлса мазкур таълимнинг ўзига хослиги-катталар касбий таълими бўлиб, қўлланиладиган восита, усул, шакл ва методларнинг катталар билиш имкониятлари жиҳатидан келиб чиқиш лозим.

Маълумки, ПҚТ ва МО мақсади педагогик жараёнда амалга оширилиб қуйидаги ҳарактерга эга бўлади: 1. Айнан педагогик тизим субъектларининг ҳаракати шу жараёнда содир бўлади: 2. Жараён бир онда эмас, яъни тизим субъектлари ҳаракати маълум вақт бирлигида давом этади: 3. Субъектларнинг ўзаро таъсири даражаси уларнинг бир-бирини тушуниш даражасига, яъни ўқитувчи ва тингловчиларнинг ўзаро мувофиқ ҳаракати даражаси билан белгиланади.

ПҚТ ва МОдаги таълим жараёни инсон турли – туман фаолиятининг алоҳида шакли сифатида иккиёқлама ҳарактерга эга бўлиб, унинг мана шу иккиёқламалиги асосий хусусияти сифатида таълим жараёни учун белгиловчи ҳисобланади. Бунда ўқитувчи билан тингловчи ўзаро ҳамкорлиги соф заминда эмас, балки дидактика ва психология қонуниятлари асосида амалга ошади. Шунинг учун ўқитувчи ва тингловчи ўзаро таъсири оддий механик бир-бирига яқинлашиш эмас. Бу ўзаро таъсир инсоннинг

ўзига хос индивидуаллиги асосида бўлиб, улар дидактик ва психологик қонуниятлар билан белгиланади ва ижтимоий ҳарактерга эга.

Иккиёқламалик таълим жараёнининг барча босқичларида амал қилиб, ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти тарзида амалга оширилиб, бунда бир фаолият бошқасига бўйсўнган бўлса-да, бутун жараён мақсади таҳсил олувчининг эҳтиёжини қондиришдан иборат бўлади.

Малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг билиш объекти педагогик ходисалар ва қонуниятлардир. Тингловчиларнинг таълим жараёнида олган билимларини мақсадга мувофиқ ўз педагогик фаолиятида қўлланиб, у асосда ўз иш жойида ўқув-тарбия жараёнини юқори савияда ташкил қилишга эришади.

Айнан шу жойда билишнинг амалий табиати ва билиш объектининг фаолият тури билан боғлиқлиги методологик аҳамият касб этади. Бу ерда объект ва субъект диалектикаси айнан шунда намоён бўлади. Шу билан бирга бу бирлик объект билиш манбаи, субъект эса билишни эгаллаш учун фаол фаолият кўрсатади. Субъектнинг билиш объектига бўлган фаоллик даражаси унинг бир қатор шахсий сифатлари (ўз ўрни ва бурчини англаганлиги) ва фаолият мотиви ҳамда билишида қўллайдиган воситалар сифати билан белгиланади.

Объект билан субъектнинг ўзаро таъсир диалектикаси яна шунда намоён бўладики, объектни ўрганиб, субъектнинг қизиқиши, маҳорат даражаси ўзгаради, бу эса ўз навбатида объектнинг ўзгаришига асос бўлади. Шундай қилиб, мақсадга қаратилган фаолиятни ўзгариш даражаси фаолиятнинг ўрганадиган объект хусусиятларига мос келишига боғлиқ бўлади. Объектни ўзгартириш (ўрганиш)

воситалари таркибида инсон интеллект даражаси муҳим ҳисобланади. Инсон интеллекти унинг маънавий бойлиги тарзида мўрт, ўлик материал эмас. Субъектнинг фаоллигида намоён бўлиб, фаолиятнинг мотивларини англашга ёрдам беради. Шу билан бирга инсон интеллекти бу маълум фаолият бўлиб, маълум қонуниятларга бўйсунди, деб ёзади Б.Г.Ананьев. Инсон фаолияти иерархик хусусиятга эга бўлиб, ўз навбатида маълум ҳаракат ва операциялардан таркиб топади. Агар билиш фаолияти шу залда қаралса, унда бу операциялар инсон интеллекти орқали амалга оширилади (29, 54).

Тингловчи (субъект) ўз интеллекти билан нафақат малака ошириш жараёнидаги ўқув жараёнини, балки мактабда ҳам ўзгартиради. У ўзининг мактабдаги асосий фаолияти билан МОИдаги вақтинчалик фаолияти ва тажрибаси ўртасида алоқа ўрнатади. Ўтмиш, талабалик йиллари тажрибасини ўқитувчилик тажрибаси ва МОИдаги ўқитиш билан таққослайди.

Билиш субъектининг шу тарзда ўзгариши унинг фаолияти мақсадини ҳам ўзгартиради. Шунга мувофиқ билиш воситалари ҳам ўзгариши керак. Инсоннинг ҳар бир интеллектуал даражаси, билими маълум мақсадни кўзлайди. Бунинг оқибатида билиш характери ҳам ўзгариб, янада чуқурроқ, мураккаброқ ва юқорироқ самарали бўлади. Шунда билиш объекти ва билувчи интеллекти даражасини билишда фойдаланадиган воситалар характерини белгилайди. Бу қонуният бизнинг тадқиқот объектимизга ҳам дахлдордир. Унинг методологик моҳияти шундаки, ҳозирги замон тараққиёт даражасига мос тингловчилар фаолиятини ташкил қилиш ва қўлланиладиган воситаларнинг бир-бирига мос бўлиши, таълим методлари, унинг мазмуни ва ташкил

қилиш шаклларига мутаносиб бўлиши зарур. Шунинг учун МОИда субъект-объект муносабатлари мактаб ва олийгоҳга қараганда бошқача бўлиши табиийдир. Ҳақиқатда ҳам ПҚТ ва МОда таълим жараёни анча юқори билиш даражасида бўлиб, фаолиятнинг характери ва мақсади билан белгиланади. Агар мактабда таълимнинг мақсади ўқувчиларга фан асосларини ўргатиш, уларни кўникма ва малакаларни ривожлантириш, уларни ҳаёт, меҳнатга тайёрлаш бўлса, олийгоҳда касб ўргатиш, ПҚТ ва МОда таълимнинг бош мақсади касбий педагогик фаолиятни ўзгартириш ва уни такомиллаштиришдир. Шунинг учун ПҚТ ва МОда субъект-объект муносабатлари бутунлай бошқача кечади.

Маълумки, билиш жараёнида субъект-объект муносабатларининг энг муҳим хусусияти унинг ижтимоий-тарихийлигидадир. ПҚТ ва МОда тингловчилар билиш фаолиятининг амалий табиати оқибатида доимий равишда билиш характери ва тингловчиларнинг ўқув жараёнига муносабати ўзгарувчан бўлади. Тингловчиларнинг нафақат ўрганиладиган объектга муносабати, балки уларни ўқитишнинг фойдали ёки фойдасизлиги, амалий йўналишига ҳам муносабатлари ўзгарувчан бўлади.

Таълим жараёни билиш фаолияти сифатида икки фаолият – ўқитиш ва ўқиш бирлигидан иборат бўлиб, унда ўзаро боғлиқликнинг моҳияти субъект ва объект ўзаро ўз муносабатларини, педагогик қонуниятларни билиш асосида тартибга солиниши лозим. Шунинг учун бу иккала фаолият ўзаро бирлиги субъект ва объект муносабатларида уларнинг интилишларининг бир-бирига мос келиши, ҳамда таълим жараёнида ўзаро таъсирини тақозо қилади. Аммо ўзаро муносабатларни тартибга солиш бу билан чегараланмайди. Бундай вазиятда субъектлар

ҳарактерларининг ўзаро мувофиқлигини таълим жараёни мақсадини субъект ва объект томонидан тушунишига ҳам боғлиқ. Ўзаро таъсирнинг бундай ҳолатида томонлар нисбатан ўзларига мустақил бўлиб, бир-бирларини бойитадилар. Икки фаолият (ўқитиш ва ўқиш)нинг бирлиги малака оширишда таълимнинг айнан дидактик томони бирлигини ҳам тақозо қилади, аммо ўзаро алоқадорлик муносабатлари уларнинг нисбатан мустақиллигини инкор қилмайди.

Малака ошириш жараёнида ўқиш ўқитувчи (тингловчи) мақомини ўзгартириб, уни педагогик фаолият субъектидан таълим объектига айлантириши, унинг билиш фаолияти ўқувчи (ўрнаниувчи) ҳарактер касб этади.

Таълим жараёнини гносеологик таҳлили ва малака ошириш тизимида билиш ва ўқитишни ўзаро қиёслаш уларнинг билиш фаолияти сифатида умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлаш имкониятини берди. Шундай қилиб, билиш жараёнисиз таълим ҳам бўлмайди. Таълим билиш бўлиб, инсоният тарихий тажрибасини ўрганишга асосланиб, махсус билиш методларини ташкилий шаклларида фойдаланиш асосида содир бўлади.

Ўқитиш бу сунъий ташкил этилган билиш фаолияти бўлиб, шахс –индивиддан психик ривожланишини уни ўраб олган оламнинг билинган қонуниятлари орқали тезлаштиришга йўналган. Шунинг учун таълим жараёни яхлит тизим сифатида ўз тузилишига эга бўлиб, унинг компонентлари билиш жараёнини тезлаштиришга хизмат қилиши зарур.

Бундан яна бир муҳим методологик принцип келиб чиқади. Танланадиган компонентлар таълим оловчиларнинг билиш имкониятлари, интеллектуал ривожланиш даражаси, ёш ва касбий хусусиятларига мос

келиши шарт. Агар таълим олувчиларнинг ҳар бир тоифасига мос таълимнинг ташкил қилиш ва унга мос ўқитиш компонентлари танласа, унинг натижаси юқори бўлади. Билишга эҳтиёж бўлмаса, ўрганиш жараёни ҳам бўлмайди. Шунинг учун билимларни ўрганиш жараёнини ташкил қилганда, таълим олувчиларда билишга қизиқишни уйғотиш зарур. Чунки ҳар доим шахснинг интеллектуал ривожини, «тўсиқ»ни (зиддиятни) енгиш ёки интеллектуал қийинчилик шароитида амалга ошади.

2.4. Ўқитувчининг педагогик фаолияти ҳамда унга бўлган педагогик талаблар

Ўқитувчи касб маҳоратини оширишни илмий-тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилиб шундай хулосага келган эдикки, касб маҳоратини оширишнинг бош мақсади ўқитувчи шахси ва фаолиятини такомиллаштириш ва шу асосда унда жамиятнинг таълим-тарбия сифатига ошиб бораётган талаби билан унинг шахсий тайёргарлиги ўртасида ўзаро муганосибликни шакллантиришдир. Мадомики шундай экан, педагог фаолиятини мазмуни ва унинг тузилишини илмий-назарий ҳамда амалий асосларини очиш ҳам муҳим масала ҳисобланади.

Ўқитувчи меҳнат фаолиятини такомиллаштириш унинг педагогик фаолияти тузилишига илмий асосланиши лозим. Инсон фаолияти ниҳоятда мураккаб ҳамда ижтимоий муҳимлиги учун уни ўрганиш кўп ижтимоий фанлар фалсафа, социология, психология, педагогика шуғулланади. Шу фанлар далиллари асосида инсон фаолиятига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Фаолият инсоннинг воқеликка бўлган фаол муносабатининг шундай шаклики, у орқали ўзи яшаб

турган олам билан реал алоқа ўрнатилади. Фаолият-шахс ҳисобланган ҳар бир кишининг ички психик ва ташқи жисмоний онгли, мақсадга қаратилган фаоллигидир.

Инсон фаолият воситасида табиатга, нарса ва ҳодисаларга, кишиларга таъсир кўрсатади. Фаолият давомидаги ҳаракатларда инсон ўз ички психик хусусиятларини ошкор қилиб амалга оширади. Шу жараёнда ташқи олам нарса ва ҳодисаларига нисбатан шахс сифатида, субъект тарзида, инсон эса ўз фаолиятида уларга нисбатан объект тарзида намоён бўлади. Фаолият билиш ва ирода билан боғлиқ бўлиб, уларга асосланади. Фаолият инсоннинг ички (психик) ва бошқа (жисмоний) онгли мақсадга қаратилган фаоллиги тарзида англаган мақсад орқали бошқарилади.

Юқорида айтганимиздек, фаолият кўп қиррали инсон онгли ҳаётининг ҳамма жабҳаларини қамраб олиши ёки турли хилда намоён бўлиши, турли фан намоёндаларининг уни ҳар томондан тадқиқ қилишларига асос бўлди. Фаолият назарияси билан философлар (Л.П.Буюева, М.С.Каган, Г.А.Спиркин), психологлар (А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, Б.Г.Ананьев, Н.Д.Левитов, Ф.Н.Гоноболин), педагоглар (И.А.Щербаков, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, Г.И.Щукина, Ю.Н.Кулюткин, Ж.Ф.Йўлдошев, К.З.Зарипов)лар шуғулланганлар. Булар фаолиятни ташкил қилишда инсоннинг мақсадли ҳаракати, асосан субъект ва объектнинг ўзаро таъсири тарикасида намоён бўлишини асосладилар. Фаолият эҳтиёж асосида ҳаракатланади. Инсон ўз эҳтиёжини кондиритиш учун мақсадли ҳаракат қилади.

Аmmo бизни тадқиқ қилаётган муаммо нуқтаи назаридан умуман фаолият назарияси эмас, балки кўпроқ педагогик фаолият қизиқтиради.

Педагогик фаолиятларни, айниқса, ўқитувчи фаолиятини тадқиқ қилишда Н.В.Кузьминанинг хизматлари каттадир. Унинг ишлари асосида ўқитувчи фаолиятининг тузилиши аниқланади. Унинг фикрига кўра фаолият кўпгина педагогик тошшириқларни ҳал қилиш жараёни ва шу асосда педагогик қийинчиликларни бартараф қилиш йўллари дир. Ўз тадқиқотлари (67; 68; 69) асосида Н.В.Кузьмина шундай умумназарий хулосага келадики, ўқитувчи фаолиятининг тузилиш унинг шахси тузилишига мос келади.

В.А.Сластенин (96) ўқитувчи шахсини ўрганиб, уни фаолияти билан яхлитликда шаклланишини таълим (яъни ўқиш даври) ва амалий фаолият белгиловчи рол ўйнашини аниқлади. Шу асосда ўқитувчи шахсининг модели – профессиограммаси (касбий ҳарактеристикаси) ишлаб чиқилди.

Хўш, педагогик фаолият нима? Педагогик фаолият деб, инсоният тўплаган билим, ижтимоий тажриба, маданий ва маънавий бойликларни ёш авлодга сингдириш, улар шахсини ривожлантириш ва жамиятда маълум ижтимоий вазифаларни бажаришга тайёрлашга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида турига айтилади, десак хато бўлмайди. Унинг мазмуни мақсадида намоён бўлади. Мақсад олдиндан кўзлаган натижани анланган образи бўлиб, инсон фаолияти унга эришишга қаратилади. Мақсад – ўз фаолиятининг мазмунини замон талабларига жавоб берадиган ташкил қилиш ва ёш авлод тарбиясини ислоҳот талаблари асосида англаб етиш даражаси ҳисобланса,

Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни таълим олувчиларнинг ривожланишини ва ижтимоий-маданий тажрибани ўзлаштиришларига қаратилган ўқув фаолиятларини ташкил қилишга ўз фаолияти мақсадини мувофиқлаштиришдир. Ўқитувчи ўз фаолиятини маълум воситалар ёрдамида амалга оширади. Унинг фаолиятининг воситалари илмий билим (назарий ва амалий), дарслик, ўқув қўлланмаларидаги билимларни ўқитиш воситалари орқали ўқувчиларни табиат ва жамият тараққиёт қонунларини англаб олишларини таъминлашдир. Ўқитувчи фаолиятининг мухтасар натижаси ўқувчиларнинг эгаллаган билимлари ва тарбияланганлик даражаси билан ўлчанади. Педагог фаолиятининг намоён бўлиш шакллари таълим ва тарбия ишларидир. Педагогик фаолиятни такомиллаштиришнинг зарурлигини тушуниш учун, энг аввало, унинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятини аниқлаш даркор. Ўқитувчи педагогик фаолиятининг ўзига хос хусусияти унинг объекти билан белгиланади. Педагог фаолиятининг объекти ривожланаётган ўқувчи шахсидир. Педагогик фаолият маҳсули бошқа одам психик қиёфасида, унинг билим, малака ва кўникмасида, ҳарактер хислатларида ўз ифодасини топади.

Ўзининг фаолияти жараёнида педагог кўпгина педагогик топшириқларни ечишига тўғри келади. Ҳар сафар бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўқувчи фаолиятининг ўтиши билан топшириқ яна бошқача тарзда пайдо бўлади. Чунки ўқувчиларга билим бериш доимимй равишда улар фаолиятининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши орқали амалга оширилади. Бунда педагог ўз фаолиятини ва ўқувчи фаолиятини ўзгартира, бошқара олиши муҳим.

Бундан ташқари педагогик фаолиятнинг яна бир муҳим хусусияти унинг билим бериш, ўргатиш

эканлигидадир. «Ўқув билув фаолияти, - деб ёзади Г.И.Шукина, - таълим жараёнини аниқ ҳарактерлайди: бу махсус фаолият бўлиб, жамият учун зарур, бу биргаликдаги фаолият, бола билан катталарнинг ҳамкорлик шакли, энг муҳими, унда билиш жараёни, ёш авлоднинг ижтимоийлашуви амалга оширилади» (108, 15-16). Шунинг учун ўқитувчи фаолиятининг тузилиши, мазмуни ва хусусиятларини билмасдан туриб, унинг касбий билими, малака ва кўникмаларини ҳамда шахсий сифатларини мақсадга қаратилган шакллантириш мумкин эмас. Бундан ташқари ўқитувчи фаолиятини ўрганишга шундай ёндашиш методологик жиҳатдан ҳам зарур. Педагог касби ва шахсига методологик ёндашиш педагогика фанининг ҳозирги тараққиёт босқичида фаолият ва шахс таҳлили нуқтаи назаридан қарашни тақозо қилади. Шу билан бирга биз танлаган тизимли ёндашув ҳам уни амалий, ҳам муқаррар эҳтиёжга айлантиради. Педагог фаолиятига шундай ёндашиш бу мураккаб ва жамият учун зарур бўлган ижтимоий касбнинг назарий ва амалий томонларини очиш имкониятини беради.

Биринчи президентимиз И.Каримов ўқитувчининг мураккаб ва шарафли касбини фахр билан таъкидлаб ёзади: «Тарбиячи-устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақлидроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак» (3, 371). Бу фикрларда кўраяпмизки, педагог шахсининг тарбиявий таъсирига алоҳида урғу берилган. Педагог касбининг моҳияти таълим ва тарбиявий таъсирларни яхлитликда касби ва шахси орқали амалга

оширишдир. Шунинг учун ўқитувчи касбини фаолият ва шахс жиҳатдан таҳлил қилиш муҳимдир. Бунда фаолият жиҳатдан ёндашиш касбий вазифаларини тушуниш учун асос бўлса, шахси жиҳатдан таҳлил эса, унинг таълим-тарбия учун зарур бўлган шахсий зарур сифатларини тушунишга хизмат қилади. Буларсиз ўқитувчи тўлиқ касбий вазифасини бажара олмайди. Педагогик тажриба ва педагогика, психология фанларининг ютуқлари шундай хулоса чиқаришга тўла асос бўла олади. Ёшларга таълим бериш, касб-ҳунар ўргатиш ўқитувчининг нафақат мактабда, балки ундан ташқаридаги қатор муассаса ва ташкилотлар, маҳалла, жамоатчилик билан ўқув юрти намоёндаси сифатида фаолият кўрсатишини талаб қилади. Бундай ижтимоий муносабатлар тизимида ўқитувчи ролида ўз мансаб лавозими талабини бажаради. Маълумки, таълим-тарбия, касб-ҳунар ўргатиш мураккаб жараёнида ўқитувчи якка ўзи эмас, балки бутун педагогик жамоа билан биргаликда ҳаракат қилади. Бунда у жамоа аъзоси сифатида намоён бўлиб, шу муносабат ва ҳаракатларини, яъни ўз ролини жамоа билан мувофиқлаштиради.

Н.В.Кузьмина ўқитувчи фаолиятининг тузилишини конструктив, ташкилотчилик, коммуникатив, гностик, режалаштириш, лойиҳалаштириш тарзида баён қилади ва фаолияти билан шахсий сифатлари бир-бирига тенг деб таъкидлайди. Амалда фаолият билан шахсий сифатлар бир-бирига тенг эмас. Шунинг учун ҳам биз уни қабул қилолмадик. Педагог кадрлар малака ошириши масалаларини кўп йиллар давомида тадқиқ қилган ва шу соҳада ҳам амалий фаолият билан шуғулланганимиз учун педагог фаолиятининг тузилишини қуйидагича тасниф қиламиз. Ўқитувчи фаолиятининг тузилиши қуйидагича: а)

ролли; б) функционал; в) бошқарув; г) рефлексив; д) тадқиқотчилик (шакл 2.5.1).

Ўқитувчи фаолиятининг ролли тузилиши уни таълим муассасасидаги ўрнини, муносабатини ифодалаб, ҳамкасблари ўртасидаги мавқе, иш жараёнида муносабатларда маълум позициясини билдиради. Ўқитувчининг фақат ҳамкасблари билан эмас, балки ўқувчилар билан муносабатларини ҳам ифодалайди. Ҳар бир педагог маълум жамоада фаолият кўрсатади. Унда раҳбар-директор, унинг ўринбосарлари ҳамда таълим тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ота-оналари билан ҳам муносабатда бўлади, яъни турли ҳолат ва муносабатларда турли ролларни бажаради.

Педагогнинг функционал фаолиятининг тузилиши ўзининг таълим тарбия, касб-ҳунар ўргатишда ўқувчиларга бевосита йўналганлиги билан ҳарактерланади. Ўқитувчининг функционал фаолияти тузилишини биринчилардан бўлиб Н.В.Кузьмина таклиф қилган эди. Шунга кўра ўқитувчи фаолияти тузилиши конструктив, ташкилотчилик, коммуникатив, лойиҳалаш ва гностик компонентлардан иборат бўлади. Булар етарли ўрганилган. Улардан лойиҳалаш анча кам ўрганилган. Шунинг унга қисқача тўхталамиз.

Лойиҳалаш компоненти унинг фаолиятида ўқув-тарбия касб-ҳунар ўргатиш шарт-шароити ёки истиқболини режалаштиришда намоён бўлади. Шу билан бирга қолган компонентларни ягона мақсадга йўналтира олиш вазифасини ҳам бажаради. Таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш, машғулотни эмоционал жиҳатдан таъминлаш каби талабларни лойиҳалаш ва амалга ошириш ҳам шу компонентнинг вазифасига киради.

Уқитувчи фаолияти амалиётда, яъни таълим-тарбия, касб-ҳунар ўргатишда унинг компонентлари яхлитликда намоён бўлади. Унинг мураккаб томони ҳам тузилишининг кўп қиррали, турли компонентдан иборат эканлигидадир.

Уқитувчи фаолиятининг бошқарув компонентининг моҳияти шундаки, таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар психик ривожланиши ва ҳолатини бошқариш ниҳоятда муҳимдир. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятларини тартибга солиш, мақсадга йўналтириш унинг натижасининг юқори бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари таълим жараёни субъект-объект даражадаги муносабатлардан иборат бўлади. Бунда ўқувчи таълим-тарбия жараёнининг бошқариш объекти сифатида ўқитувчи бошқариш субъекти тариқасида намоён бўлади. Таълим-тарбия, касбга ўргатишдаги жараён шиштирокчиларнинг муносабатлари ва роллари ўзгариб объект-субъект, субъект-объект каби, яъни маълум вазиятларда муносабатлари ўзгаради. Уқитувчининг ўқув-тарбия жараёнидаги бошқарувчилик роли ўзгарувчандир. Ўқиш моҳияти, таълим-тарбия, касб-ҳунар ўргатиш мақсад ва вазифаларга қараб ўзгаради. Ўқув-тарбия жараёнининг инсон меҳнат фаолиятининг бошқа турларидан фарқи мураккаблиги ва иккиёқламалигидир. Мана шу иккиёқламаликдаги ўқитувчи ва ўқувчи муносабати таълимда уларнинг ўрни, роли тарихий ҳарактерга эга. Узоқ вақтлар таълим жараёнида асосий фигура ўқитувчи, бошқариш рули унгагина боғлиқ, деб қаралиб келинди. Ҳозир таълим тубдан ислоҳ қилинаётган шароитда ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари (объект-субъект)нинг моҳияти ўзгарди. Жамиятимизда инсон энг юксак қадрият сифатида қаралаётган, ҳамма жабҳаларда инсон омили

ошаётган пайтда таълим жараёнини инсонпарварлаштириш муҳим бўлиб қолди. Шу билан бирга таълимнинг мақсади ўзгарди. Таълим ёшларни ўзгарувчан бозор муносабатларига, рақобатга тайёрлаши лозим. Бу талаб уларни мустақил мураккаб вазиятлардан чиқишга ўргатишни тақозо қилади. Бундай шароитда ўқув-тарбия жараёнидаги объект-субъект муносабатларининг моҳияти кескин ўзгариб ўқувчини фаол, билимни тайёр эмас, балки ўзининг билиши, мустақил ўрганиш ҳолатига қўйиши муҳим бўлмоқда. Шундай шароитда ўқитувчининг таълим жараёнидаги бошқарувчанлик роли ўқувчи шахсини фаоллаштиришда муҳим ўрин эгаллайди. Таълим жараёнидаги бошқарувчанликнинг моҳияти ҳам иккиёқламадир, яъни педагог, ҳам ўз фаолиятини, ҳам ўқувчилар фаолиятини бошқариш функциясини бир бутунликда амалга оширади. Бунда бошқаришнинг натижаси ҳар икки фаолиятнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш билан белгиланади.

Бу эса тартибга солишда (регуляцияда) ва назорат қилиш ўқувчи фаолиятини турли ўқув топшириқларини ечишга йўналтириш, тартибга солиш маҳоратини ўқитувчида шакланганлигидир. Назорат ва баҳолаш-ўқувчиларни ўқув топшириқларини ечиш жараёнининг натижаларини якуний баҳолаш, таҳлил қилиш, камчиликларни бартараф қилиш учун ўзгартиш киритиш каби ўқитувчи вазифасини ўз ичига олади.

Ўқитувчининг **рефлексив** фаолияти моҳияти шундан иборатки, қачон ўқитувчида ўзи-ўзини бошқариш механизмлари шакланган бўлса, ўқувчи фаолиятини рефлексив бошқариш муваффақиятли бўлиши мумкин. Бунда фаолиятининг йўналишини, мақсадини танлай олиш ва уни амалга ошириш йўл ва воситаларини ўз-ўзини

назорат асосида ташкил қила олиш муҳимдир. Инсон ижтимоий бошқарув ва назоратни ички эҳтиёж тариқасида қабул қилиб, унга ички «мен назоратчи» ва «мен бошқарувчи»лик ўртасида функционал боғланишлар тизими ҳосил бўлади (64, 22). Буларнинг ўзаро алоқадорлиги инсоннинг ўзини рефлексив акс этишга асосланади. Бунда шахс «мен назоратчи» субъекти тарзида намоён бўлиб, ўз ҳаракатларини ўзининг таҳлил объектига айлантиради ва ўзини-ўзи бошқарувчи тарзида бошқаради. Реал ўқув-тарбия жараёнида рефлексив бошқариш жараёнлари ўзаро яхлитликда намоён бўлади ва ўқитувчи фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин эгаллайди.

Шундай қилиб, ўқитувчи фаолиятининг рефлексив компоненти бир томондан ўқувчи шахсини рефлексив акс эттирса, иккинчи томондан ўзини-ўзи инъикос этишидир. Иккинчи хил қилиб айтганда ўқитувчининг ўқувчи ҳолатига кириши, уни тушуниш, унинг ўрнига ўзини қўя олиши асосида педагогик таъсир кўрсатиш тактикаси ва стратегиясини белгилаш. Шу асосда мустақил фикрловчи, фаол, ўзини идора қила оладиган комил шахсни шакллантириш вазифасини ўқитувчининг муваффақиятли ечишини осонлаштириш рефлексив компонентнинг вазифасидир.

Ўқитувчи фаолиятининг тадқиқотчилик компоненти етарли тадқиқ қилинмаган. Албатта, унинг кам ўрганилганлиги уни инкор қилиш учун асос бўла олмайди. Жамият қанча юксак ривожланса, унинг таълим-тарбия, сифат самарадорлигига талаби ошиб боради. Буни ҳозир ҳар қайсимиз таълим ислоҳотининг вазифаларини ечишда ўз амалий фаолиятимизда ҳис қилмоқдамиз. Ислоҳот қўйган мураккаб таълим-тарбия, касб-ҳунар ўргатиш

вазифалари ҳар бир ўқитувчини изланишга, тадқиқотчи бўлишга ундайди.

Таълим-тарбия, касб-ҳунар ўргатишни янги методологик асосда ташкил қилиш ўқув жараёнини фан билан, тадқиқот билан яқинлаштиради. Шу билан бирга ўқитувчидан илғор педагогик тажрибаларнинг моҳиятини тушуниш, уларни ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда ўз амалий фаолиятига қўллашни ҳам долзарб масалага айлантиради. Шу асосда ўз педагогик тажрибасини мунтазам таҳлил қилиш, ундаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш асосида ўзгартириш киритиш изланмасдан амалга ошмайди. Бунинг учун педагог ўқув-тарбия жараёнини ҳамда ўқувчилар шахсини мунтазам ўрганиб бориши лозим.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, юксак педагогик маҳоратга ўқитувчи ўша вақтда эришадики, қачон умумпедагогик ва методик тайёргарликни таълим-тарбияга ижодий ёндашиш, ўзининг касбий билим, кўникма ва малакаларини ўз фаолиятини доимий таҳлил қилиш билан қўшиб олиб бора олса. Таҳлилий фаолият МО мазмунини ташкил этар экан, тадқиқот, изланишсиз амалга ошмайди.

Педагогик маҳорат шаклланишининг дастлабки босқичи тадқиқотчилик, ишидан бошланади. Ўқитувчи фаолиятида тадқиқотчилик ғайритабiiий ҳол эмас, балки унинг касби ва шахсининг тақозосидир. Ўқитувчининг тадқиқотчилик фаолияти касб-ҳунар ўргатиш ва таълим-тарбиянинг назарий ва амалий муаммоларини ечиш калитидир.

Таълим жараёнини ўрганиш шуни кўрсатадики, ўқитувчида тадқиқотчилик кўникмаларини ўстириш ва уни фаолиятининг белгиловчи хусусиятига айлантириш

назария учун эмас, балки касбий зарурият сифатида бу сифатларни ўз ўқувчиларида ҳам шакллантириш муҳимдир. Таълим ислоҳоти мустақил фикрловчи, эркин, озод шахсни шакллантириш вазифасини зарурият тарзида қўйди. Ўқувчи ўқиш, шаклланиш даврида мустақилликка ўргатилмаса, келажак фаолиятида муваффақиятга эриша олмайди. Шу билан бирга ўқитувчи фаолияти таркибида тадқиқотчилик унинг маънавий ва касбий камолотининг асосидир. Тадқиқотчилик мураккаб ўқитувчи фаолиятини таҳлил қилишда, ундаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, педагогик қийинчиликларни бартараф қилиш воситаси ҳамдир. Шулардан келиб чиқиб, педагогик фаолият таркибида тадқиқотчиликни алоҳида компонент сифатида ажратиш илмий ва амалий жиҳатдан ўринлидир.

Ўқитувчи фаолиятидаги ҳар бир компонент ўз тузилиши ва хусусиятига эга. Аммо ўқитувчи педагогик фаолиятида улар ўзаро алоқадорликда амал қилади. Тасвирдаги айланалар бир-бирига чирмашганидек, улар худди тўлқинлар интерференциясидек (бир-бири устига тушиб кучайишидек) бир-бирини кучайтиради.


Ўқитувчи педагогик фаолиятининг тузилишини тадқиқ қилишни яқунлар эканмиз, таъкидлаганидек, таълим жараёни субъект-объект муносабатлари тарзида содир бўлишини қайд қилиш лозим. Шундан келиб чиқиб, ўқитувчи қанақа алоқаларга кириши унинг ўрнини ва ролини ҳамда фаолиятининг ҳарактер ва турини белгилайди.

Шундай қилиб, ўқитувчи фаолиятининг тузилишини таҳлил қилиш кўрсатдики, у мураккаб ва кўп қирралидир. Табиий равишда бу мураккаблик унинг касбий вазифаси ҳарактерига мосдир.

Агар биз малака ошириш муассасалари фаолиятига шу нуқтаи назардан қарасак аксарият ҳолларда ўқув жараёни ўқитувчи фаолиятини такомиллаштириш, ёки ўзгартириш, ҳеч бўлмаганда тузилиши ва таркибини ўрганишга эътибор берилмаслигини кўрамиз. Кўпчилик ҳолларда малака оширишда гностик фаолияти (билим бериши) билин чегараланадилар.

2.4.1 -шакл

ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТУЗИЛИШИ:



Ўқитувчи педагогик фаолиятининг тузилишини ва уни малака ошириш жараёнида такомиллаштириш ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш шуни кўрсатдики, бу масалага кам эътибор берилди. Ҳатто аксарият ҳолларда малака ошириш жараёнида педагогик фаолиятнинг умумий илмий масалалари, уни тузилишига эътибор ҳам берилмайди.

Назорат учун саволлар:

1. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини тадқиқ қилиш зарурияти нимада?
2. Узлуксиз таълим тизимини тавсифлаб беринг.
3. Узлуксиз таълим тизимида педагогларни ҚТ ва МО қандай вазифаларни бажаради?
4. Малака оширишдаги таълимнинг таҳлили нима учун зарур?
5. Педагоглар малака оширишдаги таълим ўқитишнинг бошқа шакллари билан фарқланади?
6. Ўқитувчи педагогик фаолияти тизилишини айтиб беринг.
7. Ўқитувчи педагогик фаолияти тузилишини ўрганиш нима учун керак?

УЧИНЧИ БОБ. ПЕДАГОГЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШХИС ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК -- ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

3.1. Ўқитувчи касбий маҳоратини такомиллаштиришда таълим жараёнининг муҳим талаблари

Таянч иборалар: касб, маҳорат, жараён, фаолият, таълим, кўникма, малака, мотив, асос, принцип, интеллект.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислохотининг асосий мақсади баркамол инсонни шакллантиришдир. Бу вазифани муваффақиятли ечиш ўқитувчининг касб маҳоратини шакллантириш масаласини педагогика фанининг муҳим назарий ва амалий муаммоси қилиб қўяди. Чунки мустақиллик комил инсонни шакллантиришни давлат сиёсатининг устувор масаласига айлантирди. Бу вазифани ҳар жиҳатдан баркамол инсон-тажрибали педагог амалга ошириши мумкин. Педагог инсон шахсини, маънавий дунёсини ўзгартириш учун унга педагогик ва шахсий таъсир кўрсата олишни мукаммал ўрганган бўлиши керак. Бу эса ундан юқори касбий маҳоратни талаб қилади.

Касбий маҳорат - бу моҳирона ўқув-тарбиянинг ҳамма шакллари ташкил қила олиш, уни мақсадга қаратиб шахсни баркамоллиги, дунёқараши, қобилиятини ривожлантиришга қарата олишдир.

«Педагогик маҳорат,- деб ёзган эди А.С.Макаренко,- такомиллаштирилиб, қарийб техника даражасига мукаммаллаштирилиши мумкин. Бунинг учун педагогик таъсир курсатишнинг кучли ва универсал воситаларига эга

бўлиш лозимки, қачонки бизнинг тарбияланувчига ҳар қандай салбий ёки кучли таъсирнинг пасайишига ёки йўқолишига йўл қўймаслик керак» (78, 91-92).

Бундай вазифани фақат моҳир педагог амалга ошириши мумкин. Ҳар қандай маҳорат каби касбий маҳорат ҳам фаолиятда намоён бўлади ва унда шаклланиб ривожланади. Аммо касбий маҳорат билан фаолият айнан бир нарса эмас. Педагогик фаолият ўзининг мураккаб тузилишига эга бўлганидек, унинг ҳосиласи бўлган касбий маҳорат ҳам мураккаб ва маълум шаклланиш жараёнининг маҳсулидир. Ижтимоий педагогик жараён сифатида касбий маҳорат ҳам ўз тузилишига ва шаклланиш босқичларига эга. Касбий педагогик маҳорат шаклланишининг бошланиши олий ўқув юрти ва тугалланиши ундан кейин ҳам давом этади.

Ҳар қандай маҳорат билим асосида шаклланади. Касбий педагогик маҳорат ҳам маълум билимлар пойдеворида шаклланиб ривожланади. Билим-кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳамда ўзлари ҳақидаги ҳосил қилган аниқ маълумотларидир. Ўз навбатида билим ижтимоий меҳнат ва тафаккур маҳсули бўлиб, мавжуд оламнинг объектив қонуний алоқаларини тил воситаси билан ифода қилади. Билим билиш билан узвий боғлиқ, унинг натижаси ва таркибий қисмидир. Инсоннинг билимлари илмий-техник, фан тараққиёти асосида доимо чуқурлашиб боради. Билим асосида инсон табиат ва жамият ривожланиш қонунларини ва ўзининг моҳиятини, касбининг сирларини эгаллаб олади. Ўз навбатида билим ҳам ўз тузилишига эга. У ўз таркибига кўникма ва малакаларни олади.

Кўникма-инсоннинг аввалги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш

қобилиятидир. Кўникманинг физиологик асоси бош мия ярим шарлари пўстлоғида ҳосил бўладиган мураккаб шартли рефлекслардир. Кўникма малака билан узвий боғлиқ. Лекин кўникма муайян ҳаракатларни бажаришда махсус машқларсиз ҳам шаклланиши мумкин. Бундай ҳолда кўникма унча мураккаб бўлмай, мавжуд билим ва малакага таянади. Масалан: велосипед ва автомобилни ҳайдаш кўникмасига мотоциклни бошқариш қонун-қоидалари ҳақидаги билимлар қўшилганда машқларсиз ҳам мотоциклни ҳайдаш кўникмаси пайдо бўлади. Кўникмалар асосида кишида маълум касб малакаси шаклланади.

Малака-муайян ҳаракатларни бажариш ва бошқариш жараёнларининг автоматлашишидир. Малаканинг физиологик асоси инсонда шакланган одатлар, яъни динамик стереотип, бош мия катта ярим шарлари пўстлоғидаги нерв боғланишлари тизими. Инсоннинг ҳар қандай фаолияти турли даражада шакланган малакалардан иборат бўлади. Малакалар машқ қилиш натижасида таркиб топади.

Малакалар инсон фаолиятидаги ўрнига нисбатан умум меҳнат, умум ишлаб чиқариш, спорт ва махсус малакаларга бўлинади. Умум меҳнат малакаларига режалаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва ўз-ўзини назорат қилиш киради. Бу малакалар фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилади.

Умум ишлаб чиқариш малакаларига ишлаб чиқариш фаолиятининг турли шаклларида керакли ўлчаш, ҳисоблаш, график тузиш, йиғиш, ишлов бериш, монтаж, тажриба, синов, танлаш киради. Спорт малакаларига-жисмоний тарбия ва спорт соҳасига даҳдор инсон организмнинг руҳий, жисмоний, биологик хусусиятлари билан боғлиқ машқларни бажариш малакалари киради.

Махсус малакаларга маълум касбга доир меҳнат операцияларини бажариш киради. Масалан, кесиш, қирқиш ва ҳ.к.. Кўрсатилган малакалар ўзаро боғлиқликда, машқлар ва назарий билим асосида шаклланади.

Инсон фаолиятида малакаларнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритар эканмиз, бизни педагогик маҳорат асосини ташкил қилувчи малакалар кўпроқ қизиқтиради. Шу нарсани алоҳида қайд қилиш керакки, педагогик малакаларнинг моҳияти, уларнинг кўникмалар билан ўзаро таъсири масалалари ҳалигача педагогика ва психологияда тўлиқ ўрганилган эмас.

Педагогик малакаларнинг шаклланиши масаласи билан рус олимларидан Н.В.Кузьмина, О.А.Абдулина, В.А.Сластенин, К.К.Платоновлар шуғулланганлар. Уларнинг ҳар қайсиси малакаларга ўз илмий қизиқиши нуқтаи назаридан ёндошганлар. Уларнинг илмий қарашларида педагогик фаолиятда кўникма ва малакаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоҳида хусусиятлари ҳақида ягона бир қараш шаклланган эмас.

Республикамиз олимларидан мазкур муаммо билан Ж.Ғ.Йўлдошев, Р.Х.Жўраев, К.Давлатов, Н.Шодиев, К.Ш.Мирсаидов, А.Р.Хўжабоев, О.Абдуқуддусов, Р.К.Чориев, Б.С.Нуриддиновлар шуғулланганлар. Булар асосан касб-таълими ўқитувчилари кўникма ва малакаларини шаклланиш жараёнларининг турли назарий ва амалий томонларини тадқиқ қилганлар. Шунга қарамай, педагогик фаолиятда кўникма ва малакаларнинг шаклланишининг яхлит бир назарияси ҳалигача яратилган эмас.

Таълим ислоҳоти талабларини ҳаётга муваффақият билан тадбиқ этиш эҳтиёжи шундай назарияни муҳим қилиб қўймоқда. Шунини қайд қилиш керакки, олимлар

ўртасида педагогик кўникма ва малакаларини тавсифлаш ва таърифлашда ҳам бирлик йўқ. Чунончи К.К.Платонов малака - бу инсоннинг қандайдир фаолият ёки ҳаракатни аввал эгаллаган билим ва кўникмалари асосида янги шароитда бажариш қобилияти деб қайд қилади(87). Бу таъриф ҳам тўлиқ бўла олмайди. Чунки педагогик кўникма ва малакаларнинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни унинг педагогик маҳоратини юқори даражада бўлишини таъминлашдир. Касбий малакалар ривожланиб юқори педагогик маҳоратнинг шаклланиш пойдевори бўлиши лозим. Педагогик фаолият таркибида педагогик ҳаракат муҳим ҳисобланади. Ҳаракатлар педагогик машқлар воситасида малакага айланиб, педагогик вазифаларни ечишни осонлаштиради. Демак педагогик малакалар касбий маҳорат асосини ташкил этади.

Шундан келиб чиқиб, Б.С.Нуриддинов, О.А.Абдуқуддусовлар касбий педагогик маҳорат-бир томондан, шахснинг жами хислат ва фазилатларидир, ҳар қандай фазилат каби касбий маҳорат ҳам фаолият кўрсатишда шаклланади, деб эътироф этадилар. Иккинчидан, у фаолият натижаси ҳисобланади. Педагогнинг касбий маҳорати унинг фуқаролик бурчи, етуклиги ва шу кабилар билан боғлиқ шахсий фаолият моҳиятининг умумлашган кўрсаткичдир (75, 35). Шу асосида улар касбий таълим ўқитувчилари малакасини ошириш мазмунини ва методикасини қуйидаги йўналишларда тадқиқ этишни тавсия қиладилар. Мақсадлар, вазифалар, тамойиллар, шакллар, методлар, воситалар ташкил этишдан иборат ташкилий-педагогик асосда.

Педагогларимиздан У.Д.Хидиров, К.Ш.Мирсаидов, Р.К.Чориевлар касбий маҳорат асосини малака тавсифи

белгилашини қайд қилиб, у мутахассис билими ҳамда касбий савиясига қўйиладиган асосий талаблар мужасамлашган норматив хужжатдир, деб таъкидлайдилар. Унда мутахассис у ёки бу касб фаолияти доирасидаги ишларни онгли ва тўғри бажарилиши учун эгаллаши зарур бўлган билимлар ўз аксини топади (100). Ж.Ғ.Йўлдошевнинг фикрича, зикр қилинган ўқув, илм ва ақл беҳисоб меҳнат, машқ қилиш натижасида вужудга келади. Буни илмий тилда малака дейилади. Инсон яхши меҳнат қилишни, меҳнатнинг яхши самара беришини, меҳнат натижасининг яхши сифатлигига эришишни истар экан, унга малака керак (52, 69).

Малака машқ қилиш, ўқув, билим, кўникма ва ақл ҳосиласидир.

Ўқитиш жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малака доим такрорланиб келадиган меҳнат - машқ қилиш натижасида вужудга келади. Буни илмий тилда илм дейилади.

Илм - машқ қилиш, билим, кўникма ва малака ҳосиласидир.

Педагогик малакаларнинг маҳоратга айланиши кўп босқичли жараёндир. Энг авалло, улар учун умумий бўлган шаклланиш босқичларини қараб чиқайлик. Малаканинг ҳосил бўлиш жараёнини уч босқичга ажратиш мумкин: анализ, синтез ва автоматлашиш.

Малака ошириш ҳам инсон ҳаёти ва турмушида муҳим аҳамиятга эга. Малака таълим-тарбия беришда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчининг малакасини ошириш деганда энг аввало унинг билим доирасини кенгайтириш ва замонавий таълим технологиялари асосида дарс ўтиш методикасини такомиллаштириш ва чуқурлаштиришни назарда тутиш

керак. Бу зарурий вазифаларни ўқитувчилар турли усуллар билан амалга оширишлари мумкин. Масалан: ўз устида мустақил ишлайдилар, методик бирлашмаларда фаол иштирок этадилар, малака ошириш институтларида фан асослари бўйича маърузалар тинглаб, амалиётчилар раҳбарлигида амалий машғулотлар ўтказадилар. Педагогларнинг тинмай турли йўллар билан малака оширишлари ва амалий фаолиятлари оқибатида юқори маҳоратга эришадилар.

Педагогик маҳорат-педагогик билимлар, фаҳм-фаросат билан бирга педагогик техника соҳасидаги малакаларни ҳам ўз ичига оладики, унинг воситасида таълим-тарбияда оз куч сарфлаб, кўпроқ натижага эришиш мумкин бўлади.

Малака педагогик воситаларни танлаш уларнинг таълим-тарбия мақсадларига мувофиқлиги билан белгиланади. Мақсад ўзига хос ички йўл кўрсаткич сифатида педагогик фаолиятни ечилиши лозим бўлган вазифага йўналтиради.

Таълим-тарбия мақсадлари, воситалар ва натижалар ўртасида, шунингдек ўқувчилар ва ўқитувчилар таффақури, мотивлари ўртасида гоҳат мурақаб боғлиқлик мавжуд. Бунда педагогик воситалар педагогик мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади. Восита мақсад билан натижа ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади. Буларнинг ўзаро муносабати ва салоҳиятини доимо таҳлил қилиб бориш лозим. Чунки таълимда универсал воситалар йўқ.

Ўқитувчи нафақат ўзининг маҳорати ёки малакасининг шаклланиши ҳақида ўйлаши, балки ўқувчиларда ҳам мукамал малакалар шаклланишини таъминлаши лозим.

Кўникма ва малакалар доимо ривожланишда бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўладилар. Фаолият давомида янги кўникмани ўзлаштириш осон ёки қийин бўлиши ҳамда унинг аввалги шакланган кўникмалар билан ўзаро алоқаси кўникмаларнинг тадбиқ этилиши деб аталади. Улар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Кўникманинг салбий тадбиқ этилиши шундай ҳолда учрайдики, унда маълум бир ҳаракатни бажаришда кўникмага эга бўлган киши уни бошқа йўл билан бажаради. Масалан, бошқа станокга ўтиб ишлан, ҳайдовчи бошқа машинани ҳайдаши ва ҳ.к. Кўникмаларни ижобий тадбиқ этишда киши янги ва ўхшаш кўникмаларни тезда эгаллаб олади. Масалан: пичоқ билан кесиш кўникмаси силлиқлашдаги кўникмани ҳосил бўлишига ёрдам беради. Ҳар қандай фаолиятда ҳам кўникмаларни малакага айланиши ниҳоятда мураккаб ва қийин бўлиб, ақлий, руҳий ва амалий ҳаракатлар тарзида амалий фаолиятда шаклланади. Шунинг учун ўқувчиларга ҳар бир машғулот давомида шундай усул ва иш ҳаракатларини танлаш керакки, улар ёрдамида ўрганилган билимлар кўникмадан малакага айланишига замин ҳозирласин. Бунинг оқибатида кўникма ва малакалар касбий маҳоратни шаклланиш пиллапояларига айлансин. Чунки маҳорат касбий малакалар ривожининг юқори даражаси сифатида таълимнинг мутлоқ вазифасидир. **МАҲОРАТ** – бу мураккаб ишни тез, аниқ, сифатли бажариш ва юқори меҳнат унумдорлигига қийинчиликсиз эришиш. Ўз навбатида малакаларнинг ритмик амал қилиши ва фаолиятда тўла ишонч билан ўзини намоён қилишдир.

Инсоннинг умуман маҳоратидан педагогик маҳоратнинг ўзига хос томонлари билан фарқлаш керак.

Касбий маҳоратни ўқитувчи шахсининг сифатларидан ажратиш керак эмас. Бу сифатларни унинг-малакасидан эмас, балки унинг шахсий сифатлари ва ҳаётий позициясидан излаш лозим. Фикримизча, айнан шу сифатлар педагогнинг ижодий ва муваффақиятли ишлашини таъминлайди. Ўқитувчи педагогик маҳоратининг пойдевори унинг умум маданияти ва маънавияти ташкил этади. Улар ўртасида боғланиш ўзига хос равишда шунда намоён бўладики, умум-маданият педагогик жараён шароитида унинг самарадорлигига кучли таъсир кўрсатади. Ўқитувчи педагогик маҳоратини талқин қилишда икки хил йўналиш мавжуд. Булардан бири функционал (Н.В.Кузьмина), иккинчиси-ўқитувчи шахсий ва фаолияти хусусиятларини (А.И.Щербаков, Ж.Ғ.Йўлдошев, К.Зарипов) инобатга олишдир. Бунда функционал ёндашиш билим, кўникма ва малакалар белгиловчи, деб шахсий сифатларни эътиборсиз қолдиради. Ўқитувчи билими билан бирга шахсий сифатлари ҳам муҳим ҳисобланади. Ўқувчиларда билимларни улар шахсини шаклланиш воситасига айлантиришда ўқитувчи ахлоқий, шахсий сифатлари, ибрат-намунаси, умуммаданияти муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун, фикримизча, ҳар иккала ёндошувни яхлитликда қараш муҳимдир. Педагогик маҳоратнинг моҳияти, мазмуни, таркибини, шаклланиш босқичларини талқин қилишда педагоглар ўртасида умумий яхлит бир қараш шакланган эмас. Уни талқин қилишда турлича қарашлар мавжуд. Масалан: А.И.Щербаков педагогик маҳорат - бу ўқитувчининг илмий билимлари, кўникма ва малакалари билан услубий санъати ва шахсий сифатларининг ўзаро уйғунлашуви, деб қарайди (94, 119).

В.А.Сластенин педагогик маҳорат назарий билимлар ва уларга асосланган малакалар бўлиб, унинг бош объекти ва мазмуни барча ўқитувчиларга умумийдир, дейди. У фикрини давом эттириб педагогик маҳорат бу шахснинг педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгилайдиган шахсий фазилатлари эканлигини таъкидлайди (94,70). Н.В.Кузьмина педагогик маҳорат-эгалланган билимлар ва малакалар асосида маълум фаолият турларини ўзгарувчан шароитда бажариш қобилитидир деб қарайди (66, 28). Ўз тадқиқотлари асосида педагогик фаолиятни (маҳоратни) 5 даражасини мавжудлигини кўрсатади. Чунончи, 1) паст даража – репродуктив фаолиятининг бу даражасида ўқитувчи ўзи билган билимларни тайёр ҳолда ўқувчиларга гапириб беради; 2) кам унумли – ўқитувчи ўз билимларини ўқувчилар талабига мувофиқлаштира олади; 3) ўртача даража – локал моделлаштирувчи. Бунда ўқитувчи фаннинг бўлимлари бўйича ўқувчиларга билимларни ўргатиш стратегиясини билади. Педагогик мақсадни амалга ошириш учун зарур натижаларни англайди ва ўқувчилар ўқув-билув фаолиятини кетма-кет шунга қарата олади; 4) билимларни тизимли – моделлаштирувчи. Бунда ўқитувчи бутун фан бўйича ўқувчиларга керакли билимларни тизимли шакллантириш стратегиясига эга. Бу унумли даража; 5) ўқувчилар хулқи ва фаолиятини тизимли – моделлаштирувчи. Бунда ўқитувчи ўз фанини ўқувчиларга чуқур етказди ва билимларни унинг эҳтиёжига, ўз-ўзини тарбиялаш воситасига айлантира олиш стратегиясига эга. Бу юқори унумли даража ҳисобланади (66, 96).

Педагогик маҳорат худди таълим - тарбиядек ижтимоий-тарихий ҳарактерга эга. Унинг мазмуни,

мақсади таркиби фан техника, маданият, педагогика ва психология фанларининг ривожланиш даражасига қараб ўзгаради. Айниқса, ҳозирги вақтда ЯПТ ва ИТлар таълим-тарбия жараёнига кенг кириб бориши педагогик маҳорат таркибига ўз таъсирини ўтказади.

Хўш педагогик маҳорат нима?

Педагогик маҳорат-педагогик фаолият ривожланишининг, педагогик технологияни эгаллашнинг юқори даражасини ифодалаб, педагог шахси ва тажрибаси ҳамда фуқаролик позициясининг уйғунлигидан иборат. Ёки уни қисқача қилиб, педагогик жараённинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган шахсий сифатлар ва касбий уйғунлик, дейиш ҳам мумкин. Педагогик маҳорат фаолиятда намоён бўлади, аммо маҳорат ва фаолият бир бирига тенг эмас. У махсус умумлашган малакаларнинг юқори ривожланиши билан белгиланади. Шу билан бирга ўқитувчи шахсининг моҳияти унинг ҳаётий позицияси ўз фаолиятини юқори даражада бошқара олишидадир. Педагогик фаолият мақсадини жамият белгилайди. Ўқитувчи ўз меҳнатининг кўлами, йўналишини, мақсадини ўзича белгилай олмайди. Бу жамият томонидан ижтимоий буюртма сифатида белгилангандир.

Ўқитувчи ўз фаолиятининг мақсадини педагогик шароитлар билан мувофиқлаштириши асосида жамият топшириғини педагогик вазифалар тарзида амалга ошириши керак. Бунда педагогик мақсадлар ижтимоий жиҳатдан белгиланиб, улар ўқитувчи фаолияти орқали амалга ошади. Аммо ўқитувчи жамият топшириғини тўғридан-тўғри ўз фаолияти билангина эмас, балки бошқа фаолият - ўқувчи фаолиятини бошқариш орқали амалга оширади. Бунга ўқитувчи фаолиятининг мақсади ўқувчи фаолиятининг мақсадига ҳам айланиши керак. Ўқитувчи

педагогик фаолиятининг мақсадини белгилашида унинг шахсининг хусусияти жамият талабини ўзининг педагогик позицияси билан ўзаро мувофиқлиги муҳим роль ўйнайди. Бунинг мураккаблиги шундаки, ўқитувчи жамият талабини ўз фаолияти ва ўқувчи шахси, унинг қизиқишларидан келиб чиқиб, ўқув мақсадларига айлантира олиши зарур. Педагогик маҳорат мураккаб тузилишга эга бўлган тизимдир. У ўз таркибига ўқитувчи шахсининг комплекс хусусиятларини олиб, ўз касбий фаолиятини юқори даражада ўзи ташкил қила олишидир. Унинг таркибига кирувчи шахсий сифатлар сирасига-ўқитувчи фаолиятининг гуманистик йўналиши, унинг касбий билимлари, педагогик қобилияти ва педагогик техника киради. Буларни изоҳлайдиган бўлсак, энг аввало педагогик маҳорат ўқитувчи шахси таркибида ўзини ташкил қила оладиган тизим бўлиб, унинг асосини гуманистик йўналиш ташкил этади.

Бу йўналиш ўқитувчи шахси ва фаолиятини ижтимоий талаб-мустақиллик мафкураси асосида педагогик жараённи ташкил этишни тақозо қилади. Педагогик маҳоратнинг кўлами ва ривожланишининг асосини ўқитувчи касбий билимлари ташкил этади.

Йўналганлик билан касбий билим ўқитувчи фаолиятининг скелетини, юқори профессионализмни ташкил этиб, ўз-ўзини яхлит ташкил этишни таъминайди. Педагогик қобилият эса маҳоратни эгаллаш йўллари сифатида уни тез такомиллашувини таъминлайди. Педагогик маҳорат таркибида педагогик техника эса билим ва қобилиятга асосланиб таъсир воситаларини мақсад билан омукта қилиб, фаолият таркибини ва ўзини такомиллаштиради. Шундай қилиб, педагогик маҳорат таркибига кирувчи ҳар тўртала компонент ҳам ўзаро

диалектик боғлиқликда бўлиб, улар ривожланишда бўлади. Маҳоратнинг ўз-ўзидан ривожланиш асосини билим ва йўналганлик, унинг муваффақиятини қобилият, уларнинг яхлитлиги, боғлиқлигини йўналиш ҳамда юқори натижасини педагогик техника белгилайди. Схематик тарзда педагогик маҳоратни қуйидагича тасвирлаш мумкин (шакл 3.1.1.).

Ҳар бир ўқитувчи ўз касбий маҳоратини таълим жараёнида тўлақонли намойиш қилиши учун энг аввало ўзи дарс берадиган фандан чуқур билимлар билан қуролланган бўлиши зарур ва яна бир асосий омил-ҳаётий тажрибага эга бўлиши, ҳамда таълим олувчининг муаммоларини ҳал этиб, уларнинг таълим олишига йўналтириши лозим. Ўқитувчи ўз фанини чуқур билиш билан бир қаторда педагогик технологияни ҳам чуқур ўзлаштирган бўлиши зарур деб ҳисоблаймиз.

3.2. Ўқитувчилар фаолиятини ташхис қилиш жараёнида педагогларнинг ёш интеллектуал даражасини ҳисобга олишнинг аҳамияти

Кўпгина педагогик адабиётларда таълим жараёни иккиёқлама-ўқитиш ва ўқиш сифатида талқин қилиниб, таълим-инсоннинг билиш фаолияти эканлиги эътибордан четда қолади.

Таълимнинг табиатини ва моҳиятини гносеологик таҳлил қилиш унинг моҳияти, принциплари ва методлари ўртасидаги боғланишни очиш имкониятини беради. Таълим жараёнини инсоннинг ривожланишининг умумий қонуниятлари ва билиш қонуниятлари асосида талқин қилишга биринчи бўлиб Я.А.Коменский уринди. Ўзининг «Буюк дидактика» асарида таълимнинг табиатга мослик

моделини асослаб, унинг жараён сифатида моҳияти, тузилиши, принцип ва методлари табиат қонунларига боғлиқлигини таъкидлаган эди.

Инсон ўз фаолиятида табиатга тақлид қилади. Табиат ҳам маълум нарсага шакл беришдан олдин материал тайёрлайди. Қўш уя қуради ва тухум қўйиб, уни босиб жўжа чиқаради, Ақлли архитектор бинони қуришдан олдин керакли қурилиш материалларини тайёрлайди. Чунки шундай қилмаса, материал етишмаслигидан қурилиш тўхтаб қолади. Худди шундай рассом маълум нарсани чизишдан олдин полотно тайёрлаб, уни рамага тортади, маълум фон бериб, бўёқларни тайёрлаб чизишга киришади,-деб кўрсатади Я.А.Коменский, Таълим жараёни ҳам инсон фаолиятининг шаклларида бири сифатида шу принциплар асосида амалга оширилади. Шу асосда Коменский ўзининг дидактик қоидаларини асосланган эди. Келтирилган юқоридаги фикрдан келиб чиқиб, таълимни такомиллаштириш учун китоб ва ўқув қуроқларини тайёрлаш, ўрганиш қоидаларини ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади.

Ҳозирги замон таълим назарияси нуқтаи назаридан Я.А.Коменский таълимоти гарчи камчиликлардан ҳоли бўлмасада, педагогик фикр тарихида айнан у таълим жараёнининг моҳиятини анча чуқур тушунишга эришади. Энг муҳими Коменский таълим дунёнинг умумий тараққиёт қонунларидан келиб чиқишини тушунди. Шунинг учун педагогик назария табиат ва инсоннинг умумий ривожланиш қонунларидан келиб чиқиши кераклигини илмий асослашга уринди (61).

Таълим жараёнини илмий, қатъий дидактик қоидалар асосида ташкил қилишда буюк рус педагоги К.Д.Ушинскийнинг ҳам хизматлари катта. У таълим

жараёнини билиш жараёнлари ва фаолияти билан махсус таҳлил қилиб, таълимнинг приципиал асосларини аниқлашга киришади. К.Д.Ушинский ўзининг фундаментал уч томлик «Инсон тарбия предмети сифатида» асарида таълимнинг табиати ва моҳиятининг асосларини аниқлашга уринди. Унинг психологик қарашларида таълим жараёнининг гносеологик асосларини излашга ёндашиш ётади. Ушинский педагогикасидаги билиш назарияси асосини унинг психологик қарашлари ташкил этади. Унинг таълимотида психология педагогик назариянинг илмий асосини ташкил этади. К.Д.Ушинский педагогик тизимида таълимни ва билиш жараёнларини психологик асослаш белгиловчи ҳисобланади. Таълим жараёни асосида инсон психик жараёнлари ётиб, улар орқали ўқувчини билиш фаолиятининг педагогик қонуниятларини очиш муҳим ҳисобланади. У психология фани таълимотида нафақат таълим жараёнининг моҳиятини, балки уни бола шахсининг хусусиятлари асосида таълим-тарбияни ташкил этишни асослаш мумкинлигини таъкидлайди (104).

Бола шахсининг хусусиятларини билмасдан туриб, таълим мазмуни, мақсад ва шакллари, билиш жараёнини ташкил қилиш мумкин эмаслиги психологик жиҳатдан асосланиб, таълим принциплари илмий талқин қилинади. Бу келтирилган фикр таълим жараёнининг умумий қонуниятидир. Умумий қонуният дейишимизнинг сабаби фақат умумтаълим мактабида ва касб-хунар коллежлари, академик лицей ўқувчиларини ёки олий таълимга тегишли бўлмай, балки узлуксиз таълимнинг ҳамма бўғинларида, чунончи педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ҳам ўзига хос амал қилади. Шунинг учун биз мазкур

параграфда имкониятимиз доирасида педагог кадрлар малака ошириш жараёнида уларнинг ёш хусусиятлари ва интеллектуал ривожланишининг касб маҳоратини узлуксиз ва мунтазам оширишни ташкил қилишга таъсирини таҳлил қиламиз.

Педагогик кадрлар касбий маҳоратини ошириш жараёнини ва унинг субъекти ўқитувчини илмий таҳлил қилиш турли, аммо бир-бирига боғлиқ даражаларда амалга оширилиши лозим. Чунончи:

1. Шахсий даражада. Шахсий ёндашиш педагоглар касбий маҳоратини оширишига ёш жиҳатдан тадқиқ қилганда уларнинг ўқув ва билув фаолиятини, яшаш, ҳаётий турмуш тарзи асосида қараб, уларнинг қизиқиши, ҳаёт режалари, инсоний қадриятлар асосида малака оширишнинг мазмунини, ижодий ривожланиш имкониятини чуқур англашга асосланиши лозим.

2. Фаолият-ролли даражада. Бу малака ошириш субъектини аниқроқ ўрганиш. Бунда илмий таҳлилнинг предмети малака оширувчининг ўқув фаолияти унинг ҳаётининг бир шакли сифатида қаралиб, ўқув фаолиятининг тузилиши, унинг мақсади, мотивлари ҳамда уни амалга ошириш восита, усул ва шакллари, натижаси асос қилиб олинади.

3. Жараён даражасида (процессуал). Бунда малака ошириш жараёнини амалга оширишга иштирок этувчи психик жараёнлар, у ва улар воситасида амалга ошириладиган ўқув-билув мақсадлари. Булар педагогларнинг психо- физиологик хусусиятлари - ёш, интеллектуал даражаси ва ўқув материални идрок қилиш, тушуниш, фаҳмлаш, эсда сақлаш ва қайта тиклаш жараёнларидир (72, 24).

Педагогика фанининг ҳозирги тараққиёт босқичида таълимнинг маълум босқичини тугатиб, дипломга эга бўлган, катта ёшдаги кишиларни, шу жумладан педагог кадрларни касб маҳоратини бошириш жараёнида билимларни эгаллаш фаолиятлари билан боғлиқ жараёнлар етарли ўрганилмаган.

Катта ёшдаги кишиларнинг билим олиши ва шахсининг ривожланиш масалаларини экспериментал асосда ўрганиш машҳур психолог олим Б.Г.Ананьев томонидан ташкил этилган эди. Бунда олим катталарнинг индивидуал ривожланиши ёши билан боғлиқ бўлиб, уларда ўзгаришлар психофизиологик ҳарактерга эга бўлиб, диққати, хотираси, тафаккурини ўрганишга асосланган эди.

Шу тадқиқотлар асосида аниқландики, киши организмнинг умумий жисмоний етилишида (яъни, 18 – 20 ёшда) физиологик имкониятлар ривожланиши ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилади ва кишида меҳнат қилиш қобилияти кучаяди. Шу даврда юқори психик функциялар (ихтиёрсиз диққат, хотира, тафаккур) ҳам ўзининг ривожланишининг юқори чўққисига чиқади. Кишидаги психофизиологик хусусиятларнинг ривожланиши уни билимни, жумладан касбий малакаларни ўзлаштиришга батамом тайёрлиги билан ҳарактерланади. Б.Г.Ананьев кишининг юқори билим эгаллаш имконияти унинг ахборотларни қабул қилиш, тушуниш, хотирада мустаҳкамлаш билан бирга уларни турли касбий вазифаларни ечишга қўллай олиш билан белгиланишини таъкидлаган эди.

Шахснинг катта ёшдаги ривожланиш даврида қизик ички ўзгариш қонуниятлари юз беради. Чунончи, турли психик функцияларнинг ривожланишида нотекис ва вақт жиҳатидан бир хил бўлмаган гетерохронли ривожланиш

юз беради. Бу вақтда айрим ҳолларда тез хотира ривожланса, бошқа ҳолда тафаккур ривожланади. Шу билан бирга ёш ўтиши билан турли функциялар ўртасида ўзаро боғлиқлик, мувофиқлик, интегратив ҳолатлар асосида яхлит ансамбль ҳолида ишлаш уларнинг айримларидаги етишмовчиликни бошқасининг қоплаши – хотира пасайишини тафаккур кучайиши билан юқори ривожланишга эришилади. «Мамлакатимизнинг миллий асосда шаклланаётган узлуксиз таълим тизимида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим тури жиҳатидан касбий таълим бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусият энг аввало унинг катталар таълими эканлигидадир. Катталар таълими касбий таълим сифатида ўқиб маълумот олган, таълим-тарбия, ёшларга касб-кор ўргатаётган шахс сифатида жамиятда маълум ижтимоий мавқега эга бўлган кишилардан ташкил топганлиги билан ҳарактерланади», - деб ёзади А.Каримов (64, 44).

Шунинг учун қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг мақсади, мазмуни, вазифалари ҳамда шарт-шароитларини белгилашда таълим оловчи-тингловчиларнинг шу хусусиятларидан келиб чиқмоқ лозим.

Тингловчиларнинг билиш имкониятларини инобатга олиш шунинг учун ҳам муҳимки, таълим мазмунига қандай компонентларни, уларни қайси кетма-кетликда бериш – мутахассис шахсининг шаклланиши ва уни зарур назарий ва амалий билим, кўникма ва малакалар билан қуроолантиришда муҳим ҳисобланади. Педагогик кадрлар касб маҳоратини ошириш жараёнини илмий ташкил қилиш улар психик ва психофизиологик ривожланиш қонуниятларини билиш асосида амалга оширилиши мумкин. Педагогик кадрларнинг ёши билан боғлиқ

ривожланиш қонуниятларини уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини билмасдан ўрганиш мумкин эмас. Уларнинг индивидуал ривожланишининг моҳиятини ёши билан боғлиқ умумий қонуниятларни очиш орқали аниқлаш мумкин. Педагогик кадрлар касб маҳоратини ошириш жараёнларини уларнинг ёши, интеллектуал даражаси ва психик ривожланиши билан яхлитликда ўрганишни илмий ишимизга асос қилиб олган тизимли ёндашув ҳам тақозо қилади. Тизимли ёндашув илмий билиш методи сифатида яхлит тизимнинг хусусиятини ва унинг ички тузилишини аниқлаш имкониятларини беради. Шу асосда ўрганилаётган соҳанинг умумий алоқадорлигини, боғланишларини аниқлаш учун асос бўлади. Инсоннинг психик жараёнлари ҳам мураккаб ва кўп хусусиятли ҳисобланади.

Ҳозирги замон психология фанида шахснинг интеллекти ва унинг тузилиши мукамал ўрганилмаган. Фақат унинг яхлит ташкил этувчи (сезги, идрок, хотира, тафаккур, диққат, хаёл) қисмлари ва уларнинг компонентлари ўртасидаги боғланишлар умумий ҳолда ўрганилган. Булар ҳам шахснинг интеллектуал хусусиятларини аниқлашда қўлланиб, билим (ақлий) фаолиятини ўрганишда фойдаланилади. Шахс фаолиятининг билиш жараёнларини таҳлил қилганда психик жараёнлар интеллектнинг ривожланишидаги ўрни тизими доирасида ўрганилган, холос.

Б.Г.Ананьев кўрсатишича, билиш психик жараёнлари ўртасидаги функционал боғланишлар интеллектнинг яхлит ички тузилиши усулларининг тизимини ташкил этади. Шахс интеллекти билиш жараёнлари билан боғлиқ экан, у ўз-ўзидан эмас, балки ирода кучи орқали амалга ошади. Билиш ҳамма вақт маълум маънода ҳайратланиш,

завқланиш билан боғлиқ. Демак, интеллект ирода ва ҳиссиётни ҳам ўз ичига олади. Инсоннинг шахс бўлиши учун унда шакланган интеллект тизими белгиловчи ҳисобланади. Шунинг учун инсоннинг интеллектуал ривожланиши унинг ҳаётининг ҳамма даврларида муҳим аҳамият касб этади.

Инсон интеллектининг имкониятларидан унинг ҳаётининг ҳамма даврларида унумли фойдаланиш катта ёшдаги кишининг ақлий фаолиятининг бутун умри давомида амал қиладиган қонуниятларини билишни тақозо қилади. Ижтимоий ҳаётнинг инсон фаолиятига қўядиган талабини, унга таъсир қилиш воситаларини, унинг психик ривожланиш қонуниятларига мувофиқлаштириш зарур. Ўз вақтида рус педагоги К.Д.Ушинский кўрсатган эдики, таълим-тарбия мақсади инсон табиатидан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Бунинг учун эса инсон шахси ривожланишининг даврлари тўғрисида билимга эга бўлмоқ керак. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, педагог кадрлар касб маҳоратини ошириш тизими узоқ тарихга эга бўлишига қарамай тингловчиларнинг ёш ва интеллектуал хусусиятларини ҳисобга олиш алоҳида масала сифатида қўйилган эмас. Аммо мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳоти ҳужжатларида педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш узлуксиз таълимнинг алоҳида тури сифатида тавсифланди. Узлуксиз таълимнинг ҳамма бўғинларини мустақиллик шароитида такомиллаштириш долзарб масала қилиб қўйилди. Айниқса унда ёш, энди мустақил таълим мақомини олган педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ривожланишини илмий асосга қўйиш шу куннинг муҳим илмий-назарий ва амалий муаммосидир. Чунки бу тизим ўз ривожланишида сифат

ўзгариши қилиб, интуитив-амалий тараққиёт босқичи билан хайрлашиб, ўзининг илмий-назарий асосда ривожланиш босқичига ўтиши шарт. Уни илмий-назарий ривожланиш рельсига қўйиш кўп омилларга, жумладан тингловчиларнинг ёш ва интеллектуал хусусиятларини ҳисобга олишга ҳам боғлиқ.

Қаламга олинган муаммонинг илмий-амалий, назарий аҳамиятининг долзарблигига қарамай тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмоқда. Хўш, бунинг боиси нимада?

Фикримизча, бунинг бир неча сабаблари бор. Чунончи, улардан бири мазкур муаммо чуқур экспериментал тадқиқотларни талаб қилади. Бундан ташқари унинг мураккаблиги, тадқиқотчидан фалсафий, психологик, педагогик, биологик билимларни ва амалий тажрибани талаб қилувчи фанлараро алоқани тақозо қилади. Шу билан бирга мазкур муаммони ҳозир кўндаланг бўлиши жамият эҳтиёжи ва илмий-техник, маданий тараққиёт даражасига ҳам боғлиқ.

Мустақиллик шароитида мазкур тизимнинг алоҳида таълим тури сифатида тавсифланиши уни илмий асосга қўйишни тақозо этмоқда. Агар биз педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини илмий асосда ташкил қилмоқчи бўлсак, унинг ривожланишини илмий асосда бошқаришимиз лозим. Ўз замонасида К.Д.Ушинский педагогиканинг антропологик муаммоларини тадқиқ қилиб, «Агар педагогика инсонни ҳар томонлама тарбиялашни истаса, уни энг аввало ҳар томонлама билиши керак» - деган эди (104, 287).

Педагогик кадрлар малакасини ошириш тизимининг ҳозирги ҳолати XX асрнинг 20 - 30 йилларида таълим-тарбия соҳасида педагогик ёндашишга жуда ўхшайди. Ўз вақтида педагогик таълим жараёнини боланинг ёшига

қараб ўсиш қонуниятлари тарзида талқин қилиб, ундан таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларни чиқариб ташлаган эди. Ўқув жараёни аниқ ўқувчисиз қаралиб, педагогика ўқитувчига қандай ўқувчини ўқитиш муаммоси билан машғул бўлиши лозим эмасдек эди. Бундай таълим-тарбияга ёндашишни образли қилиб, боласиз педагогика, деб аталган эди.

Таълим жараёнига бундай педагогик ёндашиш педагогикани фан сифатида ўз ўрганиш объектидан маҳрум қилган эди. Бундай шароитда таълим назарияси педагогик томондан белгиланган боланинг ривожланиш қонуниятларига боғлиқ бўлиб қолган эди.

Бунинг оқибатида боланинг билиш фаолияти таълим назариясининг предметдан қувилган эди. Педагогик кадрлар касб маҳоратини ошириш жараёнида ҳозирги вақтда юқоридаги ҳолат ҳукмрон, десак хато бўлмайди. Чунки унда малака оширувчиларнинг ёш ва билиш хусусиятлари ҳисобга олинмай ташкил қилинмоқда. Бу эса табиийки, мазкур жараённинг самарадорлигини пасайтирмоқда.

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида ҳар бир авлод ўз организмнинг хусусиятлари орқали иштирок этади, уни ҳисобга олиш таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширади. Шахснинг ёш ва индивидуал хусусиятларини унинг организмнинг ривожланиш қонуниятлари сифатида фақат таълим-тарбия жараёнида эмас, балки ҳар қандай фаолият жараёнида ҳам ҳисобга олмоқ шарт.

Бундан ташқари таълим принциплари таълим берувчи фаолиятини тартибга солиб, унинг таъсирини кучайтириб, ўқув материални ўзлаштиришини осонлаштиради, Шунинг учун умумий педагогикадаги

таълимнинг илмийлик, тизимлилик, кетма-кетлик, таълимни ҳаёт, ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги, ўқувчилар фаоллиги ва мустақиллиги уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш малака ошириш жараёнида таълим принципларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Албатта, келтирилган таълим принциплари тўғридан-тўғри катталар таълимига кўчирилмай, ижодий ва танқидий асосда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, катталар таълимининг дидактик асослари ишланиши керак.

Бундан ташқари педагогларни касбий маҳоратини ошириши жараёнида уларнинг ёш ва билиш имкониятларини ҳисобга олиш катталар таълимининг муҳим принципи ҳисобланади. Уларни инобатга олиш катталар билиш фаолияти ва касбий таълимига мақсадга қаратилган ҳарактер бериб, самарадорлигини оширади. Инсон ҳаётининг ҳар бир даври унинг организмнинг функцияларидаги хилма-хил ўзгаришлар билан ҳарактерланади. Бу ягона ҳаётий циклда шахснинг етуклик даври алоҳида аҳамиятга эга. Инсон етуклик ёши даврида унинг организмда қатор биологик, физиологик, психологик ва ижтимоий ўзгаришлар рўй бериши билан фарқланади. Унинг энг муҳим хусусияти инсон умрининг анча узок даврини (18 ёшдан 60 ёшгача) 40йилга яқин мухлатни ўз ичига олиши. Бошқа яна бир муҳим томони инсон ҳаётидаги ижтимоий моҳиятидир. Айнан шу даврда инсон фаол моддий ва маънавий бойликларни яратишда мустақил иштирок этади. Унинг ота-она ва ўқитувчиларга тобеликдан қутулиб, ўз яшаш муҳитини фаол ўзгартириш, жамиятга, оиласига таълим-тарбияси, шахс сифатида шаклланиши учун қилинган меҳнатни қайтариш, жамиятда ўз бурчини бажариш ва мавқега эга бўлиш

имкониятига эга бўлади. «Айнан шу даврда, - деб ёзади Ю.Н.Кулюткин, инсоннинг маънавий ва жисмоний кучларининг ривожланиши содир бўлиб, улар касбий фаолиятнинг энг юқори самарадорлигини таъминлайди» (72, 65).

Аммо шунга қарамай, мактабгача ва мактаб даври ёш хусусиятлари яхши ўрганилган бўлиб, етуклик даври умумман оқ доғ бўлиб қолмоқда. Инсон ҳаётининг бу даврининг ўзига хос хусусиятларининг ўрганилмаганлиги унинг меҳнат фаолиятини, дам олиш ва турмушини ташкил қилишга салбий таъсир этади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини тўғри ташкил қилиш учун тингловчиларнинг касбий қобилияти, билиш, интеллектуал имкониятларининг ёши билан боғлиқ хусусиятларини билиш жуда муҳимдир. Малака оширувчиларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ билиш, интеллектуал ўзгаришларни билиш улар фаолиятини малака ошириш жараёнида бошқариш, улар ёшига мос келувчи таълимнинг мазмуни, методлари ва ташкилий шакллари тўғри танлаш имкониятини беради.

Инсоннинг етуклик ёши шундай вақтга тўғри келадикки, у маълум касбни эгаллаб ижтимоий меҳнат фаолиятининг субъектига айланади. Агар унинг умрининг аввалги даврида унинг шаклланиши, маълум фаолиятга тайёрланиши билан ҳарактерланса, етукликнинг бошланғич даври мустақил ҳаётга қадам қўйиш, унумли ижтимоий, шахсий фаолиятнинг бошланишидир. Шунинг учун унинг хулқ-атвори, қизиқишлари, фаолият мотивлари касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади. Катта ёшдаги киши ҳамма нарсага қараши, уни идрок қилиши, уни қандай қилиб касбий ва ижтимоий фаолиятда кераклиги

жиҳатидан баҳолайди. Катта кишилар ўқув фаолиятида белгиловчи касбининг эҳтиёжлари ва уни қондириш бўлиб қолади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, агар ўқувчи билиш фаолиятини йўналтиришда ўқитувчи асосий рол ўйнаса, катта киши (тингловчи)нинг ўзи ўз фаолиятининг фаол субъекти сифатида мустақил шахсий қадриятлари, мотив ва эътиқоди асосида иш кўриб, касбий фаолияти эҳтиёжига белгиловчи эътибор беради. Шунинг учун малака оширувчи шахс учун касбий фаолиятнинг эҳтиёжларини тўла қондиришда унинг ёш хусусиятларини инобатга олиш асосида машғулотларни ташкил қилиш заруриятга айланади. Шу асосда ташкил қилинмаган ўқув машғулотлари тингловчиларга бефарқликни келтириб чиқаради. Аммо бунда яна бир ҳолат, яъни тингловчиларнинг малака оширишларига жиддий ёндашишида уларнинг маънавияти, тарбияланганлик даражаси ҳам ижобий рол ўйнаши мумкин.

Шунинг учун катталарни ўқитишни ташкил қилишда ўқув материални идрок қилишни психолог-педагогик тавсиялар асосида илмий асослаш уни касбий фаолиятига мослаштириш муҳимдир. Агар ўрганиладиган ўқув материални тингловчининг идрок қилишининг, тушунарлиги ва кераклиги уни қабул қилиш шакли жиҳатидан ёндашадиган бўлсак, бу компонентлар ичида кераклиги белгиловчи ҳисобланади. Чунки, юқорида айтилганидек, катта киши учун ўрганиш касбий қизиқишлари ва шахсий сифатлари билан белгиланади. Шу билан бирга катта киши учун ўқув материални ўрганишнинг асосий омили, унинг самарадорлигини белгилаш олдига қўйган мақсадлари мажмуаси билан белгиланади.

Юқорида баён қилинган омилларнинг психолого-педагогик асослари шундаки, етуклик ёшида шахснинг психик ривожланиши ва шахсий сифатлари ривожда ўзига хос давр бошланадики, улар шахс ҳаёт шароити ва фаолияти турига қараб ихтисослашади. Биз бу ерда шахс психикаси ва онгининг ривожланишида фаолият асосий рол ўйнайди, деган қонуниятнинг ёрқин намоён бўлишини кўрамиз. Шунинг учун психик жараёнлар ва билимнинг йўналиши шахс фаолиятининг услуби, шароити, эҳтиёжлари билан белгиланади. Шунини қайд қилиш керакки, ҳаёт шароити ва фаолият нафақат шахс ижтимоий - меҳнат фаолиятини қамраб олади. Шу билан бирга унга яшаш муҳити ва унда шаклланган мулоқот усулларига ўз таъсирини ўтказади. Катталарнинг ёш давлари қуйидагича бўлиши мумкин.

Шахснинг етуклик ёши 18 дан 60 гача. Ўз навбатида бу давр ҳам микро даврларга бўлинади: илк етуклик - 18 дан 46 ёшгача ва кейинги етуклик 46 ёшдан қариликгача. Илк етуклик микро даврида психик функциялар ривожининг уч даври аниқланган.

Булар: 18 – 25 ёш илк етуклик;
 26 – 35 ёш ўрта етуклик;
 36 – 46 ёш сўнгги етуклик.

Бу даврлар бир-биридан шахс психик жараёнларининг ривожланиш функциялари ва тузилиш ҳарактеристикалари билан фарқ қиладики, бу ўз навбатида шахснинг билиш қобилиятларига таъсир кўрсатади (69, 4).

Мазкур даврларда шахс психик функциялари юқори ривожланишга эришиб, ўзига хос тузилиш олади ва асосий фаолият таъсири остида ихтисослашиб, бир ёқлама йўналиш олади. Бунда бир ёқлама йўналиш тор, салбий маънода эмас, балки фаолият эҳтиёжини қондириш

эҳтиёжига хизмат қилиб, ижтимоий фаолиятда юқори натижага эришишни таъминлайди.

Тадқиқотлар ва амалий кузатишлар кўрсатадики, шахснинг интеллектуал ривожланиш даражасига кучли таъсир ўтказувчи омил доимий ва мунтазам ақлий фаолият билан шуғулланишидир. «Психик функциялар даражаси ва тузилишига энг кучли таъсир қилувчи омил таълимдир. Ўқиш ва мустақил билим олиш билан фаол шуғулланиш психик функцияларни юқори ривожланишини таъминлаб, катталарнинг билиш фаолияти имкониятларини кенгайтириб, юқори самарали бўлишига олиб келади» (71, 4).

Катта ёшдаги кишилар (41–46) психик функцияларининг ўзгаришида диққат юқори бўлиб, хотира даражаси анча пасаяди. Бу психик функциялардаги тез ўзгаришлар шахс интеллектуал фаолиятида ихтиёрий диққатнинг йўналтирувчилик функциясини кучайтириб, ихтиёрсиз диққатнинг интеллект таркибидаги ролининг пасайишига олиб келади.

Экспериментал тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, етукликнинг 18 – 25 ёш ва 26 – 35 ёш даврларида психик функцияларнинг ривожланиши ва унинг таъсирида интеллект ўсади. Шу даврларнинг биринчисида тафаккур ва хотирада сезиларли пульсация юз беради. Тафаккурдаги пасайиш кўтарилишлар билан алмашади. Тафаккур учун ривожланишнинг юқори чўққиси 32 ёш, сўнг пасайиш бўлса, хотира ритмик характерда бўлиб, сезилмас тебранишлар юз беради.

«Ёш ўсиши билан шахс фаолиятида амалий тафаккурнинг роли кучайиб, уни образли, вербал - мантиқий ва таъсирли жиҳатлари сезиларли ўзгарувчан бўлади» (73, 82-83).

Ю.Н.Кулюткин ва Г.С.Сухобскаяларнинг тадқиқотлари кўрсатдики, катталарда таълим ва ўқиш таъсирида интеллект механизмлари машқ вазифасини ўтаб, ривожланади. Катта ёшдаги кишилар фаолиятини илмий ташкил қилиш уларнинг меҳнатининг самарадорлигининг гаровидир. Бу ўз навбатида педагогик кадрлар касб маҳоратини ошириш жараёнига ҳам тааллуқлидир. Чунки ўқитувчи ақлий фаолиятининг педагогик-психологик асосларини билиш унинг касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнини бошқариш имкониятини беради.

Педагоглар касб маҳоратини оширишини тўғри ташкил этиш, ўқув материалга қизиқиш уйғотиш учун фақат уларнинг касбий эҳтиёжларини ҳисобга олиш етарли эмас. Шу билан бирга шахсий сифатларини ҳам билиш зарур. Бунинг учун эса малака оширишни ташкил қилувчилар ёш даврлар психологиясини, ўқитиш методикасини ва дидактик қонуниятларни ва фақат шу асосда жараён субъектларининг ёши ва интеллектуал хусусиятларини билишлари мумкин.

Тадқиқотлар кўрсатдики, ёш ва интеллектуал ўзгаришлар таъсирида организмда айрим психик функцияларнинг вазифаси қолганлариникига қараганда кучаяди. Бу шахснинг ҳаёт тажрибаси, шароити ҳамда психик функцияларнинг асосий фаолият эҳтиёжига мослашуви асосида юз беради. Етуклик ёшида шахс фаолиятининг ҳар қандай соҳасида, жумладан касбий маҳоратини оширишда ҳам анланган онгли ҳаракатлар муҳим аҳамиятга эга. Шахснинг ўз фаолиятининг мақсадини онгли англаши уни фаолликка ундайди. Бу ўз навбатида ақлий фаолият белгиловчи бўлган биз тадқиқ қилаётган соҳага тегишлидир.

Кишиларнинг қаришининг тезлашуви ёки секинлашуви ҳаётий даврларнинг ўтиш мазмуни билан боғлиқдир. Шахснинг махсус қобилиятлари ва умумий иқтидорлилиги унинг ҳаёт тарзига таъсир кўрсатади. Юқори меҳнатсеварлик, ҳаётий қувноқлик, доимий ақлий фаолият, меҳнат ва ижод, ҳамда фаол ижтимоий фаолият тез қаришнинг олдини олади.

Инсон ҳаёт давомида унинг психик функцияларининг ривожланиши бир-биридан алоҳида эмас, балки узвий боғлиқликда фаолият кўрсатади. Бу энг аввало хотира ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлигида яққол намоён бўлади. Б.Г.Ананьев хотира ва тафаккурни бир хил ҳарактердаги психик жараёнлар бўлиб, ахборотларни йиғиш ва уларга ишлов беришга хизмат қилади,-деган эди. Киши интеллекти психик функциялар тизимида ўзаро алоқадорлик ҳосиласи бўлиб, унинг ривожланиши кўпчилик ҳолларда хотира ва тафаккур алоқадорлигига боғлиқ бўлади. «Хотира ахборотни йиғишни, тафаккур эса унга ишлов бериб, ўзгартиришни янги концепция ҳосил бўлгунча амалга оширади. Бу ҳар иккала жараён - ахборот йиғиш ва ишлов бериш хотира ва тафаккурда ўзаро яқиндан боғлиқ ва улар доимий ўзаро таъсир ва ўзаро боғлиқликда бўладилар», - деб ёзган эди Б.Г.Ананьев (28, 51).

Катта ёшдаги кишилар ҳаёт шароити ва фаолиятини ўрганиш кўрсатадики, таълим ва ақлий меҳнат ва доимий ақлий функцияларни машқ қилдириш шахс интеллектуал ривожланишининг асосини ташкил этади.

Шу асосда ҳар бир кишининг ҳаётий одатлари ва режимини белгилаши унинг ақлий меҳнатига ҳамда ўзига боғлиқдир. Шахснинг тўғри ташкил этилган иш режими ва ақлий фаолияти, ўз фаолияти ва шахсий сифатларини мунтазам, мақсадга мувофиқ такомиллаштириши унинг

мазмунли ҳаётини таъминлайди. Педагогларнинг интеллектуал имкониятларини тадқиқ қилиш таълим-тарбия ва малака ошириш жараёнини илмий ташкил қилишга асос бўлади. Агар биз катталар интеллектини ёш билан ўзгаришини кўрадиган бўлсак, у қуйидагича:

Тафаккур, хотира, диққатнинг турли ёшдаги кишиларда ривожланишининг экспериментал тадқиқот натижалари фоиз ҳисобида (74, 21):

ПСИХИК ФУНКЦИЯЛАР	Ёш даврлари					
	16 – 21	22 – 25	26 – 28	30 – 35	36 – 40	41 – 46
<i>Диққат</i>	97,5 %	100,5 %	100,5 %	102,8 %	94,6 %	96,2 %
<i>Хотира</i>	102,0 %	100,5 %	97,0 %	94,5 %	93,7 %	87,6 %
<i>Тафаккур</i>	103,0 %	102,5 %	95,0 %	102,3 %	99,0 %	89,6 %

Бу экспериментал тадқиқот натижалари кўрсатадики, юқоридаги психик функцияларнинг билиш жараёнидаги вазифаси шахс ақлий ва билиш фаолиятининг ингенсивлигига боғлиқ бўлади. Уларнинг ривожланишининг функционал асоси ўқиш, ўрганиш ва мунтазам ўз устида ишлаш, яъни ақлий фаолиятнинг узлуксизлигидир.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, тингловчининг ўқув материални эсда сақлаш ва ундан фойдаланиши нафақат психик функцияларга, балки уни баён қилиш услуби, билим берувчи ўқитувчи шахси ва маҳоратига ҳам боғлиқ.

Бизнинг кўп йиллик амалий тажрибамиз ва кузатишларимиз бу хулосани тўла тасдиқлайди. Малака ошириш жараёнида ўқув материални эсда сақлаш тингловчи хотирасининг хусусияти ва йўналганлигига ҳам боғлиқ. Бу борада ўтказилган махсус тадқиқотлар

кўрсатдики, 45 – 46 ёшдаги кишиларнинг хотираси 18 – 40 ёшдагилар билан солиштирилганда анча пасайиши кузатилган. Аммо 41– 46 ёшдаги кишиларда умуман хотиранинг кескин пасайиши (бутунлай инволюцияси) кузатилган эмас.

Тадқиқотлар шунингдек катта ёшдаги кишиларда тафаккурнинг йилдан йилга ўзгаришини ҳамда унинг шакллари нотекис ривожланиш ва компонентларнинг қайта қуриши юз беришини кўрсатди. 41 – 42 ёшда кишида тафаккурнинг пасайиши, амалий ва образли тафаккурнинг ўзаро боғланганлиги кузатилган. Бу даврда тафаккурда вербал-мантиқий хусусият белгиловчи бўлади. 43 – 44 ёшга келиб тафаккурнинг ҳамда унинг шакллари кўрсаткичлари ўртасида боғланишнинг кучайиши юз беради.

Бу даврда образли ва амалий тафаккурнинг алоқадорлиги кучаяди. Умуман бу даврлар тафаккури у ёки бу шаклининг кучайиши оқибатида умумий интеллектуал даража сакланади.

Таҳлил қилинган даврларда хотиранинг билиш хусусиятлари киши организмидаги биолого-физиологик ўзгаришлар таъсирида бўлади. Аммо киши интеллект таркибига кирувчи бошқа билиш жараёнларидагидек хотирада ҳам ўзгаришлар содир бўлади.

Баён қилинганларни яқунлаб таъкидлаш лозимки, катта ёшдаги кишиларнинг билиш жараёнларини таҳлил қилишда умумий хусусият ўз-ўзини тартибга солиш, ўз-ўзини бошқаришдир. Аммо унда мотивация муҳим аҳамият касб этиб, билиш эҳтиёжлар тизими ва ўрганиладиган ахборот моҳиятига муносабат – катталар билиш фаолиятининг ўз-ўзича тартибга солиш ва ўзича бошқариш даражасига ҳам боғлиқдир. Педагог шахсий сифатлари ташқи шароитга мос келса, билиш фаолиятини

кучайтирувчи кучли омилга айланади. Ташқи шароит сифатида турли омиллар, чунончи қизиқиш, эҳтиёж, ёш ва билиш имкониятлари, таълим мазмуни, шакли ва методларининг педагоглар касбий эҳтиёжларига мос келиши бўлиши мумкин. Бу эса педагогларнинг касб маҳоратини оширишида муҳим аҳамиятга эга.

3.3. Педагогларнинг фаолият мотивларини ҳисобга олиш - улар касб маҳоратини оширишнинг таъсирчан омилли

Шахс маълум фаолият билан шуғулланиш учун унда рағбат, интилиш ва маълум шарт-шароит бўлиш лозим. Касб маҳоратини ошириш учун ҳам педагогда хоҳиш-истак бўлсагина у фаол фаолият кўрсата олади.

Психологияда фаолият шахснинг мақсадга мувофиқ йўналтирилган онгли муносабати ва ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш шакли сифатида талқин этилади. Инсоннинг ҳар қандай фаолияти, шунингдек касбий даражасини ошириш ҳам ақлий фаолият сифатида ўқув-билиш жараёнидан иборат. Шунинг учун ҳам у маълум рағбат ва ҳозирланишсиз амалга ошмайди.

Чунончи, ўқув-билиш фаолиятида ҳам фаоллик ўз-ўзидаи пайдо бўлмай, балки поляк олими В. Оконь таъкидлаганидек таҳсил олувчилар фаоллиги асосини ўқув материалининг ҳозирги ҳолати ва келажак учун муҳим ва зарурийлигини англаб етишлари, уни мукамал ўзлаштиришга хоҳиш-истак, қизиқиш, қўйилган ўқув муаммосининг ечимини топиб интеллектуал қониқиш ҳосил қилиш ташкил этади.

Шундан келиб чиқиб, педагогик адабиётларда жуда кам ўрганилган, касбий маҳоратни ошириш

жараёнида ўқитувчи фаолиятининг мотивлари тўғрисида фикр юритамиз. Бунда шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, ўқитувчи фаолияти масалалари Н.В.Кузьмина, А.И.Щербаков, Г.С.Сухобская, Ж.Ғ.Йўлдошев, К.З.Зариповлар томонидан ўрганилган. Аммо унинг мотивацион соҳаси ўрганилган эмас. Шахс фаолиятининг тузилишида мотив муҳим бўлиб, унинг марказий компоненти ҳисобланади. Шахс шаклланишида мотивнинг ўрнини биринчилардан бўлиб С.Л.Рубенштейн таъкидлаган эди. Унинг кўрсатишича, интилиш, мотив маълум вазиятда пайдо бўлиб, шахс характери билан узвий боғлиқдир. Шахс фаолиятини ҳаракатга келтиришда мотивнинг мазмуни муҳим ҳисобланади.

Мотив мазмунининг функцияси шундаки, у энг аввало шахс фаолияти йўналган объектнинг моҳияти, мазмуни, унинг субъект учун аҳамияти ва қанчалик даражада унинг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилишда намоён бўлади. Мотив мазмуни бир эмас, бир неча хил бўлиши мумкин. Бунда кўпчилик мотивлар ичида шахс фаолияти ва хулқ-атворини белгиловчи, уни ҳаракатга ундовчи ҳамда тартибга солувчи турли мотивлар амал қилади. Шахснинг мотивацион соҳаси кўп қирралидир. Аммо катта ёшдаги кишилар учун асосийси касбий фаолият ҳисобланади. Чунки педагог учун касбий фаолият нафақат ижтимоий муҳим ва объектив ҳодиса, балки субъектив шахсий қадрият ҳамдир. Шунинг учун уни эгаллаш, касбий фаолият субъектига айланиши ўқитувчи учун касбий педагогик ижоднинг бош йўналишини ташкил қилади.

Кўпчилик ҳолларда мотивни ўз вақтида маълум соҳага нисбатан қўзғалиш деб ҳам қарайдилар. Бу қўзғалиш асосида шахс эҳтиёжи ётади. Мотив фаолиятга шахсий

мазмун касб этади. Инсон фаолияти ҳамма вақт субъектив мотивланган бўлади.

«Мотив», «мотивация» сўзлари лотинча сўздан олинган бўлиб ҳаракатга келтириш, юрғизмоқ деган маъноларни билдиради. Шахснинг мотивация соҳаси ўз ичига эҳтиёж, мотивлар, қизиқиш, ишонч, мақсад, ҳиссиёт ва иродани олади.

Инсонни ҳаракатга чорловчи ва унинг ривожланишида муҳим ҳаракатлантирувчи куч унинг эҳтиёжидир. Инсоннинг энг муҳим ва шу билан бирга олий инсоний эҳтиёжи меҳнатдир. Меҳнат касбий фаоллик таркибида белгиловчи бўлиб, ҳамма вақт ўзига хослиги билан ажралиб турувчи хусусият ҳисобланади. Эҳтиёж инсон фаолияти мотивациясида асосий бўлиши билан бирга ягона ҳам эмас. Эҳтиёжлар ҳаракатлантирувчи куч сифатида қаралсада, шахс фаолиятига маълум йўналиш бера олмайди. Шахс фаолиятига йўналиш берувчи асосий нарса унинг маълум предмет, ҳодисага қаратилганлигидир. Фаолиятнинг маълум объект, нарсага йўналганлиги унга зарурий йўналиш беради. Эҳтиёж объект билан тўқнашиб фаол йўналиш олади ёки мотив шаклида намоён бўлади, «...ташқи олам предметлари,- деб ёзган эди С.Л.Рубинштейн,- фақат билиш объектлари тарзида намоён бўлмасдан, балки хулқ-атворни ҳаракатлантирувчи кучи, уни ҳаракатлантирувчи двигатели инсонга маълум ҳаракатларни келтириб чиқарувчи мотивлар» тарзида ҳам намоён бўладилар (95, 121).

Агар эҳтиёжлар инсон фаоллиги механизмининг моҳиятини ташкил этса, мотивлар эса унинг моҳиятини, аниқ мазмунини ташкил этади. Эҳтиёж билан мотив ўзаро боғлиқ. Мотивлар шахс ядросини, унинг фаоллиги йўналишини ташкил этади. Мотивларнинг тузилиши

шахсининг бошқа ташкил этувчи тузилишида марказий бўлиб, унинг бошқа хусусиятларига кучли таъсир қилади. Шунинг учун ўқитувчи шахси ва фаолиятини тушунишнинг калити, унинг мотивацион соҳаси мотивлар тизимида белгиловчиси орқали амалга ошириши мумкин. Инсон эҳтиёжининг аниқ намоён бўлиш шакли қизиқишдир. Қизиқиш-билишга, меҳнатга, спортга, ўқишга ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Қизиқиш кенг тушунча. У шахсининг билишга йўналганлигини ёки маълум фаолиятга доимий лаёқатини англатади. Шахс маълум фаолият билан доимий зўр бериб шуғулланса, қизиқиш лаёқатга айланади. Айрим ҳолларда лаёқат қизиқишларни фаоллаштириш сифатида ҳам талқин қилинади. Шахсининг йўналганлиги ёки қизиқишининг намоён бўлиши интилиш, режа, орзу, истиқбол тарзида намоён бўлади.

Инсон ривожланишининг зарурий шарти унинг оламга қизиқишининг кенглигидир. Қизиқишлар марказлашган ҳолда асосий бирон-бир масалага йўналганлигида яққол намоён бўлади. Аммо ёш ўтиши билан шахс қизиқишлари марказлашиб касбий қизиқиши белгиловчи бўлиб қолади. Касбий қизиқиш белгиловчи бўлиб, шахсининг маълум муҳим йўналганлигини белгилаб касбга меҳр қизиқишлар билан боғлиқ бўлиб қолади (28,29).

Маълум касбга қизиқиш лаёқат асосини ташкил этиб, ўзини ва касбини такомиллаштириш ички шарт-шароитга айланиб, ўз соҳасига (фаолиятга) муҳаббатга айланади.

Шуни ҳам инкор қилмаслик керакки, маълум фаолиятга доир қизиқиш ва лаёқатлар шахсининг бошқа сифатлари ривожланишига асос ҳам бўлади. Улар қобилият шаклланишининг фаол асоси сифатида хизмат қилади. Шахсининг қобилияти намоён бўлиб ўсишида унинг

жиддий, доимий ва кучли қизиқиши муҳим рол ўйнанди. Айрим ҳолларда қизиқиш шахс муваффақиятининг муҳим омили бўлиб, ҳаттоки уни қобилият билан тенглаштирадilar. Масалан, ўқувчининг жисмоний тарбия ва спортга доимий қизиқиши етук спортчи бўлиши учун асос бўлади. Спортга қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради. Ўз навбатида қобилият қизиқишнинг доимий-мунтазам бўлишига, униинг маълум йўналиш олишига асос бўлади ва бир-бирини кучайтиради.

Педагогик эътиқод ўқитувчи касбий қизиқишининг юқори даражаси ҳисобланади. Ўқитувчи ўзининг эътиқодини чуқур англаб, ўзининг педагогик қобилиятини ривожлантириш устида фаол иш олиб боради. Шахснинг маълум касбга қобилиятига мос меҳнат қилишини ва ўз ишини севишида, унга ўзини бағишлашида намоён бўлади. Ўқитувчининг ўз касбини севиши, ўз ҳаётининг мазмуни сифатида унга қараши шу қизиқишини ўз ўқувчиларида тарбиялашига асос бўлади. Ўқитувчи ўз касбини севмаса, ҳар қандай қарор, кўрсатма, энг мукамал тузилган дастур ҳам кутилган натижа бермайди. Педагогик мақол «ўзинг севмаган нарсани ўргана олмайсан» остида чуқур маъно бор. Ўз ишига садоқат ўз-ўзидан келмайди, балки тинимсиз меҳнат орқали шаклланади. Меҳнатсеварлик ҳар қандай қобилиятни шаклланишининг муҳим шартидир. Қобилият меҳнатнинг функциясидир. Агар инсон меҳнатсевар бўлса, у кўп самарали ва ижодий ишлайди. Ўз навбатида севимли иш қийинчиликсиз, рағбат билан, қандайдир ички бир интилиш билан амалга оширилади.

Педагогик касбини севиш асосида меҳр-муҳаббат ҳисси ва болаларни севиш ётади. Болаларни севиш ҳам деярли ҳамма одамларга хос хусусиятдир. Аммо педагогик меҳр-оқибатнинг ўзига хос хусусияти бор. Педагогик меҳр-

оқибат асосида жуда катта сабр-тоқат, болалар муваффақиятидан қувониш, бутун қалб қўрини уларга бағишлаш ётади. Ўқитувчи болани севиши асосида оддий инсонийлик, меҳр-оқибат эмас, балки уни шахс сифатида шакллантириш масаласи ҳам ётади.

Н.В.Кузьмина ўқитувчи педагогик фаолиятининг муваффақиятини ўрганиш асосида унинг жуда кўп сифатлари орасидан болалар билан ишлай олиш қобилияти, ўз ишига қизиқиш белгиловчи эканлигини аниқлади. Ҳар бир ўқувчида ўзига хос индивидуалликни кўра билиш, унинг ривожланишини кузатиш ва ўқувчилар билан тўғри ўзаро муносабат ўрнати олиш педагогик фаолиятда муваффақиятлар гаровидир. Ўз ишига ва ўқувчиларга муҳаббат ўқитувчини мунтазам ўз устида ишлаб, педагогик маҳоратини такомиллаштириш мотиви сифатида хизмат қилади. Шу билан бирга педагогик маҳорат ўқитувчи шахси, унинг ахлоқий сифатлари, онги, ирода ҳарактерига ҳам боғлиқдир. Бу сифатлар ҳар бир ўқитувчида ҳар хил бўлсада, уларни бирлаштирадиган хусусият болаларни севиш, уларга қизиқиш, улар камолотига ишонч, таълим-тарбиясидаги ютуқларидир. Ўқитувчи фаолиятида шахсий қизиқишлари унинг мотивларини тўла акс эттира олмайди. Инсон хулқ-атвори бир-бирига боғлиқ кўпгина мотивларни қўзғайди. Аммо улар ичида белгиловчиси бошқаларини ўзига бўйсундиради ва шахс мотивацион соҳалар тузилишини ҳарактерлайди.

Мотивлар шахс фаолиятининг мақсади билан узвий боғлиқ бўлади. Мотив инсонни мақсад қўйишга ундайди ва бу мақсадни амалга оширишга унинг фаолиятини йўналтиради.

Ўқитувчилик касбига қизиқиш ёшларни педагогик касбини танлашга ва уни эгаллашга ундайди. Шахснинг фаолият мақсадини амалга оширишда мақсадга қаратилганлик белгиловчи ҳисобланади. Мақсадга қаратилганлик шахснинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Шахсни мақсад учун курашувчи сифатида таърифлаш мумкин. «Инсон учун муҳим бўлган нарса охир оқибатда унинг мотиви ва фаолиятининг мақсади сифатида намоён бўлиб, шахснинг ҳақиқий бош йўналишини белгилайди», - деб ёзади С.Л.Рубинштейн (95, 142).

Мақсад деганда бўлажак фаолиятнинг идеалда кутилган натижасини тушуниш керак. Мақсад шахснинг потенциал имкониятларини бирлаштириб, қўйилган вазифани ечишга йўналтиради. Агар бажариладиган иш (фаолият) ўз характери билан қийин ёки ёқимсиз бўлса, у мақсад таъсири остида амалга ошади. Мақсад фаолиятни амалга ошириш функциясини бажариши билан ажралиб туради. Шунинг учун мақсад ва мотив ўртасида умумийлик ва фарқ ҳам бор. Мотив бу фаолиятни амалга ошириш воситаси бўлса, мақсад фаолиятни йўналтириш воситасидир. Шахснинг бирон-бир ишни амалга ошириш мақсади бўлса, мотив эса ундан манфаатдорлик ёки завқланиш, ўзини кўрсатиш, мақтов эшитиш, қизиқишини қондириш бўлиши мумкин. Фаолият учун мотив асос бўлса, мақсад уни охирига етказишдир. Мақсадсиз мотив потенциал мавжуд бўлиб, маълум фаолиятга ҳозирлик шаклида бўлади.

Фаолиятда мақсад ва мотив яхлитликда қаралади. Улар бир-бирига мос бўлиши керак. Уларнинг яхлитлиги шундаки, мақсад мотивга айланиши мумкин. Агар мақсад шахс учун қизиқиш туғдирса, у учун муҳим бўлиб-ижтимоий моҳият касб этса мотивга айланади.

Инсоннинг фаолияти мақсадини мотив асосида амалга оширишда онгли, иродавий ҳаракати муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ирода инсоннинг мотивацион соҳасини ташкил этиш, белгиловчи мотивни амалга ошириш, мақсадга қаратилган онгли хулқ-атворини таъминлайди. Мақсадга қаратилган, қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат иродавий ҳисобланади. Ирода онгли қўйилган мақсад асосида унга эришиш, шу йўлда қийинчиликларни фаол енгишда намоён бўлади. Фақат иродали одам мақсад сари ҳаракат қилади ва унга эришади. Ирода инсоннинг бошқа психик жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиб, энг муҳим билиш жараёнлари (идрок, хотира, тафаккур, хаёл) билан борлиқ ва улар билан ўзаро алоқадорликда бўлади. Ирода қобилият шаклланишида муҳим аҳамиятга касб этади. Қобилият тинимсиз ва завқли меҳнатда шаклланади. Шахснинг ахлоқий-иродавий сифатлари унинг тузилишида етишмайдиган бир қатор сифатларини компенсация қилади. Инсон иродаси унинг ҳиссиётлари билан ҳам боғлиқ бўлади. Энг аввало жаҳлни ақлга бўйсундиришда кучли ирода муҳим рол ўйнайди. Ироданинг моҳияти инсоннинг ҳиссиётларини жиловлаш, ўзини тута билиш қобилиятида намоён бўлади. Ўқитувчининг ўз касбига садоқати ва катъияти ҳиссиёт ва ироданинг аниқ намоён бўлиши сифатида педагогик маҳоратини эгаллашида муҳим ҳисобланади. Педагог фаолиятининг юқори эмоционал-иродавий ҳаракатларни оптимал мутаносиблигида эришилади. Немис педагоги А.Дистервег - фикрига кўра, ўқитувчининг дидактик таъсир кучи, энг аввало, унинг кучли иродаси ва характерида. Ўқитувчи шахси ва педагогик маҳоратининг шаклланишида

қийинчиликларни енгишга бўлган кучли иродаси муҳим ҳисобланади.

А.С.Макаренконинг тасдиқлашича, ҳар қандай ўқитувчи моҳир педагог бўлиши мумкин, агар жиддий ва мунтазам ўз устида ишласа. Ўқитувчи меҳнатининг кўп қирралилиги ва қийинлигига қарамай, ўзининг шахси ва педагогик фаолиятини такомиллаштиришга интилиши асосида мустақиллик шароитида Ватан олдидаги бурчи ва масъулияти ҳамда кучли ахлоқий-иродавий сифатлари ётишини инкор қилиб бўлмайди.

Ўқитувчи мотивацион соҳасининг ҳамма тушунчалари-эҳтиёж, қизиқиш, мақсад, ирода-педагогик қобилият шаклланишининг муҳим омиллари ҳисобланади. Ўқитувчи фаолиятининг мотивлари унинг шахси тузилишининг бошқа ташкил этувчи томонларини ҳам ўз ичига олади. Булар ичида шахсининг йўналганлиги ва ҳаракати муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи шахсининг йўналганлиги мотивлар иерархиясининг шаклланиш натижаси, белгиловчи мотивлардир. Педагогик фаолиятда ижтимоий-ғоявий, касбий-педагогик тайёр бўлиши ўқитувчи шахсининг йўналганлигини белгилашини В.А.Сластенин таъкидлайди. Педагогик фаолиятнинг белгиловчи мотивлари-ўз касбига муҳаббат, болаларни севиш, ўз касби билан фахрланиш, Ватан олдидаги бурч ва масъулиятини чуқур англашдир. Педагог шахсининг доимий йўналганлиги унинг касбий маҳоратини таъминлайди. Педагог иродаси ва шахсининг йўналганлиги мураккаб мотивацион соҳани ташкил этиб, унинг ҳарактер тузилишини ташкил этади. Иродавий сифатларнинг белгиловчилиги кучли ҳарактерни ташкил этади. Ҳарактер – шахс тузилишининг шундай қисмики, доимий ва кучли инсон фаолиятининг турли шахсий ҳислатларида намоён бўлади. Педагогик фаолиятда

белгиловчи – ҳарактер ва тарбияланганликдир. Биринчи президентимиз И.А.Каримов бу борада «Бировни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон аввало ўзи ҳар, жиҳатдан баркамол бўлмоғи шарт» (6, 16) деб таъкидлади. Инсонни тарбиялаш деганда, энг аввало, унда кишиларга, ўзига, табиат ва жамиятга тўғри муносабатни шакллантириш лозимлигини унутмаслигимиз керак, ўқитувчи бошқаларда тўғри инсоний муносабатларни шакллантира олиши учун унинг ҳарактерида тўғрилиқ, ҳаққонийлик, кишиларга меҳрибонлик, ҳозиржавоблик, яхшилик, жиддийлик, қатъият, принципиаллик каби сифатлар белгиловчи бўлиши лозим. Ўқитувчи ҳарактеридаги ўзига хосликни унинг алоҳида сифатларида эмас, балки шахсдан, ундаги мураккаб ҳамма хислатларининг ўзаро таъсири асосида мотивацион онгининг белгилашини эътиборга олмақ лозим.

Шундай қилиб, ҳарактер қобилият билан яқин алоқада бўлиб, унинг аниқ намоён бўлиши касбга лаёқат, маълум фаолиятга лаёқат ва қобилиятни белгилайди. Қобилият билан ҳарактернинг камол топиши ҳар бир шахсда ўзига хос намоён бўлади. Шунинг учун индивидуаллик ҳарактер билан ҳамоҳангдир. Ҳарактер инсон индивидуаллигининг яққол намоён бўлишидир. Шахс мотивациясининг таркибий қисмларини биз қараб чиқар эканмиз, унда дунёқарашнинг муҳим аҳамиятини назардан соқит қилмаслик даркор. Дунёқараш шахс қарашларини маълум тизимга солиб, унинг борлиққа муносабатини бирлаштириб, мотивларни мустаҳкамлаб яхлитлигича хулқ-атворини тартибга солади. Дунёқараш ўз ичига билим, кўникма ва малакани олиб, уларни амалиётга қўллаш йўлларини белгилайди. Унинг таркибига эътиқод ҳам киради. Эътиқод қарашларнинг мустаҳкамлиги,

шакланган қарашларнинг тўғрилигига асосланиб уларни фаолиятда амалга ошириш йўл, воситаларини белгилайди. Ишонч, эътиқод қарашлар маълум тизимини ташкил этиб, ахлоқий қарашлар, шахсий қадриятлар асосини ташкил этади ҳамда зўр мотивацион кучга шахснинг фаолиятини ҳаракатга келтирувчи сифатида намоён бўлади. Шу асосда шахс ўзини ва фаолиятини такомиллаштиришнинг ички натижаларини ташкил этади. Шахсда дунёқараш ва эътиқод таъсирида мотивациянинг юқори даражаси-идеал шаклланади.

Идеал инсон касб соҳибни ва шахс сифатида ўзига баҳо беришда кўринади. Идеал касбий такомиллашув мақсадига хизмат қилиб, педагогнинг ўз устида мунтазам ишлашида амалга ошади. Идеал педагогик фаолиятда ўқитувчининг ҳуқуқ-атворини ҳаракатга келтирувчи куч бўлиши учун идеал орзу сифатида эмас, балки педагог фаолиятининг ҳозирги ҳолати ва келажакини фаол ўзгартирувчи мотив сифатида намоён бўлмоғи лозим. Идеал педагогнинг ўз шахси ва таълим-тарбиянинг истиқболини кўра олиш ва унга эришишга ундовчи мотив бўлмоғи керак.

Бундан кўринадики, педагогик фаолият муваффақиятини ўқитувчи билими, кўникмалари ва малака белгилаб, унинг шахсий сифатлари орқали намоён бўлади. Шахс эса фаолиятининг мотивларида ўзини намоён қилади. Педагог кадрлар касбий маҳоратини ошириш жараёнида анланган қизиқиш ва мотивлар ётади. Касб маҳоратини оширишнинг ҳаракатлантирувчи кучи қизиқиш ва мотив бўлиб, унинг оқибатида билим, кўникма ва малакаларни ўрганиш, уларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ва амалий кўникмаларга айлантириш содир бўлади.

Педагогларда касбий такомиллашув ёки ўқув жараёнига қизиқиш уйғотиш учун ўрганиладиган ўқув материалга мос ўқитиш-ўрганиш воситалари, методи ва ташкилий шакллари танланиши, улар психологик ҳамда дидактик жиҳатдан асосланиши ниҳоятда муҳимдир. Фақат шундай ҳолатда тингловчиларда ўргатиладиган материалларга қизиқиш пайдо бўлади. Педагоглар ва таълим муассасалари раҳбарлари билан малака ошириш соҳасида кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, кўпчилик ҳолларда тингловчиларнинг қизиқишлари, касбий эҳтиёжлари ҳисобга олинмай ўқув жараёни ташкил этилади. Курсларда ўргатиладиган таълим-тарбия, касб-ҳунар ўргатиш жараёнларидан ажралган ҳолда ўтилади. Бунда тингловчиларда шундай тасаввур ҳосил бўладики, демак ўтилаётган материалларнинг унинг фаолияти ва шахс учун керакли жойи йўқ. Шунинг учун диққат билан уни тинглаш шарт эмас. Шундан келиб чиқиб тингловчи малака ошириш курсидаги ўзининг асосий вазифасин машғулотда иштирок этиш, деб билади.

Малака оширишга бундай салбий муносабатларнинг юқоридаги сабаби билан бирга ана бошқа бир неча сабаблари ҳам мавжуд. Чунончи, тингловчи педагогнинг фаолият йўналиши, шахсий сифатларининг педагог касби талабларига мос келмаслиги. Педагогик фаолият ўз моҳияти билан ижодийдир. Бундай сифатларга эга бўлмаган кишининг педагогик фаолият билан шуғулланиши унинг сифатлар билан ижтимоий талабнинг бир-бирига мос келмаслиги ички зиддиятга олиб келади. Бундай киши учун педагогик касбининг моҳияти ижтимоий аҳамият касб этмайди. Айрим ҳолларда бундай ўқитувчилар малака ошириш курсларида ўзлари учун ҳамма керакли методик кўрсатма, кўргазма,

қўлланмаларни тайёр ҳолда оламиз, деб курсга келадилар. Бунинг акси бўлгандан сўнг, малака ошириш ҳеч қандай фойдали эмас, деган хулоса чиқарадилар. Педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусияти шахс интилишининг ўқув жараёни эҳтиёжлари ва педагогнинг касбий ҳамда маънавий қизиқишларига йўналганлигидир.

Касбий маҳоратни ошириш жараёни педагогик қизиқишларни қондириш, ўқув жараёни ва шахсни такомиллаштиришга қаратилиши лозим. Шунинг учун малака ошириш ўзининг қайси бир томонлари билан шу талабларга жавоб бермаса, тингловчининг унга қизиқиши пасаяди ёки умуман йўқолиб, пассив, эътиборсиз бўлиб қолади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, малака ошириш жараёнига тизимли ёндашиб унинг мазмуни, мақсади, ташкил қилиш шакллари ўқитувчи шахси ва фаолияти эҳтиёжларига мос бўлиши зарур. Демак, малака ошириш курсларидаги ўқитишнинг энг муҳим принципи-ўқув жараёнини таълим муассасасидаги таълим-тарбия, касб-ҳунар ўргатиш жараёни билан боғлашдир. Бунинг учун малака ошириш муассасасида машғулот олиб боровчи шахс (ўқитувчи) тингловчиларни хоҳиш-истакларини билиш асосида ўз дарсининг мантиқий мазмунини ва йўналишини белгилаши лозим. Тингловчиларнинг ишончини қозониш учун уларни ўқув жараёни субъектига айлантириш, дарсларни интерактив методлар асосида ташкил этиш лозим. Машғулотни ўзаро ҳамкорлик асосида ташкил қилиб, тингловчилар билимини синаш, қизиқишларини аниқлаш, ўрганилаётган ўқув материалга муносабатини аниқлаш муҳимдир. Шу асосда курс маърузачиси ўзининг айнан шу соҳада етарли билимга эгаллиги, яъни бошқаларга билимлар ўргата олишини кўрсата билиши керак. Фикримизча, том маънодаги

ижодий изланувчан педагогнинг шаклланишида унинг хоҳиш-истаги муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, малака ошириш курсига тингловчилар нима мақсадни кўзлаб келганликларини билиб олиш ва уларнинг хоҳиш-истагини инобатга олиб ўқув жараёнини ташкил этиш юқори самара беради.

3.4. Ўқитувчилар фаолиятини ташхис қилиш жараёнида педагогларнинг шахсий сифатларини ҳисобга олиш

Ўқитувчилик фаолиятида фақат билим, кўникма, малакаларнинг ўзи етарли эмас. Ундаги билим, кўникма ва малака ўқувчи шахсини шакллантириш воситаси бўлиши учун ўқитувчидаги шахсий - ахлоқий ва касбий сифатлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Мустақиллик шароитида ўқувчиларда ўз Ватани, халқига садоқат, миллий ғурур, меҳнатсеварлик сифатларини тарбиялаш ўқитувчида бу борада чуқур билимга эга бўлиш билан бирга юксак ахлоқий сифатлар соҳиби бўлишини ҳам тақозо қилади. Ҳозирги шароитда ўқувчиларга чуқур билим, касб ўргатиш билан бирга уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ўқитувчининг шахсий - ахлоқий сифатлари белгиловчи рол ўйнайди. Шунинг учун ўқитувчи педагогик маҳоратининг таркибий тузилишида билим, методик маҳоратнинг яхлит уйғунлиги унинг шахсий сифатларисиз шаклланиши мумкин эмас.

Маълумки, касбий педагогик маҳорат ҳар бир ўқитувчида индивидуал хусусиятга эга ва у энг аввало унинг назарий ҳамда мустақил иш фаолиятининг маҳсули сифатида шаклланади. Унинг шаклланиш муддати ва

даражаси педагогнинг шахсий сифатлари ва касбига муносабати билан белгиланади.

Шунинг учун ўқитувчилик касбида, унинг касб маҳорати билан бирга шахсий сифатлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Касб маҳорати билан унинг шахсий сифатлари мос келиб, бир-бирини тўлдирса, бу ёш авлод таълим ва тарбияси муваффақиятини таъминлайди. Педагогик фаолият самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг шахсий, инсоний сифатларига боғлиқ. Шу сабабли ўқувчиларнинг ўқитувчига муносабати педагогнинг шахсий сифатлари таъсирида у ўқитадиган фанларга ҳам кўчади. Ўқитувчи шахсий сифатлари фанларнинг тарбиявий таъсирини кучайтириши ёки аксинча сусайтириши мумкин. Ўқитувчининг салбий сифатлари ўқувчиларга у ўқитадиган фанга нисбатан қизиқишни пасайтиради.

Ўқитувчи такомилда унда шахсий сифатларни шакллантириш уч муаммо билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Булар қуйидагилар:

Биринчи муаммо — шахсий муҳим сифатлари: ўқитувчи учун муҳим орзу, идеаллар, касб тасаввури, хаёли, касбга муҳаббат, садоқатни шакллантириш керак, зеро бу педагогик фаолият муваффақиятини таъминловчи, педагогик касб учун муҳим сифатлардир.

Иккинчи муаммо — мотивацион муаммо, педагогик фаолиятга ундовчи сабабларни ўқитувчи англаб етиши ва шунга кўра ўзида шу касб учун керак бўлган сифатларни: қизиқиш, қобилият, лаёқат, иқтидорни ривожлантириши, ўз касбини эгаллаш учун етарли бўлмаган сифатларни: кўникма, малака, одат-педагогик одобни шакллантириши, касбни эгаллашга халақит берувчи ўзидаги шахсий сифатларни (ўзини тута билмаслик, уятчанлик, йиғлоқилик, бўшанглик, ялқовлик)ни йўқотиши керак.

Учинчи муаммо — технологик бўлиб, ўзида педагогик маҳоратни шакллантириш методларини, воситаларини эгаллаши, ўқувчиларга уларни ёш ва индивидуал хусусиятларига кўра таълим ва тарбия бериш методларини ривожлантириши керак.

Педагог яхши шахс сифатида, алоҳида ақл, темперамент (мижоз) эгаси, ўзига хос ва касбига мос хулқ-атвори билан намоён бўлади. Педагогнинг касбий йўналиши ундан алоҳида ўзига хос шахсий сифатларни ривожлантиришини талаб қилади, шу сифатларнинг борлиги педагогик фаолият муваффақиятини таъминлайди.

Педагогик фаолият ўзига хос тузилишга эга бўлиб, унинг таркибий қисмлари, компонентларини ўз илмий ишларида Н.В.Кузьмина ўрганар экан, у педагогик фаолият муваффақиятини педагогнинг умумий ақлий сифатларидан:

1. Системалилик, тушунарлилик, танқидийлик.
2. Кузатувчанлик, ижодкорлик.
3. Нутқ маданиятини ажратади.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра ўқитувчи шахси тузилиши педагогик фаолият тузилишида ўз аксини топиши керак. Педагогик фаолият мазмуни педагог шахси мазмунини аниқлаб беради. Педагогик фаолият ўқитувчидан шунга мос педагогик қобилиятни талаб қилади, шуниси ҳам борки, ўқитувчи шахсий педагогик сифатлари ҳамма вақт ҳам педагогик фаолият тузилиши билан айнан мос бўлмайди.

Педагогнинг шахсий сифатлари тизимида сиёсий қарашлари ва дунёқараши муҳим бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчининг сиёсий йўналишлари унинг эътиқоди, дунёқараши асосида шаклланади. Ўқитувчининг бу

сифатлари унинг касбий йўналишлари, вазифалари, эътиқоди, ўқувчиларни тарбиялашга таъсир қилади. Ўқитувчида илғор, илмий-ғоявий дунёқарашнинг бўлиши педагогик фаолият самарасини белгилайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг ғоявий-сиёсий етуклиги ўқув-тарбия ишларига, унинг тамойилларига ҳам сезиларли таъсир қилади. Ўқитувчи таълим-тарбияни рисоладагидек олиб бориши учун унда чуқур билим билан бирга чуқур эътиқод ҳам бўлиши керак. Ўқитувчи сиёсий тарбиячи ҳам бўлиши керак, чунки ўқитувчи олий вазифа-янги баркамол авлодни шакллантиради. Бу олий ишни уддалаши учун энг аввало унинг ўзи ҳам тарбияланган бўлиши керак. Ўқитувчи шахсий сифатларининг шаклланишида касбий идеал муҳим ўрин эгаллайди. Тадқиқот натижасида шу нарса аниқландики, ўқитувчилар ахлоқий сифатлари (яхшилик, ҳақиқат, тўғрилиқ) ва касбий сифатлар (уюшганлик, босиқлик, ўқувчиларни тушуниш ва севиш)ни аниқ бири-бирдан ажрата олмайдилар. Идеал ўқитувчи образида уларнинг ҳар иккаласи бир хил аҳамиятли эканлигини эътироф этадилар. Сўровлар натижасида аниқландики, педагоглар идеал ўқитувчи шахсида муҳим сифатлар ҳалоллик, поклик, ҳақиқатгўйлик, талабчанлик, ташкилотчилик ва раҳбарликни ҳисоблайдилар. Сўровда иштирок этганлардан қарийб ҳаммаси (98 %) шунини эътироф этади.

Педагогик кадрлар малака оширишини уларнинг шахсий сифатларисиз тадқиқ қилиш бир ёқламаликка олиб келади. Жумладан, шахсининг энг муҳим хислатларидан бири унинг йўналганлигидир. Шахс йўналганлигида унинг маълум фаолиятга ҳозирлиги, қадриятлари, қизиқишлари, касбига нисбатан ҳаётий позицияси, бошқа кишиларга, ижтимоий ҳаётга

муносабати марказлашган ҳолда акс этади. Шахс йўналганлигида унинг ҳар томонлама муносабатлари, ҳаётий интилиши, режалари ва идеали ўз ифодасини умумлашган шаклда топади. Шахс йўналганлигининг ядроси бу "Мен". Унда шахснинг ўзини намоён қилиши, ҳаётий, фаолиятнинг у ёки бу соҳасида ўсиш ва ривожланиши акс этади. Шахснинг ижтимоий ва меҳнат фаолиятида ўзини намоён қилиши, унинг ўзини англашида яққол кўринади. Ижтимоий психологияда шахснинг ўзи ҳақидаги тасавури ўз "Мен"ида ифодаланиб, бошқа кишилар айниқса, у фаолият кўрсатадиган жамоа кишилари баҳоси, муносабатлари орқали намоён бўлиши аниқланган. Шахснинг ўзи ҳақидаги тасавури ўз "Мен"и асосида ташкил топиб, "Мен-образ" тарзини олади.

У ўзининг ичига:

А. Ўтмишдаги "Мен"ни.

В. Ҳозирги "Мен"ни.

С. Идеал "Мен"ни, яъни келажакда қандай бўлишини олади.

Бунда шахснинг ҳозирги ҳолатини баҳолаши ундаги ўзгаришлар (ижобий ёки салбий) асосида ўтмишдагиси билан солиштириб, идеал модел билан солиштиради. Шу асосда идеал билан талаб ўртасида табиийки, маълум фарқ мавжуд бўла олади. Умуман бундай фарқ ҳамма кишиларда бўлади. Масаланинг муҳим томони шундаки, шу фарқни англаш асосида шахснинг ҳаёт режаларини белгилаши, уни шахсий ва касбий маҳоратини такомиллаштириш учун ҳаракатлантирувчи куч сифатида хизмат қилади. Шахс идеали мақсад сари интилиш мотиви бўлиб, уни касбий такомиллашуви учун замин ҳисобланади. Педагогнинг ўтмишдан ҳозирга, ҳозирдан келажакка ҳаракати ўзига бино беришининг муҳим

мезонидир. Инсоннинг "Мен"-образини шаклланишини тадқиқ қилиш унда образнинг мазмуни ташкил этишининг умумий сифатларини аниқлаш имконини берди. Булар: интеллектуаллик-антиинтеллектуаллик, ташаббускорлик-пассивлик, ҳиссиётлилик-босиқлик, жиззакилик-ўзини идора қила олиши, чидамлилиқ-ялқовлик, ёқимлилиқ-ёқимсизлик жиззакилик-ишончлилиқ. Келтирилган мезонлар инсоннинг ўзига баҳо беришининг меъёрлари бўлиб, улар бошқа кишиларга муносабатини ифодалайдилар (66). Хўш, педагогнинг малака оширишида бу шахсий сифатлар дахлдорми? Шубҳасиз, дахлдор. Ҳар қандай фаолият маълум ички ва ташқи зиддиятларни енгиш билан боғлиқ. Касбий такомиллашув жараёни ҳам ниҳоятда қийин. У инсоннинг руҳий ва ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида билим, малака ва кўникмаларни, амалий фаолият қирраларини эгаллашни талаб қилади. Шунда шахснинг йўналтирилганлиги ва унинг ўзига баҳо беришидаги мезонларнинг ижобий томонлари муҳим бўлиб, ирода ва ҳарактерни қўйилган мақсадга йўналтириш учун хизмат қилади.

Тадқиқотда яна шу нарса аниқландики, ўқитувчиларнинг иш стажи ошиши билан "идеал", ўқитувчи тимсолида ахлоқий сифатларнинг аҳамияти ошади. Аммо иш стажининг маълум бир муддатида (10 йил) идеал ўқитувчи образида кескин ўзгаришлар кузатилмайди, Ҳалиям идеал ўқитувчи образида белгиловчи сифатлар анча ноаниқлик билан тасаввур қилинади. Унда биринчи ўринда идеал ўқитувчи образида ахлоқий сифатлардан яхшилик, ҳалоллик, поклик, ҳаққонийлик, кишиларга яхшилик тилаш туради. Иккинчи ўринда касбий сифатлар - фаоллик, талабчанлик,

ташкilotчилик, босиқлик, раҳбарлик, сўзамоллик, ҳиссиётлилик, ўзига ишонч туришини эътироф этадилар. Учинчи ўринда шахсий ёқимлилиқ сифатлари асосини ташкил этувчи: юмшоқлик, талабчанлик, баркамоллилиқ, қувноқлилиқ, ҳазилкашлиқ туриши аниқланди. Ўқитувчи шахси ва фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда шахсий сифатлар касбий муҳим хусусиятлар билан қоришиб, яхлитликда намоён бўлади. Шунинг учун методологик нуқтаи назардан касбий муҳим сифатларни ажратиш асосида педагогик фаолият бошқа ўқув фаолиятини (ўқувчи, тингловчи) рефлексив бошқариш ётади. Яъни юқоридаги сифатларнинг ҳар иккаласининг бирлиги ўқитувчининг ўқувчи (тингловчи)ни тушуниш ва унинг ўрнига ўзини қўя олиш (рефлексив) имконини беради. Шу жиҳатдан ўқитувчининг шахсий сифатларининг педагогик фаолияти учун аҳамиятини қўйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин: ўқитувчининг ўқувчининг (тингловчининг) ички дунёсини тушуниши, яъни ўзини ўқувчи ўрнига қўя олиши, унинг ҳолатига, фикрига қўшилиши, унинг қизиқиш ва ташвишларига шерик бўлиши. Бунинг учун ўқитувчида юксак маданият ва ахлоқий-ҳиссий сезгирлик бўлиши лозим.

Педагогнинг касбий муҳим сифатлари таркибида унда рефлексив ҳиссиётнинг ривожланганлиги, яъни ўқувчи ички дунёсини чуқур тушуниши, ҳамдард бўлиш, соддалик, уни ҳурмат қилиш муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи шахсий сифатларидаги ҳаракатчанлик ҳам унинг касбий фаолияти учун муҳим бўлиб, ўқувчига тез, фаол таъсир кўрсата олишда намоён бўлади. Ҳаракатчанлик ўқитувчида ички энергиясининг кўплигида, эгилувчан ва ташаббускорлигида, унинг турли-туман таъсир кўрсата олишида намоён бўлади. "Шундай сифатга эга бўлган

киши нафақат бошқа кишилар билан тез эмоционал мулоқотда бўла олади, балки бошқаларни ўзига эргаштира олиш, уларнинг муносабатларига таъсир кўрсатиш ва улар ҳаракат йўналишини белгилай олади. Шу билан бирга ҳаракатчанлик хусусияти педагогнинг вазиятдаги ўзгаришни тез ва эътибор билан фаҳмлаб, ўзининг педагогик таъсир стратегиясини ўзгартира олади”,- деб ёзади В.Н.Козиев (70).

Ўқитувчи фаолиятида ўзини, ҳиссиётини, қайғусини ва ўта хурсандлигини идора қила олиши сифатлари ҳам муҳим ҳисобланади. Ҳиссий барқарорлик: жиззакилик, ўз қайғусини ҳаммага ошкор қилиш, ўз ҳолатини бошқара олмаслик унга тесқари салбий сифатлар ҳисобланиб, педагогнинг ўзини тута олмаслигига олиб келади.

Демак, ўқитувчининг касбий муҳим сифатлари сирасига:

- а) ҳаракатчанлик;
- б) ҳиссий барқарорлик;
- с) бошқалар ҳолатини тушуниш киради.

Бу сифатларни ўқитувчилар тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида педагогларда шакллантиришга унга эътибор берилмайди. Улар умумий тайёргарлик тизимида, малака ошириш жараёнида эса турли фанларни ўқитишда ўша фан мантиқи доирасида умумий ҳолда тилга олинади, холос. Шу билан бирга қайд қилиш керакки, ўқитувчилар тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида уларни шакллантиришнинг махсус методикаси ҳам ҳанузгача ишлаб чиқилган эмас. Биз тадқиқотимиз давомида уларни шакллантиришда педагогик ўйинлар, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, ижтимоий педагогик тренинг, мунозарали вазиятларни муҳокама қилиш, микродарслар тарзидаги усуллардан фойдаландик.

Ўқитувчи касбий фаолиятида шахсий сифатлар билан бирга касбий - педагогик кўникма ва қобилиятлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг бу кўникмаларига: билиш, лойиҳалаш, коммуникатив-нутқ ва ташкилотчилик кабилар киради. Ўқувчилар таълим-тарбиясини ва уларга касб-кор ўргатишни муваффақиятли ташкил қилиш учун ўқитувчи уларнинг психикаси ва психик ҳолатларини чуқур билиши асосида ўқув жараёни учун зарур ахборотни танлаши ҳамда айни вақтда уни ўқувчиларга етказиши учун фаолияти ва хулқ-атворини назорат қила олиши лозим. Бунда ўқитувчи учун асосий қурол, унинг билиш кўникмаси (гностик) муҳим рол ўйнайди. Ўқитувчида билиш педагогик кўникмасини шакллантириш асоси унинг идроки, диққати, хаёли, тафаккури, ҳис қила олиш (интуиция) ва хотира ривожланган бўлиши лозим. Чунки билиш кўникмалари ўқитувчи педагогик фаолиятининг умумий интеллектуал асосини ташкил этади. Ўз навбатида билиш кўникмалари ўз тузилишига эга. Улар ўз ичига педагогик кузатувчилик, ўқувчи ички дунёси ва психик ҳолатини тез ва тўғри сеза олиш, педагогик вазиятларни сезиш ва тасаввур қилиш учун ижодийлик, ўзини, сўзини, ҳатти-ҳаракатини назорат қила олиш кўникмаларининг ривожланганлиги олади. Педагог доимо ўзини-ўзи назорат, ўзини-ўзи таҳлил қилиш асосида ўзини тартибга солади. Бу рефлексив ҳолатлар асосида тафаккур шакллари таҳлил, синтез, индукция ва дедукция, таққослаш, аниқлаш, умумлаштириш ётади. Худди шундай ўқитувчи касбий сифатлари таркибида таълим-тарбия ва ўз фаолиятини лойиҳалаштира олиш ҳам муҳим ҳисобланади. Лойиҳалаштира олиш ўз навбатида билиш ва йўналтира олиш вазифаларини бажариш билан бирга, ўқитувчининг амалий фаолияти учун шароит яратади.

Лойиҳалаштиришнинг таълим-тарбия жараёни ва педагогик фаолиятидаги функционал ўрни фаолиятнинг натижавий (охирги) образини тиклаш ва шу асосда қўйилган мақсадга эришиш режасининг бажарилишидир. Лойиҳалаштириш кўникмасининг амалий асоси психик жараёнлар ривожига асосланади. Лойиҳалаштириш кўникмаси шакли ва ҳаракатчан тасаввурга асосланиб, таълим-тарбия натижасини онгда образини моделлаштириш асосида охирги натижага эришишдир. Бунда амалий ва мантиқий тафаккур педагогик жараён технологиясини ишлаб чиқишдир.

Ташкилотчилик кўникмаси ҳам ўқитувчи касбий фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, у кўпчилик ҳолларда лойиҳалаштириш билан биргаликда, яхлитликда амал қилади. Ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнида режалаштирганини амалга ошириш ташкилотчилиги билан боғлиқ. Ташкилотчилик кўникмаси ўз ичига уч компонентни олади:

- а) ўқув материални баён қилиш жараёни;
- б) дарсда ўз хулқ-атвори, фаолиятини ташкил қилиш;
- с) ўқувчилар фаолиятини ташкил қилиб, уларни доимий фаоллаштириш, билишга, ўрганишга йўналтириш.

Ўқитувчи ўқув материални турли воситалар билан мунтазам баён қилиш билан бирга ўқувчиларни ҳам жалб қила олиши муҳим. Шу билан бирга ўқувчилар билимини пухта ўзлаштиришни ташкил қила олиши лозим. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчи фаолиятини билим ўрганишга жалб қилиши керак. Ўқувчилар билиш фаолиятини ташкил қилишда ўзаро ҳамкорлик, улар

билан биргаликда фаолиятни ташкил қилиши зарур. Шу билан бирга таълимнинг ҳамма босқичларида ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, керакли сўз, усул топа олиши унинг ташкилотчилигида намоён бўлади.

Ўқитувчининг касбий фаолиятининг муваффақиятли амалга ошишида, унинг ўқувчиларга сўз билан таъсир қила олиши ҳам муҳим ҳисобланади. Сўзамоллик, сўз билан таъсир педагогик фаолиятда муҳим вазифани бажаради. У орқали ўқувчиларга билим, фикр, эътиқод сингдирилиши учун сўз орқали ҳиссиёт бера билиш муҳимдир. Педагог сўзи таъсирида ўқувчиларга психик жараёнлар, психик ҳолат, ҳиссиётлар пайдо бўлиб, шахсий сифатлар шаклланади. Ўқувчиларга таъсир қила олишда сўз педагогик техника элементи сифатида намоён бўлса-да, у ўз навбатида педагогик маҳоратнинг намоён бўлиш даражасини ҳам ифодалайди. Бу борада А.С.Макаренко қуйидаги фикрни билдирган эди: «Мен ҳақиқий усто бўлолдим, фақат ўша вақтдаким, қачонки "бери кел"ни 15-20 хил (маънода) айта оладиган, сўзим, юзим, гавдамни 20 хил ўзгартира олганимдагина» (78, 208-209).

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида уларда касбий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун шахсий сифатларнинг ўрнини таҳлил қилар эканмиз, уларни шахснинг тузилишидан ажратиб қараб бўлмайди

Юқорида келтирилган шахс тузилишидаги компонентлар педагог касбий фаолиятига кучли таъсир қилади. Бу таъсирнинг йўналиши мазкур сифатларнинг ижобий шакланганлик даражаси билан, уларни касбий йўналганликка мос келишига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида уларнинг ҳам ривожланиш даражаси шахс фаолияти эҳтиёжи ва шахснинг жамият, у яшаётган муҳит,

касбдошлари билан шакланган муносабатлар тизимига боғлиқ бўлади.

Бунда шахснинг умумий сифатларини ғоявий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик ҳислатлар ташкил этиб, улар шахс индивидуаллигининг асосини ташкил этади. Шахснинг алоҳида сифатларига унинг индивидуал тажрибаси ва касбий фаолияти киради, Уқитувчида булар унинг назарий ва фан бўйича методик тайёргарлиги, психологик ва педагогик билимида намоён бўлади. Буларга яна махсус касбий кўникмалар ва шахс хусусияти сифатида билиш, лойиҳалаштириш, коммуникатив, ташкилотчилик қобилиятлари ҳам киради. Шахснинг индивидуал-такрорланмас сифатларига-психик функцияларнинг индивидуал хусусияти ва олий нерв фаолияти, темперамент ва айрим жисмоний сифатлар ҳам кирадики, қачонки улар ўқитувчилик касби учун аҳамиятлидир. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, бу сифатлар ҳар бир кишида ҳар хил намоён бўлади. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш жараёнларини тадқиқ қилиш ва улар фаолиятини кузатиш шунини кўрсатдики, касбий муҳим сифатлар фақат махсус билим ва кўникмалар бўлиб қолмай, бошқа сифатлар ҳам таъсир кўрсатади. Булар аввал айтилган миллий истиқлол мафкураси, ватанпарварлик, ғоявийлик ва қатор ижтимоий сифатлар ҳам педагогнинг шахсий ва касбий муҳим сифатларига кучли таъсир ўтказади. Бу сифатлар ўқитувчи фаолиятининг ғоявий-сиёсий йўналишини белгилайди.

Педагогик маҳоратни эгаллашда ўқитувчининг педагогик вазифаларни умумлаштириш, кўчира олиш, таҳлил қила олиш, ҳамда ўзининг маҳоратининг сифатини баҳолай олиш, камчилик ва ютуқларни кўра билиш унинг муҳим пиллапоялари бўлиб хизмат қилади. Бунда охириги

натижа педагогнинг қатъий мақсадга қаратилган фаолияти ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу ўзини педагогик йўналганликда ўз ифодасини топади. Касбий педагогик йўналганлик касбга лаёқат, унга қизиқиш, севиш, завқ билан шуғулланишдан иборат. Шу билан бирга педагогик жараённинг муҳимлигини ижтимоий зарурлигини чуқур англаш фаолиятда йўналишни кучайтиради. Англаш шахс фаолияти билан боғлиқ. Эътиқод эса кишининг касбига муносабатининг асослиги, муҳимлиги ва шахсий, касбий жиҳатдан асосланганлигини тақозо қилади. Педагогик йўналганлик умуман шахснинг йўналганлигидан фарқ қилади. Бу фарқ шунда намоён бўладики, шахс йўналиши анча кенг, аммо педагогик йўналиш фақат ўқитувчиликка доир маълум сифатлар доирасидаги сифатларни шахсда бўлишини тақозо қилади. Чунончи, педагогик йўналиш учун адабиёт, санъат, фан ва ижтимоий фаолият ишда муҳим бўлса, бошқа айрим касблар учун унча зарур эмас. Агар педагог бу соҳаларга қизиқмаса, унда педагогик йўналиш бўш бўлади. Педагогик йўналишнинг яна бир муҳим компоненти ўқитувчининг ўз касбини эмоционал-зўр ҳайрат, ҳаяжон билан севишида намоён бўлади. Ўқитувчи ўз касбида уни қизиқтирувчи, ҳайратга солувчи, жалб қилувчи томонларини қанча кўп кўрса, шунча у билан шуғулланиш иштиёқи кучаяди, педагогик вазифаларни муваффақиятли ҳал қилади. Ўқитувчининг педагогик йўналишида болалар билан ишлаш, уларни ўқитиш, тарбиялашга ва ўқитадиган фанини севиши ҳам муҳим ҳисобланади. Тадқиқот ва кузатишларимиз педагогик йўналиш, педагогик касбдан қониқиш, унинг ўсиши эса педагогик маҳоратни эгаллаш даражасига боғлиқлигини кўрсатди.

Шундай қилиб кўрамизки, шахсий сифатлар касбий эҳтиёжга мос келиши, уларнинг касбий сифатлар билан омукталиги ўқитувчининг педагогик фаолиятининг муваффақиятини белгилайди.

Савол ва топшириқлар.

1. Педагогик маҳорат тузилишини эсланг.
2. Педагогик ҚТ ва МО ёш хусусиятларини ҳисобга олиш нима учун керак?
3. ҚТ ва МО ўқитувчи фаолият мотивларини инобатга олишнинг аҳамияти нимада?
4. Педагог шахсий сифатлари сирасига нималар киради?
5. Ўз фаолиятингизни доимий кузатиб, таҳлил қилиб борасизми? Нима учун?

ХОТИМА

Малака ошириш жараёнида тингловчилар таркибини табақалаштиришнинг мақсади ўқув-тарбия жараёни сифатини ошириш, шу асосда уларнинг ўз билимини чуқурлаштиришга бўлган эҳтиёжларини ва касбий эҳтиёжини қондириш бўлиб ҳисобланади. Табақалаштиришнинг вазифаси эса тингловчилар таркибини сифатли шакллантириш уларни касб маҳорати ва шахсий сифатларининг ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб оптимал мезонларини аниқлашдир. Табақалаштириш мезонларини аниқлаш эса қайси жиҳатларни кучайтириш, салбий таъсир қилувчи омилларни олдини олиш имконини беради.

Кўраётимизки, табақалаштириш мақсади ва вазифалари ижтимоий зарурат бўлиб, мустақиллик шароитида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришни, ўз навбатида малака ошириш жараёнини ҳам қайта қуришни тақозо қилади. Табақалаштириш педагогик тадбир сифатида малака оширишда тингловчилар таркибини шакллантирганда уларнинг ўзига хос жиҳатлари ва касбий маҳоратига ўртача ёндошишни олди олиш имконини беради.

Табақалаштириш уч хил шаклда ташкил қилиниши мумкин:

1. Ички, яъни ҳар бир гуруҳ ичида.
2. Ташқи, махсус, яъни реал ўқув имкониятларини инобатга олиб.
3. Индивидиал.

Малака ошириш тизимида ички табақалаштиришни амалга ошириш анча қулай. Аммо бунда ўқув жараёнида тахсил олувчиларнинг индивидиал фарқлари ва

мустақиллиги хусусияти ўртача ҳисобга олинади. Табақалаштиришнинг бу шаклида тингловчиларнинг касбий маҳорат даражаси, шахсий қизиқишларини инобатга олиш қийин. Шунинг учун, бунда ўқув материали қийинлиги ўртача танланади.

У узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғинида табақалаштириш ҳошиш билан эмас, балки эҳтиёж асосида табдирларни амалга ошириш билан боғлиқ. Энг аввало уни методологик, умумпедагогик, психологик ва дидактик жиҳатларини ва буларни ўқув жараёнига тадбиқ қилувчи ўқитувчиларни тайёрлаш билан боғлиқ. Унинг илмий асосларини ишлаб чиқиб, ўқитувчилар унга тайёрланмаса, яна бошимиз ўртамиёна ёндошишдан чиқмайди.

Малака ошириш тизимида фаолият кўрсатувчи ўқитувчилар таъкидлайдиларки, ҳар доим гуруҳларда тингловчиларнинг тайёргарлигини уч хил: кучли, ўртача ва пастни маҳоратлиларни учратиш мумкин. Ўқитувчи тенглаштириш принципи асосида ўқув материали мазмунини кучли тингловчига таяниб танласа, кучсиз тингловчининг мазкур ва бошқа фанларга бўлган қизиқиши пасаяди. Агар ўқитувчи паст таёргарлиги бўлган тингловчига таянса, бунда юқори ва ўртача тайёргарлиги бўлган ўқитувчилар малака оширишдаги ўқишга қизиқиши йўқолади. Шунинг учун ўртача ёндошиш принциpidан воз кечиb, тахсил олувчиларнинг реал индивудиял хусусиятларини ҳисобга олиш шу куннинг тақозоси ҳисобланади.

Шундай қилиб, табақалаштиришнинг иккинчи шакли-ташқи. Бу тингловчиларни таркибини маълумсти (олий) ва бир хил касб ўқитувчилари билан ҳарактерланади, яъни тингловчилар таркиби шу белгилар асосида шакллантирилади. Ёки тингловчилар таркиби ҳар хил

фан ўқитувчиларидан иборат бўлиб, ўқув жараёни уларнинг иш тажрибаси:

- ёши;

- педагогик мутахассислиги физик, математик, химиклигидан қатъий назар педагогик маҳорати бир хиллиги эътиборга олинади;

- малака оширишда маълум аниқ муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам шундай ёндошиш мумкин. Чунинчи: шу ҳудуд учун муҳим – ўқувчилар касб танлаш билан боғлиқ ота-оналарни ўқитиш, оилада таълим-тарбия масалалари бўйича курслар ташкил қилишда;

- касбий фаолиятларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда янада юқорироқ ташкил қилиш учун маълум билимларни олиш зарурлигидан келиб чиқиб.

Ҳозирги вақтда кўпчилик ҳолларда малака ошириш муассасаларида тингловчиларни иш стажи, маълумоти (олий ёки ўрта махсус) мутахассислик (маълум фан ўқитувчиси) табақалаштириш учун илмий асос бўла олмайди.

Таъкидлаш лозимки, ўқитувчининг «Иш стажи» ва «Касбий тажрибаси» тушунчалари бир хилликни англатмайди. Иш тажриба – мутахассиснинг шу соҳада ишлаш вақтини билдиради, касбий тажриба эса унинг билим, кўникма, малакалари ва касбга доир шахсий сифатларининг мажмуини ишлаш даврида эгаллашини билдиради. Иш стажи ва иш тажрибаси ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлсада, уларни тенглаштириш керак эмас. Чунки улар ўртасида ҳамма вақт ҳам тўғри мутаносибликни кўриб бўлмайди. Яъни иш стаж қанча кўп бўлса, иш тажрибаси ўз-ўзидан кўп бўлавермайди. Бир хил иш стажига эга бўлган ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш кўрсатдики,

уларга билим, кўникма, малакалар, амалий тажрибаси ва маҳорат даражаси ҳар хил бўлади.

Малака оширишда таълим мазмуни, шакл ва методлари, уни ташкил қилиш мезони тингловчиларининг билим, кўникма ва малакалари ва шахсий сифатлари бўлиб, уларнинг педагогик маҳоратида ўз ифодасини топади. Айнан мана шу икки бир-бирига боғлиқ касбий белгилар ўқитувчи ишида белгиловчи ҳисобланади

Ўқитувчи касби-малакавий тузилишини анча муфассил очадиган бўлсак улар қуйидагича мазмун касбэтади.

1. Ўқитувчининг шахсий сифатлари: сиёсий-ғоявий савияси, ижтимоий фаоллиги, ишда янгиликни хис қила олиши, педагогик фаолиятга йуналганлиги; талабчанлиги; инсонпарварлиги; жиддийлиги ўзига адекват баҳо бериш даражасининг шаклланганлиги;

2. Ўқитадиган фанини ўқитиш учун зарур билим, кўникма ва малакалар: ўз фанининг илмий-назарий ва амалий асосларини билиши; ўқув ишларини оптимал режалаштириш, ташкил этиш: ўқувчилар фикрлаш жараёнини ва интеллект ривожини бошқара олиши; уларга ўқишга ва фанга қизиқишни ўстириш; таълим жараёнига табақалаштирилган ва индивидуал ёндашишни амалга ошириш; ўз фаолияти натижаларини ташхис қила олиш:

3. Ўқувчилар билан тарбиявий ишларни ташкил қила олиш кўникма ва малакалари: тарбиявий жараённинг педагогик ва психологик асосларини билиш; тарбиявий ишларни оптимал режалатириш, ўқувчилар тарбияланганлик даражасини ва натижасини баҳолай олиш, ўқувчилар ижтимоий ташкилоти билан ишлай олиш кўникма ва малакалари, ягона талаб бўйича ўз фаолиятини бошқалар билан уйғунлаштира олиш.

4. Малака оширишни ташкил қилиш даражаси:

мустақил ишлаш кўникмаларини эгаллаганлиги, уни режалаштириш ва ташкил қила олиш, ўзгартира олиш, мунтазам равишда ўз билимини ҳамма йўналишлар бўйича ошира олиш, илмий, илмий-оммабоп махсус адабиётларни конспектлаштириш, улар бўйича реферат ёза олиш; турли хил ишларни малака ошириш билан уйғунлаштира олиш.

Бу умумий эталон даражалар бўлиб, олиб борилган тадқиқотлар кўрсатадики, улар ўқитувчиларда турлича шаклланган. Шунинг учун уларни уч хил касбий малака «юқори», «ўртача», «паст» жиҳатидан табақалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқори касбий малакага эга ўқитувчилар учун характерли бўлган сифатлар:

1. Педагогик фаолиятида ижодкорлик; педагогик вазифаларни ечишда янги ечимларни топиш; янги ғояларни фаол қўллаб-қувватлаш; ўқувчиларга тўғри ёндаша олиш, ҳақиқатгўй бўлиш; ўз фаолияти ва шахсини ташхис қила олиш.

2. Дарс берадиган фани бўйича чуқур ва ҳар томонлама билимга эга; фан янгиликлари бўйича эркин йўналиш олиш; ўз тажрибасини ва илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштиришнинг шакл, методларини билиш; илмий тадқиқот йўналишларини эгаллаганлиги; ўқув материалида муҳим, асосийсини ажрата олиш; ўқув жараёнига ЯПТ ва ИТларни қўллаш; ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикрлашни ўстириш; индивидуал ёндашишни амалга ошириш; ўқувчиларда ўқув меҳнати, фанга бўлган қизиқишларини ўстириш, дарснинг уч яхлит мақсадини амалга ошира олиш; ўқувчилар фаолиятини мукамал ташкил қила олиш.

3. Ўқувчилар билан тарбиявий ишларни моҳирона режалаштириш ва ташкил қила олиш; тарбиянинг педагогик-психологик асосларидан фойдалана олиш; ўқувчилар жамоаси билан ишлаш кўникмаларини эгаллаш; синф раҳбарлиги вазифасини яхши уддалай олиш.

4. Ўз устида мустақил ишлашни режалаштириш ва мунтазам амалга ошириш; фан, педагогика, психология ўқитиш методикаси янгиликларини ўрганиш ва ўз фаолиятида қўллаш; ўз фани ва бошқа соҳалар бўйича ўз кутубхонасига эга бўлиш, илмий-тадқиқот кўникмаларига эга бўлиш.

Юқорида баён қилинган касб маҳорати ва шахсий сифатларига эга бўлган ўқитувчилар асосан ижодкор, педагогик меҳнатининг машъаллари ҳисобланиб, улар ишлаётган педагогларнинг умумий сони тахминан 15-25% ни ташкил этадилар. Ишлаётган ўқитувчиларнинг асосий қисмини ўртача касбий ва шахсий сифатлари ривожланганлар ташкил этади. Улар учун касбий ва шахсий сифатлар даражаси қуйидагича:

1. Етарли ғоявий-сиесий савия ва ижтимоий фаолликка эга, болалар билан ишлаш истаги бор; ўқитувчилар ва ҳамкасблари билан муомалада педагог одобга риоя қилади; ўзига ва бошқаларга талабчан; ўз-ўзига баҳо бериш даражаси касбий фаолият даражасига мос эмас; янгилик, янги ғояларга ва ўқув жараёнини баҳолаштиришга аҳён-аҳёнда интилади.

2. Ўз фанини етарли эгаллаган; ўқитиш жараёнини педагогик-психологик асосларни билади; таълим-тарбияни амалга ошириш расмана эмас, аммо ҳамма вақт ҳам яхши натижага эриша олмайди; таълим тарбия мақсадини англаган ҳолда, аммо уни тўла дидактик ва тарбиявий

жиҳатдан амалиётга қўллай олмаслик; ўзи тута билиш, аммо ўқувчиларга чуқур билимларни шакллантира олмаслик, ўқувчиларга ижодий ва мустақил фикрларни ўстириш хошиш даражасида.

3. Ўқувчилар билан тарбиявий ишларни режалаштира олиш, аммо уни тўла амалга ошира олмаслик; тарбиявий ишларнинг педагогик ва психологик асосларини эътироф этиш, аммо тўла амалга ошира олмаслик, дарсдан ташқари тарбиявий ишларга етарли баҳо бермаслик ва уларни мунтазам ўтказмаслик, ўқувчилар муаммолари билан ишлаш истагини юқори эмаслиги, таълимнинг тарбиявий имкониятини тўла амалга ошира олмаслик.

4. Ўз устида ишлашга ва янгиликларга интилиш, маъруза, ахборотларни тайёрлаш ва кишилар олдида чиқишга интилиш, амалий иш билан мустаҳкамланмаган. Мунтазам ўқишга иштиёқининг юқори эмаслиги, китобхонликка эмас, бошқа соҳаларга интилишнинг кучлилиги.

Паст даражадаги касбий ва шахсий сифатларга эга ўқитувчилар учун характерли хусусиятлар.

1. Ғоявий-сиёсий савиянинг пастлиги, сиёсий воқеаларга қизиқишнинг пастлиги; янгиликка интилиш ғоясининг етарли шакланмаганлиги; андозага асосан ишлаш истагининг кучлилиги; ўқувчилар ва ҳамкасблар билан мулоқотда қийинчилик билан киришиш; ўзига ва бошқаларга етарли талаб йўқлиги; ўзига юқори баҳо бериши.

2. Ўзи дарс берадиган фанни юзаки, ёки дарслик доирасида билади; таълим жараёнининг расмана, ўқувчилар хусусиятини ҳисобга олмай; ўқув-тарбия жараёнини мақсад ва вазифаларини тўлиқ англамаслик илмий асосда эмас, балки интуитив ҳал қилиш; таълим

жараёнига табақалаштириш ва индивидуал ёндошишни билмаслик; ўқувчилар билимини баҳолашга юзаки қараш.

3. Ўқувчилар тарбиясини ташкил қилишнинг илмий педагогик асосларини англайолмаслик, синфдан ташқари тарбиявий ишларни эътиборсизлик билан амалга ошириш, ўқувчилар ижтимоий ташкилотлари ишларига қизиқмаслик.

4. Доимий равишда ўз савиясини, педагогик маҳоратини оширишга қизиқишнинг пастлиги, янгиликларга интилмаслиги, маъруза ва ахборотлар билан чиқмаслик. Юқорида таъкидланганидек, бундай ўқитувчилар фаолият кўрсатаётганларнинг 15-20 % ини ташкил этади.

Юқоридагилардан кўринадики, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни табақалаштириш мазкур жараённинг энг мураккаб педагогик, ташкилий ва иқтисодий муаммоси ҳисобланади. Республика Ҳукуматининг эслатилган қарорида ва М.С.Яҳёев мақоласида бунга ташхис қўйилди. Уни расмий Низоми, қоида, тартибини ишлаб чиқиш бу соҳа мутасаддилари ва илм аҳлининг долзарб вазифасидир. Биз эса тадқиқот мантиқидан келиб чиқиб, баҳоли қудрат ўз муносабатимизни билдирдик.

Шундай қилиб, табақалаштиришнинг мақсади педагогик муаммо сифатида ўқув жараёнининг ўқитувчи педагогик фаолиятини такомиллаштириш имкониятини кенгайтиришдир. Таълимни табақалаштиришда малака оширишнинг ҳар бир шакли ўқитувчи касбий тайёргарлик даражасига ва имкониятларига мос келади.

Таълим жараёнига замонавий инфор­мацион-техник воситалар ўқитиш методикасига, таълим мазмунига, таълимни бошқариш соҳаларига кескин таъсир қилиб,

уларни ислоҳ қилишни тақозо қилмоқда. Ўз навбатида билим олиш ва малака ошириш имкониятларини ҳам кенгайтирмоқда. Бунинг оқибатида INTERNET орқали фан соҳасида дунёда рўй бераётган янгиликларни билиб олиш, улардан ўз амалий фаолияти, маънавий эҳтиёжлари, таълим-тарбияда фойдаланиш имконияти туғилмоқда. Шу асосда масофавий таълим олиш ва малака ошириш мустақил билим олиш асосида касбий маҳоратини такомиллаштиришнинг қулай шакллари пайдо бўлмоқда.

Ўқитувчи билиши керак:

- миллий истиқлол мафкураси ва унинг таълим-тарбия, ижтимоий ҳаётдаги ўрни;
- таълим ислоҳотида доир муҳим ҳужжатларни;
- маънавий, маърифий, маданий ва маориф соҳасига доир ҳукумат қарорларини;
- Президентнинг таълим-тарбияга доир асарларини;
- ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги муҳим ўзгариш ва воқеаларни;
- ўзи дарс берадиган фанни ва унинг илмий-назарий муаммоларини;
- янги педагогик ва ахборот технологияларини;
- компьютер технологияларини, интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш кўникмаларини;
- шахс психологияси, ижтимоий-психология муаммолар (фаолият мотивлари) ва психолого-физиологик (ёш, индивидуал хусусиятлар), катталар таълими муаммоларини;
- тингловчилар хусусиятига кўра таълимни ташкил қилиш шакл ва методларини танлашни;
- педагог фаолиятининг тузилиши ва шахс тузилишини;
- педагоглар касбий, ахлоқий, шахсий сифатларини;
- предметлараро алоқадан фойдаланиш;

- риторика ва нотиклик санъати асосларини;
- болалар ҳуқуқларига оид ҳужжатларни;
- таълим-тарбиянинг долзарб-ҳозирги замон муаммоларини;
- илмий ижод методологияси ва илмий-педагогик тадқиқот методларини;
- тарбия назарияси, ўқувчиларни касбга йўллаш асосларини;
- ўқувчиларни ўрганиш методларини;
- ўқувчилар ва тингловчилар билимини янги технологиялар асосида баҳолаш муаммоларини;
- таълимнинг давлат стандартларини;
- ўқувчиларни мустақил билим олиш ва фикрлашга ўргатиш усулларини;
- ўз фаолиятини ўзи таҳлил қила олишни;
- қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг илмий-назарий асослари ва уни ташкил қилиш шакл ва методларини;
- илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва ундан таълим-тарбия, касб ўргатишда фойдаланишни;
- педагогик маҳорат асосларини, педагогик технологияни;
- мулоқот, муомала, шахслараро муносабатларнинг асосларини.

Ўқитувчи бажара олиши, қила билиши керак:

- ўз фаолияти ва ўқув жаранида миллий истиқлол мафкурасини қўллай олиш, ўқув жараёнини ғоявий ташкил қилиш;
- катталар таълими педагогикаси талаблари асосида ўқув жараёни, тингловчилар билан муомала, муносабатни ташкил қилишни;

- Президент асарларидан, таълимни ислоҳ қилиш ҳужжатларидан ўқув жараёнида фойдаланишни;
- таълим жараёнини ўқув юрти, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар билан боғлай олишни;
- умумий методология ва ўз фани методологиясини;
- янги педагогик ва ахборот воситаларидан таълим-тарбияда ўринли фойдалана олишни;
- тингловчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ташкил қилиш;
- тингловчиларни амалий тадқиқотга жалб қила олишни;
- педагогик илмий тадқиқот методларидан моҳирона фойдалана билишни;
- ўз фаолиятида тингловчиларнинг мустақил билим олишининг қулай усуллари билиши;
- ўқув, илмий тадқиқот ишларини режалаштира олиши, мавзули режаларни, дарс мажмуасини туза олишни;
- тингловчилар ва ўқувчилар билимини баҳолашнинг ҳозирги замон усуллари;
- синфдан, мактабдан ташқари таълим-тарбия ишларини ташкил қилиш методикасини;
- ўз фаолияти ва тингловчиларнинг ўз фаолиятларини ўзлари таҳлил (ауто таҳлил) қилишни ва ҳ.к.

Булар ҚТ ва МО тизими ўқитувчиси учун умумий талаблар бўлиб, таълим турига қараб алоҳида тавсифлаш ва даражалаш лозим.

Бундай ўқитувчиларни тайёрлаш жуда муҳим ва анча мураккаб. Аммо ҳозир ишлаётганларни илмий асосланган ҳолда, етарли моддий база, кадрларга эга ўқув юртларида мунтазам равишда малакасини оширишини ташкил қилиш ҳам долзарб ҳисобланади. Уларни доимий равишда фан-техника, иқтисодий, педагогика, психология, катталар педагогикаси ютуқларидан хабардор қилиб туриш зарур.

Улар таълим жараёнининг методологик муаммолари, ёшларнинг ҳаёти, шахслараро муносабатлар борасидаги янгиликларни ўз вақтида билишлари лозим. Буларни маълум бир режа асосида, марказлашган ҳолда ташкил этиш керак.

Шундай қилиб, ҚТ ва МО тизими учун юқори малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ижтимоий зарурият ҳисобланади. Уни ечилишини эслатилган ҳукумат қарори ҳаётий эҳтиёжга айлантирди, десам хато бўлмайди.

Бугунги кунда таълим методидан фойдаланиб, турли мактабларда ишловчи ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини курсдан кейин таҳлил қилиш ва улардаги ўзгаришларни белгилаш таклиф қилинди. Уларнинг саволларига берган ёзма жавоблари қуйидаги ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатди:

- дарснинг мақсади вазифасини тушуниш даражаси;
- дарснинг яхлит уч дидактик мақсади;
- таълимий, ривожлантирувчи тарбиявий мақсадларини аниқлаш;
- дарсга тайёрланиш ва ўтказиш жараёни;
- таҳлил ва ўз-ўзини таҳлил сифати;
- илғор педагогик тажриба моҳияти ва аҳамиятини тушуниш;
- дарс конспектини тузиш;
- ўз устида мустақил ишлаш режасини тузиш ва ҳ.к.

Келтирилган ўзгаришлар ўқитувчилар фаолиятидаги муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Бундан ташқари кўрсаткичлар сифатида ҳамкасбларнинг дарсларга ўзаро кириши ва таҳлил қилиши; ўқувчилар учун тарбиявий иш тадбирларни ташкил қилиш; ўз-ўзини кузатиш, ўз-ўзини таҳлил, ўзига баҳо бериш каби жиҳатлар ҳам муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Ўқитувчилар ишида курсдан кейинги даврда рўй берган ўзгаришлар кўрсаткичида ўз фаолиятларидаги педагогик қийинчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ўзлари ташхис қила олиш методларини билиши курсдаги ўқишдан олдин ўз фаолиятларидаги қийинчиликларини аниқлашларига ёрдам беради. Ўқитувчилар малака ошириш жараёнида қийинчиликлардан халос бўлиб, бир вақтнинг ўзида мактабда ишлаб ўз фаолиятлари моҳиятини англаш, ундаги камчиликларни тушуниш имкониятларига эга бўладилар. Бу уларнинг янгидан янги, аввал фаҳмламаган камчиликларни аниқлашлари учун асос бўлади. Курс машғулотларининг ўқитувчилар педагогик фаолиятига ундан кейинги таъсирини объектив баҳолаш кўрсаткичи сифатида таҳлил воситасида педагогик қийинчиликлари йўқолиш ёки уларни камайиши, аниқроғи ўзгарувчанлигини ҳам олиш мумкин. Аммо таъсирчанлигини бундай баҳолаш компитент судьялар томонидан амалга оширилмоғи лозим. Шу билан бирга ўқитувчи иши сифатига курс машғулотлари таъсирини ўқувчилар билими сифати даражасига таъсири орқали ҳам аниқлаш, педагогик жамоада малака оширишни, айниқса методик ишларни, ўқитувчиларнинг ўзлари мустақил билим олиш йўналишларини кучайтиришга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган педагогларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида фаолиятларидаги ўзгаришларни аниқлашнинг эмперик усуллари ҳукуматнинг қарорида белгиланган ва ХТВ ишлаб чиққан давлат талабларини амалга оширишга бўлган уринишдир. Бу билан мазкур масала ҳал қилинди, деб бўлмайди. Ҳукумат қарори ва ХТВнинг ишлаб чиққан ҳар бир фан

ўқитувчисига қўйилган талаблар ва малака тоифалари кесимида қайта тайёрлаш ва малака оширишни педагог фаолиятига таъсирини ЯПТ ва ИТлар, айниқса компьютер технологияси асосида ишлаб чиқишга жиддий киришмоқ лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида малака оширишнинг “устоз-шогирд” методидан ташқари “Ижодий таътил” шаклини ҳам муҳимлиги таъкидланади. Ижодий таътил педагогга педагогика кенгаши қарори билан берилиб, у янги дарслик, ўқув қўлланма ёзиш, замонавий ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқув-тарбия жараёнига жорий этиши учун берилади. Шунингдек, ўқитувчи номзодлик диссертацияси, китоб-монография устида ишлаётганида ҳам бериладиган малака ошириш шакли хисобланади. Жумладан, келтирилган ҳукумат қарорида педагогик жамоада малака ошириш шакли сифатида очик ўқув машғулотлари, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари, ўқитишнинг интерактив методлари асосида ташкил қилиш тарзида бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Бундай машғулотларга етук олим, тажрибали педагоглар таклиф этилади. Ушбу машғулотнинг сифати таълим муассасаси илмий-методик ёки педагогика кенгашида муҳокама қилиниб баҳоланади.

Шунингдек, илмий, илмий-методик семинар, конференциялар, педагогик ўқиш ва август кенгашларида таълим-тарбия, уни технологиялаштиришга бағишланган долзарб мавзуларга қилинган маъруза ҳам малака ошириш тарзида эътироф этилиши мумкин. Маълум мавзулар бўйича тадқиқот натижаларини эълон қилиш учун

қилинган маърузалар, уларнинг тезислари ҳам шундай аҳамиятга эга бўла олади. Ўқитувчининг йирик илмий анжуманларга маъруза билан чиқиши, ўз тажрибасини ўртоқлашиши унга таълим – тарбиянинг замонавий хусусиятлари ва технологияларини эгаллашига асос бўлади.

Таълим ислоҳотини амалга ошириш одимлари ва самараси кўп мингли ўқитувчилар ва раҳбарларнинг юксак онглилик ва ақл-заковатига боғлиқ. Чунки ислоҳот илгари сураётган муаммоларни ҳал қилиш, улардан тинимсиз ўқиш ва ўрганишни талаб қилади. Бу эса доимий изланиш асосида ёш авлод таълим-тарбиясига истиқлол илгари сураётган мураккаб масалаларни ечиш калитини беради. Доимо изланиш, ўқиш, янгиликка интилиш ва уни педагогик фаолиятига қўллаш педагог учун нафақат ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондириш воситаси, балки касбий зарурат ҳисобланади. Чунки ўқиш, ўрганиш педагогларга хос хусусият бўлиб қолмай, улар бу сифатларни ўз ўқувчиларига ҳам сингдиришлари керак. Ёшлигидан ўқиш ва билишга ташналикка ўргатилган инсон бутун умри давомида ўз маънавий ва касбий қизиқишларни мунтазам қондириб, ўз маънавиятини ошириш орқали касбий бурчини юқори савияда амалга оширади. Бу билан у фақат ўз камолотини таъминлаб қолмасдан, балки атрофдаги кишиларга – ўз фарзандлари, ҳамкасблари ва жамиятга ҳам маънавий ва моддий фойда келтиради.

Мамлакатимизда дунёга келган ҳамма ёш гўдаклар таълим тизими орқали оила, жамоа ва жамиятнинг тўла қонли фуқароси бўлиб шаклланади. Айниқса мамлакатимизда мажбурий 12 йиллик таълимнинг жорий қилиниши ҳамма ёшларни таълим тизими орқали шахс ва

касб соҳиби сифатида ҳаётга қадам қўйишлари учун ижтимоий шароит вужудга келтирди. Тажриба кўрсатадики, инсондаги сифатларининг пойдевори мактабда шаклланади, унинг касбий фаолияти эса шу пойдеворни мустаҳкамлаб, кейинги баркамоллигини таъминлайди. Шунинг учун айтадиларки, ёшлиқда олинган билим, тошга ўйилган нақшдир. Инсондаги юксак инсоний-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий сифатлар мактаб таълимининг ҳосиласидир. Мактаб том маъноси билан инсони яратади. Шунинг учун ҳозир мактаб қанақа бўлса, келажак ҳам унга боғлиқ. Мактаб ҳаёт ойнаси. Жамиятнинг бутун муаммолари унга ўз таъсирини ўтказди. Мактаб жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида унинг муаммолари ечимини тарбиялаётган кишилари орқали ҳал қилади. Ўз навбатида мактаб ҳаммавақт жамият эътиборига эҳтиёж сезади.

Мактаб жамиятнинг таркибий қисми сифатида унинг тараққиётини тайёрлаб берадиган кадрлар фаолияти орқали мислсиз тезлаштиради. Қолаверса, жамият тараққиёти унинг олдига таълим-тарбия ва касб-ҳунар ўргатишнинг янги муаммоларини кўндаланг қилиб қўяди.

Бу муаммолар ечими таълим соҳасида фаолият кўрсатганлардан мунтазам равишда фан-техника, ўзи ўргатадиган фан, педагогика, психология фанларининг ютуқларини ўрганиш асосида таълим-тарбияни ташкил қилишни тақозо қилади.

Таълим-тарбия ҳамма ижтимоий муаммолар ичида энг қадимгиси ва шу билан бирга абадий, ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган масаладир. Қадимги шунинг учунки, у жамият пайдо бўлиши билан пайдо бўлган ижтимоий ҳодиса. Абадий шунинг учунки, жамият тараққиётининг ҳар бир даври таълим-тарбия, шахс

шаклланиши ва касбига ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, янгича талабалар қўяди.

Шунинг учун ёшларга таълим-тарбия ва касб ўргатувчиларнинг ўзларини ўқитиш, улар педагогик маҳоратининг таълим ислоҳоти талабларига мувофиқлаштириш ижтимоий буюртма ҳисобланади. Аммо уларнинг ўқиши ўқувчи ёки талаба ўқишига ўхшамайдиган касб таълимининг алоҳида тармоғи ҳисобланади. Буни айрим ҳолларда касбий таълим, қўшимча таълим, қайта тайёрлаш ёки кўпинча малака ошириш деб айтадилар.

Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими узлуксиз таълимнинг ҳамма бўғинлари ва касбий таълим тўлдирувчиси сифатида у билан бир вақтда пайдо бўлди, десак хато бўлмайди. Чунки бошқаларни ўқитадиган киши энг аввало ўзи ўқиган, чуқур билимли бўлиши керак. Аммо унинг педагогика фанининг махсус бир тармоғи- мустақил фан сифатида шаклланиши узок тарихий даврни бошидан кечирди. Педагогик жараён ривожига асосида пайдо бўлган маълум талаблар, ғоялар, фикрлар яхлит таълимот бўлиб шаклланиши, фикримча иккита омилга боғлиқ. Биринчи омил – мустақиллик, яъни жамият эҳтиёжи. Иккинчи, унинг ўрганиш соҳаси, тегишли таркибий қисмлари, қонуният, принциплари методларининг яхлитликда шаклланиши. Шу билан бирга бу соҳада амалий ва назарий фаолият кўрсатаётган кишиларнинг етуклик даражаси – мавжуд соҳа муаммоларини тушуниши, милтиллаб кўринаётган ғояларни пайқай олиши, уларни илмий ва амалий умумлаштира олиши.

Айтиш мумкинки, қайта тайёрлаш ва малака ошириш педагогикасини мустақил фан бўлиб шаклланиши учун ҳам

мана шу шарт-шароитлар тўла этилди. Истиқлол эса буни тезлаштириб, ижтимоий буюртмага айлантирди.

Мустақиллик тақозоси билан ҳамма соҳаларда инсон омилининг ошиши, энг аввало ҳар бир соҳа тараққиётини илмий асосга қўйишни тақозо қилади. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнини илмий асосга қўйиш учун энг аввало уни яхлит тизим сифатида тасаввур қилиш керак. Юқорида таъкидланганидек, ПҚТ ва МО узлуксиз таълимнинг таркибий қисми бўлиб, ўз навбатида ўзи ҳам маълум таркибий тузилишга эга. ПҚТ ва МОга кирган ҳар бир бўгин ўқитувчининг касбий маҳоратини оширишда маълум вазифани бажаради. Яъни ПҚТ ва МО бир-бирига боғлиқ звенолар мажмуидан иборат (6.4.2 -шакл) катталар касбий таълимини амалга оширишга хизмат қилади.

Кўраяпмизки, ПҚТ ва МО ўз ичига бир қанча шакллари олади, улар умумий тизимда бажарадиган вазифаси жиҳатидан бир-бирига боғлиқ бўлади. Шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўз тузилиши, шакллари, методларига эга бўлиб, умумий тизимда бажарадиган «мақсадчалари» билан ҳамоҳангдирлар. Шуларни ягона мақсадга қаратиш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бутун тизимнинг самарадорлигини таъминлаш асосидир. Аммо бу муаммо ҳали тўла илмий ва амалий жиҳатдан ҳал қилинмаган.

Тажриба ва тадқиқотлар кўрсатадики, ўқитувчи шахси ва фаолиятини ички ўз-ўзини билиш мотивлари асосида ташкил этилса, ўзини англаш учун шароит вужудга келади.

Инсон ўзини билиши учун уни шундай ҳолат-вазиятларга қўйиш керакки, оқибатда у ўзини шахс ва касб соҳиби сифатида англасин, фақат шундагина шахсда ўз-ўзини англашни шакллантириш учун инсон ўзининг «Мен»ини англаб, шахслараро муносабатлар нуқтаи

назаридан «Кимман», касбий мавқеи жиҳатидан «Нимани биламан», «Мен ўз касбий, бурчимни қай даражада муваффақиятли амалга ошира оламан?» каби саволларни ўзига бериб, фикран ўз фаолиятини таҳлил қила олмас экан, ташқаридан унинг шахсини ва фаолиятига аралашини кутилган натижа бермайди.

Ақл-заковат, юксак маданият педагог учун ҳам касбий ва ҳам инсоний хислатларини белгиловчи муҳим хусусиятдир. Чунки баркамолликка эришмаган педагог комил инсонни тарбиялай олмайди. Бу эса мустақиллик шароитида ижтимоий талаб сифатида ПҚТ ва МО тизимини илмий асосга қўйишни тақозо қилади.

Бу эса ўқитувчи ёши, психолого-физиологик хусусиятларини билган ҳолда ПҚТ ва МОнинг шакл ва методлари, мазмунини ҳамда унинг фаолият мотивлари, шахсий сифатлари уйғунлигида ташкил қилишни заруратга айлантиради. Ўқитувчининг бу муҳим инсоний сифатларини чуқур билмасдан, тахминан, ўртамиёна ёки интуитив малака ошириш жараёнига ёндошини унинг таъсирчанлигини пасайтиради, расмиятчиликка олиб келади. Эътироф этиш керакки, ПҚТ ва МО тизимини касбий таълимнинг алоҳида шакли – катталар таълими сифатида тан олмаслик унинг муаммоларининг юқоридаги жаҳатларини инобатга олиб, тадқиқ қилинмаганлиги ҳам яхлит бир фан сифатида қарашга халақит беради.

Шунинг учун мазкур тизимда фаолият кўрсатадиган мутасадди ташкилотчилар катталар педагогикаси асосида бу жараённи ташкил қилишида тингловчиларнинг руҳий-ижтимоий, шахсий, касбий хусусиятларини билмоқлари зарур. Бу эса мазкур тизим учун кадрларни махсус тайёрлашни тақозо қилади. Бу зарурат шунда намоён бўладигани, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида

иштирок этувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабат умумий ўрта таълим мактаби, ўрта махсус, касб-ҳунар, ҳатто олий мактабдаги ўқитувчи ва талаба муносабатлари ёки субъект ва объекти муносабатларидан кескин фарқ қилади. Энг аввало бу фарқ тахсил олувчининг ўқув жараёнидаги мақоми билан белгиланади. Чунки педагог маълум касб эгаллаб, жамиятда маълум ижтимоий мақомга эга бўлган шахс ҳисобланади. Ҳаёт тажрибаси, ёши билан ўқувчи ва талабадан фарқ қилувчи киши ҳисобланади.

Демак, қайта тайёрлаш ва малака ошириш объекти ҳисобланган тингловчи ижтимоий мақоми, ёши ва шу ёшга организмнинг психологик-физиологик хусусияти ҳамда ўзига хос унда билимларни эгаллаш жараёнлари (сезги, хотира, идрок, тафаккур, хаёл, ирода, диққат) ва билимга муносабат (мотив)га эга бўлган киши ҳисобланади. Бу эса унга билимли киши ва касб соҳиби сифатида ёндашишни талаб қилади.

Шунинг учун, унга катта киши (андро)ларни ўқитиш андрогогик педагогика ҳамда касб соҳиби-касбий педагогика (профессионал) талаблар асосида ўқитишни ташкил қилиш зарурий шарт ҳисобланади. Бундан кўринадики, қайта тайёрлаш ва малака оширишдаги таълимда ўқитувчи катталар педагогикаси (андрогика) ва касб таълими-профессионал педагогика талабларини ўзаро мужассамлаштирган ҳолда тингловчиларни ўқитиши лозим.

Демак, бу жараён иккала ниҳоятда муҳим ва мураккаб катта кишиларнинг ёши билан боғлиқ ва асосий фаолият тури-ўқитиш, ўргатиш, ёшларга таълим-тарбия берувчи инсонни ва бу соҳада махсус тайёрланган мутахассисни ўқитишга хос субъект-объект муносабатлари мажмуидан

иборат. Шу билан бирга қайта тайёрлаш ва малака оширишда таълимни ташкил қилганда дидактик принциплар, қонуниятлар, таълимни мазмуни, мақсади, ташкил қилиш шакллари ва методларини ҳам ўзига хос танлаш ва қўллаш ўта муҳимдир.

Шунинг учун китоб ҳақидаги холисона фикр ва мулоҳазаларни қабул қиламиз. Улар келажақда бу борадаги тадқиқотларга туртки бўлади, деган умиддамиз. Уларни 705017. Бухоро шаҳри. Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11. БДУ илмий бўлимига юборишни сўраймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Президент Ш. Мирзиёевнинг асарлари:

1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ, / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

Президент Ш. Мирзиёевнинг маърузалари

1. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз : [Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2016. – 15 дек. – Б.1; 2.

2. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили : [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида – 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашди] // Халқ сўзи. – 2016. – 31 дек. – Б.1. 2017.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига янги йил табриги // Халқ сўзи. – 2017. – 1 янв. – Б. 1

4. Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюқдир : [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашди] // Халқ сўзи. – 2017. – 6 янв. – Б. 1.

5. Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир : [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 январда Прокуратура органлари ходимлари куни олдидан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашди] // Халқ сўзи. – 2017. – 10 янв. – Б. 1.

6. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан ватан ҳимоячиларига байрам табриги // Халқ сўзи. – 2017. – 14 январь. – Б.1.2

7. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси] // Ишонч. – 2017. – 17 янв.

1. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари / Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар 2-том. –Т.: Ўзбекистон. -1996й. 3-28-бетлар.

2. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида / Асарлар 3-том. 175-364-бетлар.

3. Каримов И. Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда / Асарлар 7-том.–Т.: Ўзбекистон. -1999й. 370-404-бетлар.

4. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори// Шу номли тўпламда. –Т.: Ўзбекистон. -1998й. 4-18-бетлар.

5. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. -2008й. -176б.

6. Каримов И. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили / Асарлар 4-том. –Т.: Ўзбекистон. -1996й. 39-55-бетлар.

7. Каримов И. Ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир// Халқ сўзи газетаси 18 февраль 2003 йил.

8. Баркамол авлод орзуси. Тўплам. Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Р.Аҳлиддинов, Х.Саидов. -Т.: -1998й. 184б.

9. Таълим тўғрисидаги Қонун// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори номли тўпламда. –Т.: -1998й. 20-29-бетлар.

10. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори номли тўпламда. –Т.: -1998й. 31-62-бетлар.

11. «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни таъкил этиш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 203-сон 13 май 1998 йилдаги қарори. –Т.: -1998й.

12. Ўзбекистон Республикасида кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар. I қисм. Педагог кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув режа ва дастурлар. –Т.: -2000й.

13. «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони / Маърифат газетаси, 2004 йил, 22 февраль.

14. «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. // Маърифат газетаси, 2004 йил, 22 май.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 9 июль 321-сон қарори/ Халқ сўзи, 2004 йил 10 июль.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини

ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида". 16 февраль 2006 йил 25-сон Қарори. –Тошкент, 2006

17. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш давлат талабларининг қайта такомиллаштирилган варианты. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. 1-қисм. Умумий талаблар. Ижтимоий фанлар. Умумқасбий фанлар. Мутахассислик фанлари. –Тошкент, 2009

18. Аниқ ва табиий фанлар: математика, информатика, физика, кимё, биология, география, чизмачилик. 2-қисм.- Тошкент, 2009.

19. Тиллар, адабиёт, тарих, Давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари. Миллий ғоя ва маънавият асослари. Муסיқа маданияти. Тасвирий санъат. 3-қисм. – Тошкент, 2009.

20. Бошланғич таълим, меҳнат таълими, ЧЁТ, мактаб амалиёти психологлари, ташхис маркази дефентологлари, мактабдан ташқари таълим педагог ходимлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари раҳбарлари, махсус таълим муассасалари педагоглари, меҳрибонлик уйлари раҳбарлари, меҳрубонлик уйлари педагог ходимлари. 4-қисм. –Тошкент, 2009.

21. Раҳбар ва педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида Низом. // Маърифат газетаси, 4 февраль, 2006 йил.

22. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг "Халқ таълими муассасаларида фаолият кўрсатаётган номутахассис кадрларни тегишли мутахассисликка қайта тайёрлаш Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 2007 йил 3 апрель 90-сонли буйруғи.

23. Абдулина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования. –М.: Просвещение. -1990г. -141с.

24. Абдукаримов Х. Профессиональные воспитания личности учителя в процессе непрерывного образования. Автор.: Докт. дисс. –Т.: -1998. -48с.

25. Адизов Б.Р. Организационно-педагогические условия совершенствования системы повышения квалификации учителей начальных классов. Автор.: канд. дисс. –Т.: -1990. -17с.
26. Аминов А.Х. Халқ таълими ходимлари малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий – педагогик асослари. –Самарқанд. -2001й. -99б.
27. Баранов С.П. Сущность процесса обучения. –М.: Просвещение.-1986г. -144с.
28. Шловский С.Г. Молодой учитель в системе непрерывного образования. –М.: Педагогика. -1987г. -183с.
29. Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун, танлаш ва амалга ошириш. –Т.: -2001й. -68 б.
30. Герасимов И.Г. Структура научного исследования (философский анализ познавательной деятельности). –М.: Мысль. -19985г.
31. Горская Г.И., Чупрякова Р.Г. Мактабда ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этиш. –Т.: Ўқитувчи. -1990й. -216б.
32. Гулбоев А.Т. Педагогик таъхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш. –Т.: Фан ва технологиялар. -2009й. -112б.
33. Даньков А.Л. Диагностика асосида малака ошириш. // «Халқ таълими» журнали. -1996й. 5-сон. 53-54-бетлар.
34. Данилов М.А. Всеобщая методология науки и специальная методология педагогики и их взаимоотношения. – М.: -1971г. -36б.
35. Диалектика процесса познания. Издательство МГУ. – М.: -1985г. -367с.
36. Дьяченко В.К. Управление переподготовкой слушателей в ИПК. // В кн.: Проблемы организации непрерывного образования руководящих работников и специалистов народного хозяйства. –М.: -1981г. 101-103-стр.
37. Дьяченко В.К. Организационная структура учебного процесса и её развитие. –М.: Педагогика. -1989г. -74с.
38. Елканов С.Б. Профессиональное самовоспитание учителя.–М.: Просвещение. -1986г. -143с.

39. Жураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся. –Т.: -1992г. -159с.
40. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. –М.: Просвещение. -1987г. -160с.
41. Зарипов К.З. Научно-техническая революция: образование и повышение квалификации учителей. –Т.: Фан. -1979. -123б.
42. Зарипов К.З. Профессионально-педагогическое общение как фактор развития творческого потенциала учителя. // В кн.: Развитие мастерства и творческой деятельности учителей естественно-математических дисциплин: Методические рекомендации для ИУУ. –Л.: -1988г.
43. Зарипов К.З. Ўқитувчилар малакасини оширишнинг дидактик муаммолари. // «Халқ таълими» журнали. -2002й. 3-сон. 64-67-бетлар.
44. Зарипов К.З. Ўқитувчи фаолияти ва шахсини педагогик таълим асослари ўрганиш. // «Халқ таълими» журнали. -2002й. 3-сон. 83-87-бетлар.
45. Ибрагимов Х.И., Зарипов К.З. Узлуксиз таълим: бошқариш, ички назорат назарий асослари, шакл, методлари ва технологияси. –Т.: Фан. -2005й. -334б.
46. Ибрагимов Х.И., Йўлдошев, Бобомирзаев Х. Педагогик психология. –Т.: -2007й. -410б.
47. Ильина Т.А. Структурно-системный подход к организации обучения. Вып. 1. –М.: Знание. -1972г. -72стр.
48. Йўлдошев Ж.Ғ. Узлуксиз таълим: Малака ошириш муаммолари ва ечимлари. –Т.: Ўқитувчи. -1975й. -98б.
49. Йўлдошев Ж.Ғ. Системы повышения квалификации педагогических кадров. –Т.: Ўқитувчи. -1996й. -160б.
50. Йўлдошев Ж.Ғ. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. –Т.: Ўқитувчи. -1998й. -208б.
51. Касбий-педагогик маҳоратни ривожлантириш: муаммолар, ечимлар. Илмий-методик конференция материаллари. –Т.: -2000й. -196б.

52. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига янгича ёндошув. // «Халқ таълими» журнали. -2001й. 3-сон. 41-44-бетлар.

53. Королёв Ф.Ф. Системный подход и его применения в педагогических исследованиях. // Советская педагогика. -1970г. №9. 103-105-стр.

54. Кузьмина Н.В. Психологическая структура деятельности учителя и формирования его личности. -Л.: Изд.во. ЛГУ.-1967г. -183с.

55. Кузьмина Н.В. Методы исследования педагогической деятельности. -Л.: Изд.во. ЛГУ.-1970г. -115с.

56. Кузьмина Н.В., Кухарев Н.В. Психологическая структура деятельности учителя. -Гомель. -1976г. -57с.

57. Кузьмина Н.В. Очерки психологии труда учителя. -Л.: Изд.во. ЛГУ. -1967г. -124с.

58. Козиев В.Н. Формирование профессиональных качеств личности учителя. -Л.: Знание. -1987г. -16б.

59. Кулюткин Ю.Н., Сухобская Г.С. Индивидуальные различия в мыслительной деятельности взрослых учащихся. - М.: Педагогика. -1971г. -132с.

60. Кулюткин Ю.Н. Психологическая готовность взрослого человека к обучению. // В кн.: Психолого-педагогические проблемы непрерывного образования. / Отв. Ред. А.М.Матюшкин. АПН. -М.: -1980г. 31-42-стр.

61. Кулюткин Ю.Н. Психология обучения взрослых. -М.: Педагогика. -1985г. -128с.

62. Малака ошириш: Муаммолар, изланишлар, ечимлар. - Т.: -2000й. 98-бет.

63. Лернер И.Я. Процесс обучения и его закономерности. - М.: Знание. -1980г. -9бстр.

64. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. -Т.: Фан. -2006й. -232б.

65. Макаренко А.С. Некоторые выводы из всего педагогического опыта. Соч. Т. 5-98-11- стр. -М.: -1978г.

66. Методы системного педагогического исследования. Учебное пособие. // Под ред. Н.В.Кузьминой. –Л.: Изд.во ЛГУ. - 1980г. -172с.
67. Нуриддинов Б.С., Абдукудусов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари. –Т.: -2001й. -114б.
68. Обидов Қ.Қ. Педагогларнинг узлуксиз малакасини ошириш жараёнида фаолият мотивлари ва шахсий сифатларининг ўрни. –Т.: Фан. -2008й. -100б.
69. О дидактических затруднениях в деятельности учителей и пути их преодоления/ Под.ред. Ю.К.Бабанского. НИИ Минпрос РСФСР. –М.: -1974г. -64с.
70. Онушкин В.Г., Кулюткин Ю.Н. Образование взрослых как предмет исследования.// Советская педагогика. -1981г. №6. 89-101-стр.
71. Основы педагогического мастерства. / Под.ред. И.А.Зязюна. –М.: Просвещение. -1989г. -302стр.
72. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. –Т.: Ўқитувчи. - 2001й. -431б.
73. Платонов К.К. Вопросы психологии труда. –М.: -1962й. - 261б.
74. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2 кн. –М.: Владос. -1999г.
75. Педагогическая диагностика в школе. -Минск.: Народная асвета. -1987й. -223б.
76. Проблемы повышения профессиональной квалификации руководителей школ/ Под ред. Е.П.Тонконогой. –М.: Педагогика. -1987г. -170стр.
77. Психология труда и личности учителя. Сб.н.тр. Вып. 1./ Под ред. А.И.Шербакова. ЛГПИ им. А.И.Герцена. –вып.1. -1976г. -134стр.
78. Психология труда и личности учителя. Сб.н.тр. Вып. 2./ Под ред. А.И.Шербакова. ЛГПИ им. А.И.Герцена. –Л.: -1977г. - 136стр.
79. Рубинштейн Л.С. Проблемы общей психологии/ Отв.ред. Е.В.Шорохова. –М.: Педагогика. -1973г. -432стр.

80. Содиқов А. Малакадаги тингловчи: машғулотдан нима олади, кейинги фаолияти қандай таҳлил қилинади? / Маърифат газетаси, 2009 йил 10 октябрь.

81. Степанова Е.И. Умственные развитие и обучаемость взрослых/ Под ред. А.И.Шербакова. –Л.: ЛПТИ. -1981г. -84стр.

82. Сухомлинский В.А. Ёш мактаб директори билан суҳбат. –Т.: Ўқитувчи. -1989й. -179б.

83. Теоретические основы непрерывного образования. // Под ред. В.Г.Онушкина. –М.: Педагогика. -1987г. -208стр.

84. Усмонов С.А. Малака ошириш курси сифатини аниқлаш меъёри. // Малака ошириш: муаммолар, изланишлар, ечимлар. –Т.: -2001й. 16-26-батлар.

85. Ушинский К.Д. Человек как предмет воспитания. Опыт педагогический антропологии. // Пед. соч. –Т.1 -М.: Педагогика. -1974г. -697стр.

86. Фёдорова О.Ф. Об эффективности повышения квалификации педагогических кадров сферы производства. // Советская педагогика. -1976г. №7. 103-108-стр.

87. Хидиров Ў.Д., Мирсаидов К.Ш., Чориев Р.К. Ишлаб чиқариш таълими. Касб-хунар коллежлари учун услубий қўлланма. –Т.: Ўқитувчи.-2002 й. -104б.

88. Шакуров Р.Х. Творческий рост педагога. –М.: Знание. -1985г. -80стр.

89. Шукина Г.И. Роль деятельности в учебном процессе. – М.: Просвещение. -1986г. -144стр.

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
Биринчи боб. Ўқитувчилар фаолиятини педагогик ташхислаш тизими	17
1.1. Ўқитувчилар фаолиятини педагогик ташхис қилишнинг мақсади ҳамда вазифалари	17
1.2. Педагоглар фаолиятини ташхис қилишнинг илмий тадқиқот методлари	27
Иккинчи боб. Педагоглар фаолиятини ташхис қилишнинг назарий ва методологик асослари.....	33
2.1. Ўқув-тарбия жараёни илмий тадқиқот объекти сифатида.....	33
2.2. Узлуксиз таълим тизимида олий таълимнинг ўрни	41
2.3. Бакалаврлар тайёрлашда таълимнинг гносеологик таҳлили	50
2.4. Ўқитувчининг педагогик фаолияти ҳамда унга бўлган педагогик талаблар.....	66
Учинчи боб. Педагоглар фаолиятини ташхис қилиш жараёнини ташкил қилишнинг педагогик – психологик асослари	80
3.1. Ўқитувчи касбий маҳоратини такомиллаштиришда таълим жараёнининг муҳим талаблари	80
3.2. Ўқитувчилар фаолиятини ташхис қилиш жараёнида педагогларнинг ёш интеллектуал даражасини ҳисобга олишнинг аҳамияти	92
3.3. Педагогларнинг фаолият мотивларини ҳисобга олиш - улар касб маҳоратини оширишнинг таъсирчан омили	111
3.4. Ўқитувчилар фаолиятини ташхис қилиш жараёнида педагогларнинг шахсий сифатларини ҳисобга олиш.....	124
Хотима.....	138
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	159

СОДЕРЖАНИЕ

Предисловие.....	4
Первая глава. Система диагностики педагогической деятельности.....	17
1.1. Цель и задачи педагогической диагностики деятельности преподавателя.....	17
1.2. Научно-исследовательские методы педагогической деятельности.....	27
Вторая глава. Теоретические и методологические основы диагностики деятельности педагогов.	33
2.1. Сущность создания педагогической деятельности.	33
2.2. Учебно-воспитательный процесс как объект научного исследования.....	41
2.3. Роль высшего образования в системе непрерывного образования.....	50
2.4. Педагогическая деятельность преподавателя и педагогические требования к ним.....	66
Третья глава. Педагогические и психологические основы организации процесса диагностики педагогической деятельности.....	80
3.1. Основные требования к педагогическому мастерству преподавателя в совершенствовании учебного процесса....	80
3.2. Роль учета уровня возраста и интеллекта педагога при диагностике учебного процесса.	92
3.3. Оценивание мотивов деятельности педагогов с учетом факторов качества профессиональной деятельности.....	111
3.4. Оценивание личностных качеств педагогов при педагогической диагностике.....	124
Заключение.....	138
Список использованной литературы.	159

CONTENTS

Foreword.....	4
First chapter.	17
2.1. The purpose and tasks of pedagogical diagnostics of the teacher's activity.....	17
2.2. Research methods of pedagogical activity.....	27
The second chapter. Theoretical and methodological bases of diagnostics of teachers' activity.	33
2.1. The essence of the creation of pedagogical activity.....	33
2.2. Teaching and educational process as an object of scientific research.....	41
2.3. The role of higher education in the system of continuous education.....	50
2.4 Pedagogical activity of the teacher and pedagogical requirements to them.....	66
The third chapter. Pedagogical and psychological bases of the organization of the process of diagnostics of pedagogical activity.....	80
3.1. The basic requirements for the pedagogical skill of the teacher in improving the educational process.....	80
3.2. The role of taking into account the level of age and intelligence of the teacher when diagnosing the educational process.....	92
3.3. Evaluation of the motives of the activity of teachers taking into account the factors of the quality of professional activity.....	111
3.4. Evaluation of the personal qualities of teachers in pedagogical diagnosis.....	124
Conclusion.....	138
List of used literature.	159



А.Гулбоев, В.Атаҳаджаев, И.Мамажонов

**ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ
(ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ ПЕДАГОГИК
ТАШХИСЛАШ)**

Муҳаррир:

Ғ.Муродов

Техник муҳаррир:

Г.Самиева

Мусаҳҳиҳ:

А.Қаландаров

Саҳифаловчи:

М.Ортиқова

Нашриёт лицензияси АИ № 178. 08.12.2010. Оригинал – макетдан босишга рухсат этилди: 17.10.2018. Бичими 60x84. Кегли 16 шпонли. «Palatino Linotype» гарн. Офсет босма усулида босилди. Офсет босма қоғози. Босма тобоғи 10,7. Адади 100. Буюртма №142.

Бухоро вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси
“Durdona” нашриёти: Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси 11-уй.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“Sadriiddin Salim Buxoriy” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси 11-уй. Тел.: 0(365) 221-26-45.

